

TAFAKKUR

ТАФАККУР 2/2025

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нарҳда

TAFAKKUR 2025

TAFAKKUR



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

TAFAKKUR 2/2025




ISSN 2010-6491



9 772010 649005

ОҮБЕК

120



Хусниддин АТО. "Осмони фалакларда: бирга учяпмиз"

Мусо Тошмуҳаммад ўғли ОЙБЕК

Haqiqat nimadir, o'ulauman hamon...

*Тош экан бошим,
Ҳеч ёрилмади –
Ёзилди минг тош.*

*Қалам – ҳамдардим,
Бир сирқимади
Кўздан қатра ёш.*

*Кўнглимда ҳақиқат
Бир он сўнмади
Гўё зўр қуёш!*

* * *

*Ўтириб зулматнинг қояларини,
Йўлингда, ай фикр, асло толмайсан.
Қучасан ҳаётнинг ҳар диёрини,
Бир зафар устида ухлаб қолмайсан.*

* * *

*Сирли йўллар босиб, кезаман осмон,
Ўйлайман, ўйлайман, сира билмайман.
Осмонга сепилган олтиндан сомон,
Ҳақиқат нимадир, ўйлайман ҳамон...*

* * *

*Эй улуз ҳаётим, ҳар бир саҳифанг
Минг "Шоҳнома" учун берур фикр, ранг...*



ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош мухаррир
Эркин АЪЗАМ

Тахририят

Бош мухаррир Уринбосари

Собиржон ЁҚУБОВ

Бўлим мухаррирлари

Султонмурод ОЛИМ

Нодира ОҒОҚ

Шоҳсанам РЎЗИМАТ кизи

Бадий мухаррир

Ольга ЖОЛДАСОВА

Мухбир-мухаррир

Насрулло ЭРГАШ

Техник мухаррир

Наргиза УСМОНОВА

Жамоат кенгаши

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Абдулла АЪЗАМ

Олимжон ДАВЛАТОВ

Кулман ОЧИЛ

Шухрат РИЗО

Сирожиддин САЙИДИ

Хайридин СУЛТОН

Абдурахим ЭРКАЕВ

Мургазо ҚАРШИБЎЙ

Дилмурод ҚУРОНОВ

Отабек ҲАСАНОВ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат маркази.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган. Матнларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба кайд этилиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 9-бино.



(55) 508-11-45

(55) 508-11-46



tafakkurtahririyati@mail.ru

Журнал андазаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланди.

“MATRIX” МЧЖ матбаа корхонаси. Тошкент шаҳри, Сайрам 7-тор кўчаси, 52-бино.

2025 йил 12 май куни босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16, 6 босма табак. 23-буюртма. Нашр адади 6400 нусха.

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

Дахлсиз ҳақиқатлар. *Филология фанлари доктори, профессор Дилнавоз ЮСУПОВА билан суҳбат* 4

ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Темур ЖЎРАЕВ. Жаҳон тартиботи: хазонрезги аломатлари 14

ЯНГИ АСР МУАММОЛАРИ

Авазбек ШЕРМАТОВ. Сунъий идрок: ахлоқ сарҳадлари бузилганда 22

НАСР ЖАВОҲИРЛАРИ

Хайридин СУЛТОН. Осмони фалакларда. *Ҳикоя* 28



Хусниддин АТО. “Ошиқлар ошғени”

САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Насрулло ЭРГАШ. Сўзсиз ҳикоялар 50

SAHIƒALARIDA

саҳифаларида

БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Абдулла АЪЗАМ. Аломатфеъл алломалар 54

МОЗИЙГА ҚАЙТИБ

Анвар ЮСУПОВ. Афсоналарга чулганган Афросиёб 62

“ТАФАККУР” ТАБАССУМИ

Михаил ЖВАНЕЦКИЙ. Тошойна – томоша ойна 70

ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Шаҳноза РАҲМОН. Ўргимчак инига хуш келибсиз! 74



Шаҳноза РАҲМОН



Раёсатдан йироқ, риёзиётга содиқ Ньютон

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

- Нодира АБДУНАЗАРОВА. Ҳаёт-мамонт масаласи 82
- Ҳабибулло РАЖАБОВ. Урушда ғолиб бўлмас 83
- Ҳафиза АБДУЛЛАЕВА. Янгиланаётган шаҳарсозлик 85
- Шахло РАҲМОН. Соҳибқирон битган мактублар 86
- Шукур ЖАББОРОВ. Алибобоми ёки Али боб? 88
- Камол МУҲАММАД ЁҚУБ. Қисмат, башорат ва абадият 89
- Нилуфар КАРИМОВА. Илдизларга қайтиб 92
- Гўзал РАМАЗОНОВА. Эврилиш мўъжизалари 93
- Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни* 95

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?



DAKLSIZ HAQIQATLAR

Филология фанлари доктори, профессор Дилнавоз ЮСУПОВА билан суҳбат

– Дилнавоз хоним, Сизни соҳада ўз ўрнини топган мумтозшунос, навоийшунос олима деб биламиз. Фундаментал тадқиқотлардан ташқари, икки муҳим нашр – ўттиз жилдли “Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги” ҳамда икки жилдли “Алишер Навоий: қомусий луғат”ни тайёрлашда иштирок этгансиз. Хабарингиз бордир, аввалроқустоз олим Боқижон Тўхлиев билан “Тафаккур”да суҳбатлашиб, “Лисоний мураккаблик боис мумтоз адабиёт, айниқса, Навоий асарлари бора-бора илмий тадқиқотлар манбаигина бўлиб қолмасмикан?” деган масалада ҳам фикрлашган эдик. Тўғри, навоийшунослик кейинги юз йилда замонавий илму фан бағрида тараққий этди, мутафаккир бобомизнинг маънавий-бадий дунёсини бугунги китобхонга яқинлаштириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Аммо барибир Навоий битикларини чуқур тушунадиган, бадий асар сифатида улардан баҳра топадиганлар фақат мутахассислардан иборат бўлиб қолгандек, “илм – илм учун”-дек... Албатта, шоир қаламга олган ахлоқий-маънавий маса-

лалар доимо долзарб, маънавият сатҳида бутун инсониятнинг Навоий даҳосига муҳтожлиги ҳамишаликдир. Бироқ тамаддун чўққиси деб ҳисобланаётган XXI асримизда не-не тамойиллар, тутумлар, муносабат у ёндашувлар ўзгарди; кўп нарсалар гўё эскирган. Шу манзарада бугунги глобал дунё, инсонийликдан тобора чекинаётган аҳли башар янги ғоялар, янги кўрсатмаларга ҳам эҳтиёж сезаётгандек...



– Мулоҳазаларингизда жон бор, Нодира опа. Ҳақиқатан, бугунги глобал дунёда қарашлар ва ғоялар, тутум ва ёндашувлар ўзгаряпти. Инсонларнинг яшаш тарзи, тафаккурида эврилишлар содир бўляпти. Аммо, назаримда, бугун сабот, садоқат, вафо тушунчалари ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этаётир. Шунга кўра, ҳазрат Алишер Навоий асарларини тадқиқ қилиш ҳеч қачон тўхтамаслиги керак деб ҳисоблайман, ҳатто *илм – илм учун* тамойили устун келган тақдирда ҳам. Бу тамойилдан чекиниш ёки уялишга ҳожат йўқ. Асл ҳикмат, дахлсиз ҳақиқатлардан кўпчилик юз ўгирган чоқда ҳам аҳли илм олий маслагидан воз кечмаслиги шарт. “Эскилик” тамғаси урилса-да, моҳияти ва хосияти эскирмас тушунчалар бор. Зеро, уларни кашф этмоқ, шулар асосида яшамоқ учун одамзод бир қанча асрларни босиб ўтган. Глобал ахлоқий деградация ёки фикрий ассимиляция ҳам уларнинг долзарблигига путур етказолмайди. Инсоният балки қай бир эътиқод ва ҳикматларни эскирди деб эълон қилар. Алҳосил, фурсат келиб, янгилик дея ўзини урган фалсафа иш бермагани, маънавий ва моддий эҳтиёжлар ўртасидаги мувозанатни тиклай олмаганига имон келтиради ҳамда эскирди деб ҳукм қилгани саҳифаларни қайта варақламоққа мажбур бўлади. Навоийшуносларимиз ўз зиммаларидаги вазифаларни бажармоқда мардонавор давом этишлари керак. Ҳар хил мантиқсиз саволларга жавоб бериш ёки тийиқсиз истакларни изоҳлаш каби вазифани зиммага олмаганмиз. Билъакс, ҳазрат Алишер Навоий ва у киши каби мўътабар зотларнинг тарбия, одоб, маданият, эътиқодга доир қимматли фикрларини ўрганиш, ўргатиш ва саботу садоқат ила тарғиб қилишимиз лозим. Менинг комил инончимга кўра, жаҳонни, инсонни, наслу насабни, ҳаётни, покликни, эзгуликни қутқариш вазифаси бора-бора Навоий сингари улуғлар ва у зотнинг меросхўрлари чекига тушади. Бошқача бўлишини тасаввур ҳам қилолмайман.

– Сизга “Шоир битикларида қаламга олинган ахлоқий-маънавий масалалар долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди” дедим-у, яна ўзим ўйланиб қолдим. Ҳазрат Навоий 1481 – 82-йилларда “Арбаъин”ни ёзганлар. Унда Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (с.а.в.) қирқ ҳадиси шеърий шарҳланган. 1485 йилда эса “Назм ул-жавоҳир” майдонга келади. Бу туркумда ҳазрат Али (р.а.) ҳикматлари назмга солинган. Навоий бобомиз гўёки турли мазҳабларга тенг эҳтиромни, бағрикенгликни шу шаклда намойиш қилганлар. Бугун эса... дунё мазҳаблару тариқатлар ўртасидаги омонсиз курашлар, урушлар майдонига айланган. Таассуфки, исломдан ҳам, инсонийликдан ҳам фарсах-фарсах узоқ бу тавр жаҳолат ичида бизнинг юртдошларимиз-да бор. Улуғларимизнинг битиклари, амалий ибрати ўз кучини тобора йўқотмаяптими?

– Фикрингизни тўғри англаган бўлсам, ҳазрат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамда Али розияллоҳу анҳу сўзлари шеърий талқин қилинган икки асарни эслаш асносида Алишер Навоий аҳли сунна ҳамда шиа мазҳабига бирдек бағрикенглик қилган, демоқчи бўляпсиз.

Назаримда, ҳодисага бироз бошқачароқ ракурсда нигоҳ ташлаш керак. Бу икки асар мантиқан бир-бирини тўлдиради. Ҳадис илми – алоҳида соҳа; унинг асослари, истилоҳлари мукамал шаклда ишлаб чиқилган. Ҳадисларни шеърий талқин этиш, айниқса, уни таржима қилиш катта илм ва масъулият талаб қилади. Пайғамбаримиздан бошқа зотларнинг сўзлари эса ҳикмат ҳисобланади. Луғатларда ҳикмат “фойда ва зарарни, яхши ва ёмонни ажратиб берувчи сўз” дея таърифланган. Пайғамбаримизнинг куёвлари, жиянлари бўлмиш ҳазрат Алининг ҳикматлари ҳадисларга ҳамоҳанг, уйғун ва уларнинг шарҳи мақомида эканига шубҳа йўқ. Қолаверса, “Арбаъин” ҳамда “Назм ул-жавоҳир”нинг ёзилиш сабабларини муаллифнинг ўзи батафсил баён қилган.

Шоиримиз ҳазрат Алига отдош – ул зот мумтоз матнларда *шеру Худо* деб сифатланадилар, “Ҳайрат ул-аброр”да Навоий бобомиз ҳам *асадуллоҳ* дея васф қилганлар. Эҳтимол, исмдошлик ёки Пайғамбарга энг яқин қариндош бўлгани туфайлидир, Навоий қалбан Алига алоҳида эҳтиром сезган. Ана шу муҳаббат “Назм ул-жавоҳир”ни битмоққа ундаган.

Муаллиф асарни Султон Ҳусайнга бағишлагани ҳам бежиз эмас. “Бобурнома”да қайд этилишича, Навоий Султон Ҳусайнга шиа тарафдорларининг таъсири ортиши яхшиликка олиб бормаслигини таъкидлаган. Бу масала устоз Зухриддин Исомиддиновнинг

“Шавқи наво” китобида махсус тадқиқ этилган. Агар муаммонинг мазҳаб билан боғлиқ нуқтасини изласак, Навоий асарни Султон Ҳусайнни, шунингдек, ўша давр кишиларини ҳазрат Али шахсияти ва ҳикматлари билан чуқурроқ таништириш учун ҳам ёзган деб айтишимиз мумкин. Чунки ўша мазҳабга мансуб, XV асрда ижтимоий барқарорликка хавф солган айрим бузғунчи гуруҳлар ҳазрат Алини умр бўйи ҳокимият учун курашган ва бу курашни келажак авлодга ҳам васият қилиб қолдирган сиёсатчи сифатида кўрсатган. Яъни ислом оламида охирзамон пайғамбаридан кейин машхур бўлган шахс номидан ўз ғаразли ниятларини амалга оширишда фойдаланмоқчи бўлганлар. Баъзи мутаассиб гуруҳлар эса ҳазрат Алига муҳаббатли бўлган соғлом эътиқодли кишиларни рофизийликда айблаб бадном қилишга уринган. Навоий ҳикматлар таржимаси орқали ҳазрат Алининг шахсияти, дунёқараши, эътиқоди ва маслағи ҳар қандай даъвою иддаолардан баланд туришини исботлаб берди, диёнат бобида ул мўътабар зот билан маслақдош эканини кўрсатди. Буюк шоиримиз ўзи мансуб бўлган аҳли сунна эътиқоди ва ҳазрат Али эътиқоди ўртасида тафовут йўқлиги, шиа фирқаси сиёсий гуруҳ сифатида шаклланиб, соф эътиқоддан янглиш томонга оғганини тушунтирмоқчи бўлгандир эҳтимол...

Дунёда бугун кечаётган мазҳабу тариқатлараро зиддиятларнинг сабаби илмсизликдир. Умуман, ахборот мароми тезлашиб, саҳиҳ ва тўқима, рост ва ёлғонни ажратиш маҳол бўлиб қолган бир даврда бундай ихтилофларнинг авж олиши табиий. Инсоният бу даврни ҳам яшаб ўтади, оқилона хулосалар чиқаради ҳамда вақти келиб, одамзодда жаҳолат ва илм ўртасидаги қатъий чегарани фарқлаш малакаси шаклланади деб ишонаман.

– Ҳазрат Навоий “Мажолис ун-нафоис”нинг VII мажлисида Темур Кўрагондан ташқари йигирма бир нафар шоҳу шаҳзода номини зикр этганлар. Ифтихор қиламизки, неча-неча подшоҳларимиз соҳибдевон шоир бўлган: Ҳусайний, Бобур, Феруз, Убайдий, Амирий... Девон тартиб бермаганлари-чи: Нишоний (Субҳонқулихон), Хон (Абдуллахон)... Турфа истеъдод-қобилиятнинг бир шахсда жамланиши таҳсинга лойиқ, албатта. Энди замондош шоиримиз Рауф Парфидан эшитайлик: “Одамлар кучли, бақувват бўладилар. Дарахтларни кесадилар, тошларни ўрндан силжитиб, ҳар томонга отадилар. Кучли кимсалар одамларни бир-бири билан уруштириб, жанжал чиқариб, давлатни бошқарадилар. Кучли одамга най чалаётган шоир керак эмас. Най чалаётган одам ниҳоятда қулгили туюлади унга. (Жон) Китснинг (XIX аср инглиз шоири – Н. О.)

назариди кучли одам шеър ёзмаслиги керак". Буюм бир фикр-да, балки бирёқламадир, балки эҳтироснинг "самовий кучи" (А.Орипов) ила айтилгандир... Лекин ўйлаб қолади-да одам: мозий майдонларидаги мағлубиятлару инқирозлар "кучли одам"ларимизнинг шеърга мубталолигидан ҳам эмасмикан?

– Кучни бирёқлама тушунмаслик керак. Тарихдан маълумки, давлат икки қурол узра собитдир – қалам ва қилич. Бу икки қурол бир-бирининг ўрнини босишга асло қодир эмас. Аммо бир ҳукмдорда қалам ва қиличнинг мужассам бўлиши бу – муаззам Шарқ, хусусан, бизнинг аждодларимизга хос фазилат. Сўз майдонида қаламни, жанг майдонида қилични моҳирона ўйнатган подшоҳ ҳар томонлама комил бошқарувчи ҳисобланган.

Фикримча, бугунги одамлар, хусусан, адабиёт кишилари билан ўрта аср сўз муҳаққиқларининг шеърни англашида жиддий фарқ бор. Бугунги кун китобхонига кўра, шеър одами – жуда кўнгилчан, ҳиссиётли ва ҳамиша келишув йўлини тутадиган ёки исён қўлида ожиз қолиб нуқул нола чекадиган инсон. Аммо боболаримиз наздида, шеър – аввало ҳикмат, инсонларни покликка, теранликка етаклайдиган восита, комиллик кашфиётидир. Ҳар қандай туйғу шеърга солиниши мумкин эмас. Фақат юксак ғоялар, эзгулик тараннуми ҳамда одамийлик тафаҳҳуми бўлган калималар шеър бўлмоққа лойиқ. Қалб эзгулик, покиза ишқ ва инсонийлик қаршида ёнсин-куйсин, илло адолатсизлик, зулмга бўйин эгмасин. Дейлик, юртни ғорат қилаётган ёв рўпарасида шоир-подшоҳ "Бу ҳам одам-ку!" деб кўнгилчанлик қилмайди, аксинча, одамийлик ҳаққини поймол этган босқинчининг ишини қилич-ла битириб кўяқолади. Шу ўринда мавлоно Хондамир ёзиб қолдирган, бугунги авлод негадир ўта ҳассос ва кўнгилчан деб тасаввур қиладиган ҳазрат Навоий билан боғлиқ воқеани эсласак. Золим вазир сифатида ном қозонган Мавлоно Сониъий бошига катта салла ўраб юрар экан. Бир куни унинг номаъқул ишлари Хусайн Бойқарога маълум бўлибди. Султон ғазабланиб, вазирнинг салласини бошидан олиб ташлашларини буюрибди. Шунда Навоий подшоҳга юзланиб, ушбу мисрани айтган экан:

Чу бори сар сабук кардий, сабук кун бори гардан ҳам.

Мазмуни: бошидаги юкни енгиллатган экансиз, энди бўйнидаги юкни ҳам енгиллатинг, яъни салласини олиб ташладингизми, энди калласини ҳам олиб ташланг!

Демак, аждодларимиз зулмга, адолатсизликка нисбатан мурасисиз бўлган. Қўлида қалами бўлган подшоҳларимиз теран шуур

ва кескир қилич соҳибби бўлганки, бу хусусият миллат зеҳниятига ҳукмдорга қўйиладиган талаб ўлароқ мустаҳкам ўрнашган.

Амир Темурдан кейинги тарихимиз бизга инқирозлар асри дея кўрсатилади. Бу – тарихни англаш бобидаги муаммоларимиздан бири, шу хил англам қолипи бизга мустамлака давридан “ёдгор”-дир. Тарихимизни шайбонийлар, аштархонийлар, кейинчалик манғитлар давридаги зиёли ва олимлар тафаккур кўзгуси билан кузатиш, жаҳондаги бошқа халқларнинг ўз кечмишини англаш тамойили билан қиёсан идрок этиш зарур. Шунда халқимизнинг чор мустамлакасига қадар бўлган асрлардаги маданий-маънавий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий-ҳарбий ҳолати хусусида илмий асосда янгича ва бир қадар тўғри жавоблар олган бўлар эдик. Ўша асрларда диёримиз халқлари ўз ҳаётидан рози ёки норози бўлгани, ҳаёт даражаси, ижро ва суд ҳокимияти фаолияти муқояса йўли билан ўрганилса, ҳақиқат янада ойдинлашар эди.

Агар Сиз мағлубият ва инқирозлар деганда юртимизнинг босқинчилар томонидан ишғол этилишини назарда тутаётган бўлсангиз, бунга кучлиларнинг шеърга мубталолигини сабаб қилиб кўрсатмаслик керак, балки масалани каттароқ кўламда ўрганиш лозим деб ўйлайман. Бунинг учун бизга янги илмий тадқиқот методологияси зарур.

– Англияликларнинг сўнги ўнйилликдаги энг севимли ўнта сўзи аниқланибди, рўйхатда serendipity ҳам бор экан – бу факт профессор Гулноза Одилова билан ҳаммуаллифликдаги мақолангизда келтирилган. Бу сўзни илк бора инглиз ёзувчиси ва файласуфи Хорас Волпол 1754 йилда дўсти Харас Маннга ёзган мактубида қўллаган ва уни “фавқулодда ҳолатларда онгнинг жадал тарзда ишлаб кетиши натижасида кашфиётлар қилиш ва кутилмаганда омадга эришиш” деб изоҳлаган экан. Ҳ. Волпол сўз маъносини тушунмоқ учун итальян адиби Микеле Трამеззинонинг “Сарандиб шоҳининг уч ўғли” асарини (1557) ўқиш керак, дея таъкидлайди. Мазкур асар шарқона сюжетлар асосида, хусусан, Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони таъсирида яратилган экан. Мақолангиздан парча келтирсам: “... ёзишма натижасида мазкур асар Англияда қайта-қайта ўқила бошлайди, “serendipity” эса инглизларнинг севимли сўзи, фалсафий тушунчасига айланади. Асардаги бутун фалсафий маънони қамраб олган мазкур янги сўз Англия ва Америкада сиёсат, медицина, рангтаъсир, таълим, иқтисодиёт, алгебранинг, илм-фан ва ижтимоий жараённинг ҳамма тармоқларига кириб боради ва фан тараққиётига сабабчи бўлади”. Бу

сатрларни шоён ифтихор билан ўқидим. Лекин... Навоий бобомиз достонига таассубан ёзилган бир асарки ўзга юртларда шунча тўлқин уйғотган экан, бу ҳол XV асрдан сўнг нега бизда рўй бермади? Бугун ютуқларимиз оз эмас... аммо таассуфки, аёллар хорижда нораво ишлар билан машғулу машхур, оналару оталар ўз зурриёти умрига зомин, эрларимиз ё ғурбатзада қора юмушчи ва ёким террор лашкарлари сафида экани ҳам аччиқ ҳақиқатдир. Биз бу сира фожиаларнинг сабабини иқтисодий мушкулотлардан, ижтимоий омиллардан ахтарамиз кўпинча. Ваҳоланки, ўша иқтисодий-ижтимоий муаммоли вазиятлар ақл-идрок кўзини туйқус очиб, тараққийга олиб чиқар ҳам экан-ку! “Сабъаи сайёр”дек асарлар нега бизда serendipity эффектини келтириб чиқармайди – нима, биз адабиётни киройи тарғиб қилмаймизми? Ёки гап менталитетдами? Ёхуд адабиёт бизда фақат ўқиш учуну ўқиганимиз тийнатимизга юқмайдими?

– Таъкидлаб ўтишим керак, Сиз келтирган иқтибос Гулноза Одилованинг нуқтаи назари эди – мен бу масалада бошқачароқ фикрдаман. Бир қанча жиҳатларни аниқлаштириб олиш зарурга ўхшайди. Дастлабки масала тараққиётни қай тарзда англаш билан боғлиқ. У бугунги давр кишиси назарида икки шаклда намоён бўлиши керак гўё. Биринчиси, тараққиётнинг моддий томони бўлиб, яшашни осонлаштирувчи воситаларнинг мукаммалаша боришини ифодалайди. Яъни одамзод қулайроқ яшаши, камроқ жисмоний куч сарфлаши керак. Имкони бўлса, жонини мутлақо оғритмасаю барча эҳтиёжлари муҳайё бўлаверса... Иккинчидан эса, одамлар ўз истак ва салоҳиятларини кўз-кўз қилиш, намоён этишда ҳеч қандай тўсиққа учрамасликлари керак – ана шунда улар ўзини бахтли ҳис этади. Бу зеҳният бугун прогрессив қатламга мансублик белгисига айланди. Мазкур қарашлар Ғарб тамаддуни ҳосиласи бўлиб, моҳиятида психоанализ таълимотининг фундаментал асослари ётади.

Тараққиётга оид бу хил қарашлар қандай оқибатларга олиб боради? Бунда ҳам икки умумийлик бор: биринчиси – одамларнинг худбинлашуви, меҳр-оқибатнинг кўтарилиши, умуман, ажодлар инсонийлик илдизи деб билган қадриятларнинг емирилиши. Иккинчиси – соғлом ақлга сиғмайдиган ҳодисаларнинг тарғиб қилиниши. Масалан, инсон ўз ҳаётини ўз ихтиёри билан тўхтатиши. “Хавотир ва қўрқувларсиз ўлиш ҳар кимнинг ҳуқуқи” қабилидаги ёндашув натижасида Ғарбда ўлим капсулалари пайдо бўлганидан хабарингиз бор.

Шунингдек, трансгуманизм атрофидаги баҳслар ҳам кучайган, яъни инсон руҳининг бу дунёдаги абадий ҳаётини таъминлаш деган гап ўртага чиқмоқда. Биологик вазифаларга муваккил тана ўта қулай муҳитда яшаса ҳам барибир кун келиб ўлимга йўлиқади. Трансгуманизм тарафдорлари фикрича, жисм ишлашдан тўхтасин, жон эса ўлмасин – руҳни бошқа бир моддага кўчириб ўтказиш керак. Соғлом мантиққа зид даъво бу!

Яна бир мисол келтирай: ҳозир квадербер деган сўз қулоққа тез-тез чалинапти. Унга кўра, одам ўзини бирон ҳайвон деб тасаввур қилади, ўша жониворга тақлид қила бошлайди... Ғарбда хавотирли даражада оммалашиб бораётган бу ҳодисалар таъсирини юртимизда ҳам кўряпмиз.

Ёхуд эркак ёки аёл ўз жинсидан норози бўлиб, уни ўзгартиришга ҳаракат қилса ва бу истакни жамият қўллаб-қувватласа?! Сўзим аввалида айтганим тараққиётнинг икки шакли одамларни охир-оқибат ана шундай абсурд тасаввур ва хаос чангалига ташлаётир. Шу боис Ғарб тараққиёт деб тақдим қилган модель, назаримда, инсон учун тугал бахтни бера олмайди. Аксинча, шубҳа ва иккиланишлар, тубсиз тушкунлик чоҳига улоқтиради. Фикри ожизимча, тараққиёт руҳ ва қалб билан боғлиқ ҳолда кечиши керак. Ҳақиқий бахт ва комиллик йўли ана шу.

Энди Навоий асарлари охириги беш асрда юртимизда қай даражада ўқилгани, оммалашгани ва у аждодларимиз ҳаётида қанчалик акс этгани масаласига келсак. Матншуносларимиз гувоҳлик берадики, бу давр мобайнида ҳазрат Навоий асарлари тинимсиз кўчирилган ва ўқилган. Ҳозирда биргина Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари марказида “Хамса”нинг XV – XX аср аввалида кўчирилган 170 га яқин қўлёзмаси сақланади. Агар бу санокқа қўшни мамлакатлардаги қўлёзмаларни ҳам қўшсак, Навоий дostonларининг Марказий Осиё интеллектуал ҳаётида қандай ўринга эга бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ҳерман Вамбери ўз кундаликларида Навоий ижоди ва шахсияти Туркистондаги уч хонлик аҳолиси орасида бирдек улуғланганини ёзиб қолдирган. Ҳазрат Навоийдан кейин туркий тилда қалам тебратган бирор шоир йўқки, ул зотга мурожаат этмаган, тақлид қилмаган, эргашмаган ёки ўзига муршид деб билмаган бўлса! Мутафаккир шоир ғоялари ва қўллаган тасвир воситалари деярли барча ижодкорлар асарларида тажаллий қилади. Сираси, ҳазратнинг охириги беш асрда халқимизнинг маънавий мураббийи мақо-

мида бўлиб, гадодан шоҳгача, қулдан беккача, авомдан хосгача – барчанинг эҳтиромига сазовор бўлгани мутлақ ҳақиқатдир. Хўш, мутафаккир шоир қарашлари ҳаётимизда қай шаклларда зуҳур этган? Бу саволга узил-кесил ва мухтасар жавоб беришнинг имкони йўқ, албатта. Аммо айрим муҳим нуқталарни қисқа шаклда қайд эта оламиз: Навоий Парвардигорга муҳаббат ғоясини куйлади; инсонни коинотдаги мукаррам яратиқ деб билиб, унинг ҳаёти, қадри ва қийматини энг олий қадрият деб сингдирди, инсон кўнгли ва туйғулари пок бўлмоғи лозимлигини уқтирди; дунёга майл қўймасликка, нафса эргашмасликка даъват этди; адолатни устун қўйиб, зулмнинг офат эканини таъкидлади; ўлимдан кўркмасликка, ҳаётни севишга чорлади... Ҳазрат Навоийдан кейин яшаган аждодларимиз ана шундай қадрият ва тамойилларни ҳаётий шиор деб билдилар.

Ғарбнинг тараққиёт модели ва Навоий илгари сурган ҳаёт маъно-мазмуни ҳақидаги қарашлар бир-бирига тўғри келмайди. *Serendipity* калимаси Ғарбнинг турли соҳалардаги ривожланиш омили ўлароқ кўрилса, бу улар улуғ бобомиз ижодининг бир заррасидан баҳраманд бўлганига далил, холос.

“Ўзаро урушлар, хонликлар ўртасидаги зиддиятлар, сиёсий бирликнинг йўқлиги, халқнинг аянчли аҳволи-чи? Навоий ғоялари бу ҳолатларни муолажа қила олмадими?” деб сўрашингиз мумкин. Албатта, усмонли турклар Мавлоно Жалолиддин Румийни ўз давлатчилигининг меъмори ўлароқ кўргани каби, ҳазрат Навоий ижоди ҳам Мовароуннаҳр халқлари тафаккури, яшаш тарзи, адабиёти ва маданиятига жиддий таъсир кўрсатган. Аммо ҳар бир даврнинг ўз хусусияти бор, гоҳида ҳар қандай кучли адабиёт ёки ғоялар ҳам унга таъсир қилмаслиги мумкин. Алқисса, ҳар бир давр одамлари бебаҳо бисотдан ўз насибаларига яраша улуш оладилар.

Кейинги беш асрда Туркистон халқларининг маданияти, яшаш тарзи, тафаккури дунёнинг ўша вақтдаги бошқа элларидан асло қолишмаган, балки улардан олдинда бўлган, инсонпарварроқ бўлган деб айта оламиз. Халқимиз зеҳнияти тажовузкорликдан йироқ эди, сокин ва тартибли умр кечириш, қадриятларга содиқлик, барчага яхшилик қилиш хислатлари бутун борлиғимизга сингиб кетган эди. Эҳтимол, ана шу соддадиллик сабабли ҳам босқинчиларнинг ваҳший, маккорона ҳужумларию мислсиз кулфатларни сезмай қолгандирмиз?! Ёлғондан узоқ халқ бошқалардан ҳам ростгўйлик кутади. Масалан, профессор Ҳамид Зиёев генерал Черняев Тошкентни эгаллаш маҳали маҳаллий аҳолига қандай ваъдалар бергани,

халқни қай тариқа алдаб қуролсизлантиргани хусусида қимматли фактлар келтирган.

Агар халқ зеҳниятига унинг адиблари ёзган асарларга қараб баҳо берсак, охириги беш асрда Оврупо адиблари яратган наср намуналарига назар солиш кўп ҳақиқатларни очади. Дейлик, Оноре де Бальзак, Стендаль, Проспер Мериме каби адиблар замондошларининг маънавий емирилишлари, жамиятдаги бемисл тартибсизликлар, эътиқодсиз кишиларнинг фожиаларга тўла ҳаёти, софдиллик ва мардликнинг қурбон этилишини қаламга олган. Миллий адабиётимиздаги ғоя ва қарашларни шу аспектда қиёсга тортсак, инсон қадри, эътиқод пойдорлиги, яхшиликсеварлик, қадриятларга садоқат, инсоф ва номус ҳимояси ўта мустаҳкам эканини кўрамиз. Эҳтимол, шу боис Навоийнинг англизбон таржимони Ҳарри Дик миллатдошларининг маънавий хасталигига давони шоир асарларидан излагандир, “Алишер Навоий кўнгил боғининг боғбонига ўхшайди. Тараққиёт ортидан қувиб, кўнглини ажриқ босиб кетган кишилар қалбидан ажриқларни юлиб, руҳониятини даволайдиган боғбонга...” деб ёзгандир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳазрат Навоий ижоди асрлар бўйи инсонийлик ҳамда соф эътиқод кўрғони бўлиб келаётир. Шоир дунёсидан баҳраварлик ҳамма давр ва ҳар қандай шароитда инсон ва жамиятни саодатга етаклашига шубҳам йўқ.

– *Ҳаёт низоми шундай: ҳар қандай ибтидонинг интиҳоси бор. Шундай бўлса-да, интернетда ўқиганим бир маълумот соҳага дахлдор одам сифатида юрагимга қаттиқ тегди: футурологик тахминларга кўра, келажакда истеъмолдан чиқиб кетадиган соҳалар ичида филология ҳам бор экан. Бу тахмин башарти тўғри чиқса, филологияни ўтмиш қутисига ташлаб юборган одамзод нималарни йўқотади?*

– Мен ҳамиша яхши гумонда бўлиш тарафдориман. Шундоқ ҳам дунё шумхабарларга тўлиб кетган. Бу сира тахмин-тусмолларнинг ҳаммаси ҳам тўғри чиқавермаслигига аминман. Айниқса, филология, тил ва адабиёт соҳаси ҳеч қачон ўлмайди. Ахир, одамзод адабиётсиз, сўзсиз, тилсиз яшаши мумкинми?! Ҳамма даврларда сўз юкини кўтарадиган, Ватан ва тилни ҳимоя этадиган, Навоий каби зотлар меросига соҳиб чиқиб, уни келажакка етказадиган ойдагинлар пайдо бўлаверади. Умидим шулки, бу илоҳий илтифот то қиёмат узилмагай!..

Нодира ОФОҚ суҳбатлашди.



JAHON TARTIBOTI: XAZONREZGI ALOMATLARI

XXI asrning ilk choraqi insoniyat ҳаётида оламшумул воқеаларга бой кечди. Тарих йўналиши, дунё геосиёсий қиёфасини ўзгартираётган ҳодисалар силсиласини эски жаҳон тартиботидан янгисига ўтишнинг зоҳирий аломатлари деб баҳолаш мумкин. Бундай бурилиш лаҳзаларида халқлар руҳиятидаги ботиний бир қувват юзага чиқади ва унинг таъсирида дунё сифат жиҳатдан ўзгариб, янги қоидалар асосида яшамоққа тутинади.

Цивилизациядан цивилизацияга, даврдан даврга ўтиш паллаларида илм-фан вакиллари, хусусан, жамиятшуносларнинг шунчаки томошабин бўлмоққа ҳақи йўқ. Билъакс, улар жамият аҳлига залварли муаммолар ечими борасида оқилона жа-

воблар ҳозирламоғи даркор. Қарийб тўрт юз йил ҳукмронлик қилган евроцентриқ тартибот ўрнида кўпқутбли глобал низом шаклланмоқда. Ушбу эврилиш муҳим бир хулосага ундайди: эски низомдан ҳафсаласи пир бўлган миллиардлаб одам янги қонун-қоидаларни талаб этаётир.

Дунё давлатлари бир ёқадан бош чиқариб, қурраи арзни инсонпарварроқ босқичга беталафот олиб ўтиш йўлларини топиши лозим. Ҳозирда башарият ҳаёти тақдир ҳукмига ташлаб қўйилгандек. Ҳолбуки, умумсайёравий муаммо ечимини пайсалга солиб бўлмайди. Хавфсизлик ва барқарорлик учун масъулиятни зиммасига олган давлатлар, халқаро муассасалар жидди жаҳд қиладиган вақт аллақачон келган.

Бир неча аср мобайнида метрополия давлатлар – мустамлакачилар томонидан ўз манфаатларига мослаб яратилган бошқарув принципи ва тузилмаси чириди. Парадокс шундаки, бундан АҚШ ютган бўлса, мазкур сиёсий-иқтисодий ва мафкуравий тартибот меъморлари – Буюк Британия ва Франция сингари давлатлар сезиларли зиён кўрди. Бугун аксилғарб кучлар сиёсат майдонига чиқаётгани бежиз эмас. Иккинчи жаҳон уруши якунида Хитой Халқ Республикасининг пайдо бўлиши, Ҳиндистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритиши, XX асрнинг 50 – 60-йилларида Ҳиндихитой заминида мустамлакачи армияларнинг мағлубиятга учраши, Африкада миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши, Югославиянинг парчаланиши, Болқон ярим оролидаги этносиёсий айирмачилик каби ҳодисалар англосакс цивилизацияси кўчасида байрам якунланаётганидан далолат берарди (*Володин Г. Возвращение развития: полицентричный мир в поисках новой экзистенциальной парадигмы // Вестник Российской академии наук. 2023, том 93, №11. Стр. 1019-1031*). Афғонистон, Ироқ ва Сурия драмаси эса АҚШ куч-қудратининг мукамаллигини шубҳа остига қўйди.

Аксилamerika йўналишидаги янги цивилизациялараро бирлашма – БРИКСнинг қамрови кенгайиб бораётгани, мусулмон дунёсида ўз-ўзини қайта англаш жараёни кечаётгани, Евроатлантика маконидаги нотинч ҳарбий-сиёсий вазият Ғарб ҳегемонлиги қуёши ботаётганига шохидлик бераётгандек. Умумсайёравий аксилғарб ҳаракати замирида “Вашингтон консенсуси” билан боғлиқ ваъдалар, “тарих ниҳояси”, “либерал демократиянинг абадий

тантанаси” сингари футуристик башоратларга нисбатан ишончсизлик ётибди. Неоколониализм исканжасидаги “учинчи дунё” мамлакатлари “фақир киши панада” қабилида



катта сиёсатдан четда бўлмоқ йўлидан воз кечди. Бу ҳол оврупоча ва американча яшаш тарзини рад этиб, тараққиётнинг миллий этатизм, қаршилиқ кўрсатиш стратегиясини ихтиёр этишда намоён бўлаётир (*Го Д. Мыслить против империи: антиколониальная мысль как социальная теория // СоцИс, 2024, №1. Стр. 16-26*).

Сайёраимизда сўл радикал давлатлар (Бразилия, Перу, Боливия, Эквадор, Никарагуа, Венесуэла) сафи ортиб, уларнинг географик қамрови тобора кенгаймоқда. Бу сира давлатлар ёввойи капитализм ва бозор меркантилизмни рад этган ҳолда ижтимоий ҳимоя йўлини танламоқда.

Яқин ўтмишда собиқ “социалистик лагер”да кузатилган “рангли инқилоб”лар ташқи кучлар томонидан идора этилгани ошкор бўлди. Замонавий “салиб юриш”лари Африка мағрибида тўхтаган бўлса-да, минтақада ички беқарорлик, миллатлараро низоларни келтириб чиқарди. Моддий жиҳатдан тўқ, сиёсий жиҳатдан барқарор Ливиянинг қонга ботирилиши аянчли оқибатларга олиб келди. Айни вақтда Мали, Нигер, Буркина Фасо, Марказий Африка Республикаси каби мамлакатларда аксилғарб кайфиятининг кучайиши ҳам “қора

Қарийб тўрт юз йил ҳукмронлик қилган евроцентрик тартибот ўрнида кўпкўтбли глобал низом шаклланмоқда. Ушбу эврилиш муҳим бир хулосага ундайди: эски низомдан ҳафсаласи пир бўлган миллиардаб одам янги қонун-қоидаларни талаб этаётир.

қитъа”нинг Ливия фожиасига жавоби десак муболаға бўлмайди.

Ижтимоий-сиёсий, маънавий ўзгаришлар даврида глобал миллий озодлик ҳаракати янги мақомда ўз ҳуқуқини талаб қилмоқда. Табиий ўзанига қайтаётган миллий демократик кучлар эркин яшашга интилаётган давлатлар атрофида бирлашмоқда. Совет Иттифоқи парчалангач, дунё ҳукмронлигини қўлга олган кучлар муаммолар гирдобига тушиб қолди. Бу ҳол ижтимоий онгнинг чуқур қатламларида юз берган ва бераётган умумсайёравий тектоник силжишлар силсиласида яққол кўзга ташланмоқда.

Сираси, бир неча аср мобайнида башариятнинг маънавий юксалишига тўғаноқ бўлган, эрксевар мазлумларни хоҳиширодасига зид юмушларга мажбурлаган куч барҳам топмоқда. Демакки, эндиликда жаҳонда зулм, зўравонлик ва камситишлардан холи, миллий, конфессионал ва цивилизацион мансубликдан қатъи назар, бутун башарият учун қулай муҳит яратилмоғи шарт.

Жаҳон тартиботи ва унинг беҳисоб институтлари башариятнинг бугунги талаб-эҳтиёжларига жавоб беролмай қолди. Назаримизда, бу ҳолатнинг айбдорини қидирмоқ ҳам тўғри эмас. Муҳими, мақбул ва манзур яшаш усулларини топмоқ ва амалга татбиқ этмоқдир. Шарқу Ғарб мутафаккирлари фикрича, адолатли тартибот хомхаёл эмас, балки реаллик, одамзоднинг “трансцендент вазифаси”дир. Инсониятнинг саодати муаммоси эса Шарқ фикр аҳли томонидан кўп ва ҳўб тадқиқ этилган.

Муштарийлар мулоҳазаларимизни Ғарбни бирёқлама қоралаш, танқид қилиш деб тушунмасинлар. Дунёни ғарбона қолипда идора этиш ўз даврида инсоният корига яради, албатта. Иқтисодиёт, сиёсат, маданият, ахборотлаштириш каби жабҳаларда олға силжишлар рўй берди, илм-фанда инқилобий ютуқларга эришилди. Бироқ инсон зотининг мудом эзгулик, фаровонлик ва янгилик томон интилиши қонуниятини инобатга олинса, анъанавий глобал тартиботдан адолатлироғини қидириш табиий ҳол экани аёнлашади. Дарҳақиқат, ғарбона тафаккур тарзини ёмонотлиқ қилиш илм аҳлига ярашмайди. Аммо холислик нуқтаи назаридан айтсак, Ғарб ўзи яратган бошқарув тизимини эндиликда на ислоҳ этишга, на янгисини яратишга қодир. Чунки у бир неча аср давомида ҳаёт ҳақиқатига зид йўл тутди, яъни инсониятнинг жамики муаммоларини ҳал қилишни қайта-қайта ўз зиммасига олди, бу жабҳада яккаю ягона карвонбоши эканини бани башарга уқтириш йўлида бор имкониятини ишга солди. Шу мақсадда катта миқдорда сармоя харжланди, ҳатто диндан ҳам усталик билан фойдаланилди. Бироқ касални яширсангиз, иситма ошкор этади.

Алҳол, инсон руҳиятининг чуқур қатламларида мавридини кутаётган яратувчи қувват бош кўтариши муқаррар эди. Польшалик файласуф ва психолог Юлиуш Словацкий одамзод вужудида бир “азалий ва абадий инқилобчи” мавжудки, у инсон руҳиятидир, дея образли таъриф берганида ҳақ эди (*Рашковский Е. Человеческий капитал как проблема социальной философии // Вопросы философии, 2022, №6. Стр. 52*).

Айнан ўша – инсон бағрида яширинган чексиз қувват (бу ўринда гап жисмоний куч ҳақида кетаётгани йўқ) дунёни тубдан ўзгартира олади. Ғарбда рационал ақлга таянган ҳолда, инсон қалби, шууридаги ботиний қувват сиқиб чиқарилди. Бу ҳам етмаганидек, инсон миясини митти чиплар ёрдамида янада фаоллаштириш бўйича тажрибалар олиб борилмоқда. Мухтасар айтсак, Ҳазрати Инсон темиртан робот ёки шунчаки дастгоҳ даражасига туширилмоқдаки, бу вақти келиб инсоният бошига фалокат ёғдириши ҳеч гап эмас.

Шарқда масала мутлақо бошқача тарзда қўйиладики, унинг замирида инсонийлик ва илоҳийликни улуғлаш, одамзодни ҳам маънан, ҳам моддиян бахтли қилиш истаги ётади. Шу боис Ғарб аҳли ҳатто Яратгандан воз кечган кезларда ҳам Шарқда буюк ўзгартирувчи ботиний қувватга ишонч пойдор бўлиб қолди. Илдизи муқаддас битикларга бориб тақалувчи инсоннинг илоҳий миссиясига доир қарашлар Шарқ алломалари ижодидан мустаҳкам ўрин эгаллагани маълум.

Америкалик таниқли сиёсатшунос Самюэль Хантингтон “Биз киммиз? Америка миллий ўзлигига таҳдидлар” деган рисоласида “Яратганнинг қасоси” ҳақида сўз юритаркан, диний қарашлар ғарблик-

лар учун ҳам бегона эмаслигини таъкидлайди (*Samuel P. Huntington. Who Are We? The Challenges to America's National Identity. New York, Simon & Schuster, 2004*). Бироқ ғишт қолипдан кўчиб бўлган ва вазиятни ўнгламоқ учун инсоният кечиккан чоғи. Назаримизда, бугунги тақдируламал мураккаб вазият янги Гоббс ва Декарт, Ибн Арабий ва Румий, Ганди ва Бхавеларни талаб этаётир.

Тараққиёт йўли ҳеч қачон равон ва осон бўлмаган. У мудом турли-туман тўсиқлар, зиддиятлар аро кечади. Гоҳида инсоният бир жойда депсиниб ҳам қолади. Мана шу ҳаётий ҳақиқатни чуқур англаган бобо Шарқ дунёнинг бошқа пучмоқлари уйқуда ётган паллаларда ҳам башарият қисмати, истиқболи, маънавий қуввати хусусида мушоҳада юритишдан тўхтамаган. Мисол учун, олам, табиат ва инсон муштараклиги ғоясини олайлик. Шарқ мутафаккирлари ижтимоий ва руҳий ҳамнафаслик умумсайёравий мувозанатга олиб боришини ҳаммадан аввал англаган. Ушбу ғоя хитой алломаси Конфуцийнинг издоши, мутафаккир Чжуан-цзига нисбат берилса-да, у умуман Шарққа ибтидодан хос олам яхлитлиги ғоясининг таркибий қисми саналади (*Чэнь Хунь, Гань Цяоцзюань. О философских основах концепции сообщества единой судьбы человечества // Вопросы философии, 2023, №3. Стр. 99*).

Айни шу руҳдаги фикрлар ҳинд фалсафасида ҳам учрайди. Жумладан, ҳиндувийликка доир битикларда (ведалар, ригведлар ва упанишадлар) жамият, давлат ва дунёқарашлар ҳамнафаслиги умуминсоний яхлитлик бағрида камол топиши баён этилган.

XIX asr Ҳиндистон, Бенгалия ренессансининг буюк вакиллари Раммохон Рай, Бхактивинода Тҳокур ҳамда Шри Ауробиндоларнинг илмий-маърифий меросида адолатсизликка барҳам бериш, инсониятнинг фаровон ҳаёт кечиришига оид тавсиялар илгари сурилган. Уларни бирлаштирувчи хусусият шуки, инсон зоти батамом янгича тартиботни яратишга қодир хилқат ўлароқ талқин этилади. Инсоният бунга диний, дунёвий билимлардан бохабарлик, маънавий комиллик, бошқа халқлар билан дўстона муносабатда бўлиш, авлодлараро ҳурмат ҳамда башарият олдида қарздорликни ҳис этиш орқали эришиши уқтирилади. Эътиборли жиҳати шундаки, замонавий илмий жамоатчилик ҳам идеал тартиботни ҳозирги яланғоч интеллектдан мутлақ фарқланувчи трансцендент рационал интуиция, юсак тафаккур пиллапоясига кўтарилиш ила боғламоқда (*Инков А., Шиков А. Встреча Индии и Запада в социально-философских концепциях Бхактивиноды Тхакура и Ауробиндо Гхоша // Вопросы философии, 2022, №2. Стр. 212-213.*

Қадимги Шарқ фалсафасига бугунги кун нуқтаи назаридан нигоҳ ташлар эканмиз, мақсадимиз ўтмишдаги ижтимоий муносабатлар тизимини бугунга мослаш эмас, балки одамзод дунёга келибдики, мудом дуруст тартиб-низомни орзу қилгани, чин инсонийликка интилиш илдизи олис-олисларга бориб тақалишини эслатмоқдир. Ҳарҳолда, олам ва одам бардавомлигининг мақбул йўл-йўриғи илдизлари Шарққа боғлиқлигини кенг илмий жамоатчилик эътироф этган (*Гарридо В. Символ Дракона в космогонических схемах Древнего*

Китая // Вопросы философии, 2023, №4. Стр. 162-167).

Азалдан кишилик чигал муаммоларни асосан уруш йўли билан ҳал этиб келган. Аслида, ҳарбу зарб – муаммо ечимининг энг сўнги чораси. Бинобарин, бу усул-услуб умумсайёравий зиддиятларни ҳал этишга эмас, аксинча, глобал ҳалокатларга олиб келиши муқаррар. Шундай экан, дунёнинг бугуни ва истиқболи, жумладан, барқарор тартиботга ўтиш турфа хил интилишлар келишуви, уйғунлигини талаб этади. Башарият бир босқичдан иккинчисига ўтиш ҳақида бош қотираётган экан, у тинчликдан бошқа йўли йўқлигини англамоғи даркор. Ер куррасидаги барча гуманистик ғоялар, ижтимоий лойиҳалар ҳам айнан шу негизда шаклланиши лозим. Барча сиёсий кучлар (либерал демократия, неолиберализм, ҳуманизм ёки сўл радикализм тарафдорлари) шу ҳақиқатни унутмаслиги керак.


Дунёда кечаётган воқеа-ҳодисаларнинг сиёқи либерализмнинг қувват захираси тугаб бораётгани, қанчалик чиранмасин, у энди аввалги мавқеда бўла олмаслигидан далолат бермоқда. Инсоният ҳам аллақачон бошқа уфқларни кўзлаётир. Масалан, 2014 йилни олайлик. Тарихий саналар силсиласида у шунчаки бир йил бўлиб туюлади. Аммо бу сана дунёдаги эврилишларни кўламлироқ англаш ва қайта идрок этишда алоҳида аҳамият касб этади. Таҳлилчилар фикрича, айнан 2014 йилдан, бир томондан, евроамериканоцентриқ халқаро бирлашмаларнинг глобал жараёнларга таъсири сусайиши, иккинчи томондан, дунёдаги аксилғарбий давлатлар ўртасида ўзаро яқинлашув кузатилган (*Карамидж. Стратегическая роль Ирана для ШОС: укреп-*

пление евразийской интеграции // *Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Международные отношения. 2023, №3. Стр. 549).*

Халқаро майдонда кучлар мувозанатидаги ижобий силжиш, айниқса, Катта Евроосиёнинг глобал тараққиёт локомотивига айланаётганида намоён бўлмоқда. Бир замонлар дунёнинг катта қисми Ғарбий Европа атрофида – англосакс ва роман-герман тамаддуни теграсида бирлашган эди. Эндиликда ноғарбий олам давлатларининг Евроосиё атрофида жипслашуви эҳтимоли ортмоқда. Ўтган аср ўрталарида Европа миллатлари интеграцияси юзага келган эди. Эндиликда Евроосиё маконида ҳам ўшандай ўзаро тенглик, адолатга таянган янги иқтисодий, сиёсий бирлашмалар илдиз отмоқда. Бой берилган имконият ва тарихий тажрибани ҳисобга олган халқаро ҳамжамият тамомила янги умумбашарий бирлашмаларга умид боғлаётир.

Африка ва Лотин Америкаси давлатларида ҳам янги жаҳон тартиботида муносиб мақом-мавқени эгаллашга интилиш кучайди. Илмий нашрларда ҳатто “Осиё, Африка ҳамда Лотин Америка Евроосиёси” деган истилоҳ пайдо бўлди. Башарият, хусусан, Шарқ ва Осиё бу гал тарихий имкониятни қўлдан чиқармайдиган кўринади. Либерал демократия манфаатларига хизмат қилиб келган анъанавий глобал тартибот ўрнини тенглик ғоясига асосланган қитъалараро, цивилизациялараро робита эгаллаши аён бўлиб қолди.

Ғоя ва фикрлар оламида қизгин муҳокама этилаётган янги жаҳон тартиботи миллий давлатларнинг ўзига хослиги, chegaralar ҳамда маданий-тамаддуний хил-



Азалдан кишилик чигал муаммоларни асосан уруш йўли билан ҳал этиб келган. Аслида, ҳарбу зарб – муаммо ечимининг энг сўнги чораси. Бинобарин, бу усул-услуб умумсайёравий зиддиятларни ҳал этишга эмас, аксинча, глобал ҳалокатларга олиб келиши муқаррар.

махилликни инкор этмайди. Давлатлараро муносабатларда конструктив мунозаралар, дунёқарашда рангбаранглик сақланиб қолади. Зотан, азалдан фикрлар ҳурлиги, олам маромига турли хил ёндашув ҳукм сурган кезларда давлатлар тараққиёт ва фаровонликка эришган. Атоқли ҳинд файласуфи Виноба Бҳаве айтганидек, “Нуқтаи назарлар ҳар хил бўлиши мумкин, бироқ қалблар бир бўлмоғи лозим”.

Ўтган асрда Ғарбдаги неолиберал давлатлар миллий тараққиёт моделини АҚШга мослаштирган, Вашингтоннинг нафаси Ер куррасининг аксар минтақаларида бирдек сезилиб турар, унинг ҳукми ва измига қарши чиқмоқ кескин жазога сабаб бўлганди. Сайёрамиз узра кенг қулоч ёзган глобаллашув ҳам, аслида, ғарблашув жараёни эди. Санкт-Петербург университети профессори, файласуф ва сиёсатшунос Леонид Селезнев фикрича, Қўшма Штатлар XXI асрда улкан табиий ва инсон ресурсларига эга дунёнинг энг нуфузли давлати, ягона супердавлат даражасига қўтарилди.

Гоя ва фикрлар оламида қизгин муҳокама этилаётган янги жаҳон тартиботи миллий давлатларнинг ўзига хослиги, чегаралар ҳамда маданий-тамаддуний хилмахилликни инкор этмайди. Давлатлараро муносабатларда конструктив мунозаралар, дунёқарашда рангбаранглик сақланиб қолади. Зотан, азалдан фикрлар хурлиги, олам маромига турли хил ёндашув ҳукм сурган кезларда давлатлар тараққиёт ва фаровонликка эришган.

Бироқ тез орада у бутун дунёда миллий-этно сепаратизм ва минтақавий биқиклик, аниқроғи, аксилглобаллашув феноменини келтириб чиқарди (Селезнев Л. *Гражданское общество и государство: зарубежные модели политической системы*. Изд-во С.-Петербург. университета, 2014. Стр. 173). Тор доирада яратилган глобаллашув таълимотини башариятнинг муайян қисми инкор этди. Яъни европеизм гоёси ёки англосакс цивилизациясининг навбатдаги ваъдаси барчани ҳам бирдек ром эта олмади (Скворцова Е. *XXI век: интенция как духовная судьба цивилизационного самоопределения // Вопросы философии*, 2024, №1. Стр. 13-16).

Ҳодисалар динамикаси цивилизациялар нечоғли объектив қувватга эга бўлмасин, ижтимоий жараён сифатида сиёсийлашса, ташқи (экзоген) субъектив кучлар

таъсирида салбий ўзанга бурилиб кетишини кўрсатади. Бу вазиятда тамаддун субъектив бошқарувчи кучлар изми ва ҳукмидаги қуролга айланади. Афсуски, кейинги ўнйилликларда ана шундай воқеликка гувоҳ бўлдик.

Мумтоз тарихчи Арнольд Тойнби цивилизациялар ҳақида мушоҳада юритар экан, қизиқ хулосага келган эди. Олимнинг фикрича, цивилизациялар шундай хусусиятга эгаки, уларнинг тадрижи мобайнида ғайриоддий “тинчликбузарлар” вояга етади. Мозий шоҳидлик берадики, тарихнинг турли даврларида Птолемейлар империяси (мил.авв. III – I аср), Афина ва Спарта давлати (мил.авв. IV – II аср), Кушонлар империяси (мил.авв. II – мил. II аср), Ғарбий ва Шарқий Рим империялари (мил.авв. I – мил. XV аср), Темурийлар, Бобурийлар давлатлари, Нидерландия (XV – XVI асрлар), Буюк Британия (XVII аср), Франция (XIX аср), Россия (XX аср) каби “тинчликбузарлар” дунё тараққиёти маромини кескин ўзгартирган. Янги ижтимоий-сиёсий жараённи бошлаган халқларнинг таъсир кучи асрлар мобайнида сақланиб туради.

Такрор бўлса-да, таъкидлаш жоизки, англосакс жаҳон тартиботи ўз ўрнини муқобил тизимга бўшатиб берадиган фурсат келди. Улкан ижтимоий-сиёсий эврилиш Ер қуррасининг исталган ҳудудида рўй бериши мумкин. Зеро, кўплаб мамлакатларда янги жаҳон тартиботига ўтиш истаги тобора кучайиб бормоқда. Масалан, Хитой Халқ Республикасида рўй бераётган кенг қамровли ўзгаришлар ботиний куч қайта уйғонаётгани ҳақидаги фаразларга йўл очмоқда. Чин халқининг ўзига собит ишончи, халқаро хайрихоҳлик, боз устига, хитойликларнинг

евроцентрик босимдан кўп зиён кўргани бу қарашни қўллаб-қувватлаётгандек.

Янги ижтимоий ғоя ва лойиҳалар ҳаммиша даставвал инсон психологиясида, қалбида ниш уради-да, сўнгра кенг омма онгу тафаккурини эгаллаб, муайян бир мамлакатда юзага чиқади. У ҳар доим ҳам ижтимоий инқилобга айланмаслиги мумкин, лекин унинг маънавий таъсири бошқа маконларда сезилмоғи, яшаш ва тафаккур тарзини ўзгартирмоғи тайин. Хитойда ишлаб чиқилган “Тақдири муштарак инсоният ҳамжамияти” лойиҳасида дунё халқларининг тенглигини сақлаган ҳолда турфа миллатлар ва давлатлар ҳамнафаслигига йўналтирилган тартиботни яратиш ғояси илгари сурилган. Мазкур концепция англосакс цивилизацияси интилишлари, геостратегик мўлжалларини акс эттирган “глобаллашув”, “вестернлашув”, “евроатлантизм”, “либерализм”, “олтин миллиард”, “еттилик гуруҳи”, “истеъмомчилик жамияти” сингари идеологемалардан фарқли фалсафага асосланган (*Чэнь Хунь, Гань Сяоцзюань. О философских основах концепции сообщества единой судьбы человечества // Вопросы философии. 2023, №3. Стр. 92-101*).

“Тақдири муштарак инсоният ҳамжамияти” модели одамзодни ирқлар, синфлар, миллатлар, диний қарашлар ва ижтимоий қатламларга ажратиш мафкурасини рад қилади. Унда жонзотлар орасида инсонга юк-

сак мақом, ботиний самимият ва мурувват ҳисси ато этилгани урғуланади. “Инсоният – бир оила” ғоясига таянган концепцияда миллиардлаб кишиларни фаровонликка бошловчи муқобил ғоялар таклиф этилган. Хусусан, Хитойда, умуман, Шарқий Осиёда кенг қулоч ёйган комиллик ғоясини концепциянинг тамал тоши дейиш мумкин. “Тақдир муштарак инсоният ҳамжамияти” лойиҳасида бирор бир ижтимоий-сиёсий тузилма ёки тараққиёт моделига устуворлик бериш ҳақида эмас, балки ҳамма халқларга баробар хизмат қиладиган умумсайёравий муштараклик низоми ҳақида сўз юритилди. Унинг онтологияси қадимдан чинликлар руҳияти ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган “ўн минг қўшни элатлар ҳамнафаслиги” ғоясига бориб тақалади.

Пекин илгари сурган ташаббус муқобил бир ғоя, албатта. Минтақа ва давлатдан қатъи назар, дунё миқёсида кучга таянган глобал бошқарув ҳамда умумсайёравий ҳегемонликка қарши янги универсал ботиний қувват бўй чўзаётир. Янги жаҳоний тартибот асосини аллақачон эскирган капитализм, социализм, либерал демократия принципларига асосланган замонавий низомлар эмас, балки XXI аср кишиси талаб ва эҳтиёжига мос теран фалсафа, янги маънавий қувват эгаллаши аён бўлиб қолди. Асосийси, янги низом иқтисодиёту маънавиятнинг уйғун тараққий этишига хизмат қилмоғи даркор.



Сўнги вақтларда сунъий идрок (СИ) ҳақида кўп ва ҳўб ёзилмоқда, бу мавзуда муҳокамаю мунозаралар тинмаётир. СИНинг фойдали жиҳатлари бисёр. Кун сайин ривожланаётган мазкур технология инсоният учун янги имкониятлар эшигини очади, улкан маълумотлар тизимини бошқариш, мураккаб технологик жараёнларни автоматлаштиришда оғиримизни енгиллатади. Саломатликни узлуксиз мониторинг қилиш, хасталикларга барвақт ташхис қўйиш орқали тиббиётда том маънода инқилоб ясайди. СИ толиби илмларга шахсий мураббий каби сабоқ беради. Дейлик, сиз махсус дастур билан жонли мулоқот қилган ҳолда хорижий тилларни ўрганишингиз мумкин: СИ дастури сиз билан хорижий тил соҳибидек эркин суҳбат қуради, йўл қўйган камчиликларингизни меҳрибонлик билан тузатади.

СИ зерикарли ва оғир юмушларни бажаришда беминнат кўмакчи бўлаётгани ҳам эътиборга молик. Аини чоқда, унинг такомиллашиб бориши билан танганинг иккинчи томони ҳам кўринмоқда. Ушбу мақолада ҳам кўпроқ СИНинг эҳтимолий таҳдидлари хусусида сўз юритмоқчимиз.

СИНинг жамият барча жабҳаларига кириб бориши инсоннинг аста-секин танбаллашуви ва ақлий салоҳияти пасайишига олиб келиши мумкин экан. Тадқиқотларга қараганда, билим олиш ва турли масалаларни ечишда фақат СИга таяниб қолиш мустақил фикрлаш, муаммоларни ҳал этиш қобилиятини пасайтиради, инсондаги “когнитив юклама” сусаяди (*Gerlich M. AI Tools in Society: Impacts on Cognitive Offloading and the Future of Critical Thinking. // Societies 2025, 15, 6. <https://doi.org/10.3390/soc15010006>*).

Технологияларнинг жадал тараққиёти шахсий маълумотлар дахлсизлиги билан боғлиқ ахлоқий масалани ҳам ўртага қўймоқда. Замонавий кузатув воситалари СИ ёрдамида анча такомиллашди. Ҳозирда мутараққий мамлакатлар ўз фуқароларини туну кун назорат қилиши, деярли ҳар бир хатти-ҳаракатини тасмага ёзиб бориши мумкин. Бу ҳол бора-бора инсоннинг энг муҳим ҳуқуқи – эркинлик ва шахсий дахлсизлиги чекланишига олиб келмасмикан, деган савол ойдинларни ташвишга солмоқда. Масалан, Хитойда СИ ва бошқа техник воситалар орқали фуқароларнинг юриш-туришини доимий кузатиб, уларнинг хулқ-атворини назорат қилувчи рақамли ижтимоий рейтинг тизими жорий этилган. Бу тизим балки жиноятчиликка қарши курашда асқатар, лекин шахсий дахлсизлик таҳдид остида қолади.

Яқингача технологик компаниялар СИНинг эҳтимолий хавфини камайтириш, шунингдек, ахлоқий чекловлар бузилмаслигига алоҳида эътибор қаратар эди. Бироқ шиддатли рақобат муҳитида эндиликда бу жиҳатлар гўё унутилмоқда.

АҚШ президенти Дональд Трамп лавозимга киришгач, СИни ривожлантиришга йўналтирилган, қиймати 500 миллиард долларлик “Stargate” мегалойиҳасини эълон қилди. Лойиҳа муаллифлари уммон-орти мамлакати саноатини технологик трансформацияларга ҳамоҳанг тарзда ривожлантириш ва СИ соҳасида стратегик устунликка эришишни кўзлаган.

“Stargate” тақдимотидан сўнг дунёда СИ бўйича кимўзар пойга бошланди десак муболаға бўлмайди. Хитойда атиги бир неча миллион доллар эвазига СИ дастури (“DeepSeek”) яратилгани ордан АҚШнинг

қиймати бир неча юз миллиард долларга тенг “Open AI” ва “Nvidia” каби ширкатлари акциялари кескин қадрсизланди. Чин юртининг камхарж дастури дунёнинг технологик гигантлари-



ни саросимага солиб қўйди. Бу орада Хитой ҳукумати умумий қиймати 1 триллион юанга (қарийб 140 миллиард доллар) тенг СИ саноатини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар режасини эълон қилди. АҚШ билан тенгма-тенг рақобатга қаратилган дастурга мувофиқ, “Baidu”, “ByteDance”, “Alibaba”, “DeepSeek” каби компанияларга молиявий кўмак кўрсатилади (*Bank of China Announces Investments Worth 1 Trillion Yuan to Develop AI Industry. <https://www.medianama.com/2025/01/223>*).

Масаланинг қизиқ жиҳати шундаки, АҚШ ва Хитой қарама-қарши қутбдаги сиёсий тузумларнинг яловбардорлари бўлгани боис СИ соҳасидаги муваффақият улар тамсил этган мафкуранинг устунлиги сифатида талқин қилиниши мумкин. Хитой технологиялар борасида қатъий давлат бошқаруви ва назоратига таянади, Америкада эса бунинг акси. Океанортида асосан хусусий компаниялар, стартап жамоалар СИ бўйича йирик натижаларга эришмоқда. Демак, бу икки йирик давлатнинг технологиялар соҳасидаги рақобати бир вақтнинг ўзида мафкуралар тўқнашуви ҳамдир.

Бу ҳол дунё давлатлари учун ўзига хос огоҳлик кўнғироғи бўлди. Шундан сўнг ривожланган давлатлар технологик страте-

гияларини қайта кўриб чиқиб, бирин-кетин СИни ривожлантиришга улкан маблағ ажрата бошлади. Жумладан, 2025 йил февраль ойида Парижда ўтказилган AI Action Summit тадбирида Франция президенти Эммануэль Макрон СИ саноатига 109 миллиард евро маблағ йўналтирилишини маълум қилди. Фаранг сиёсатдони фикрича, Европа Иттифоқи СИ соҳасида назоратга кўп урғу бераётгани сабабли глобал пойгада ортда қолмоқда. Бунга қарши турмоқ учун тижорий манфаатларга таянган ҳолда ҳуқуқий чекловларни соддалаштириш зарур (*Macron urges European action to attract AI projects. <https://www.lemonde.fr/en/france/article/2025/02/10>*).

Саммитда, шунингдек, СИ лойиҳаларини Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳамкорликда ривожлантиришга келишиб олинди. Ҳар қандай янгиликни амалга татиқ этишда, аввало, унинг ҳуқуқий жиҳатларига катта эътибор берадиган Европанинг СИ борасида эҳтиёткорликдан чекинаётгани, бизнингча, хавотирли ҳолат. Гап шундаки, 2024 йил 13 март куни Европа парламенти ЕИнинг сунъий идрокка доир қонунини (EU AI Act) қабул қилган эди. Дунёда муқобили йўқ ушбу қонуннинг ЕИ давлатларида тўлиқ кучга кириши эндиликда савол остида қолмоқда. Зеро, кўҳна қитъа давлатлари СИ ови авжига чиқаётган паллада қонун воситасида “оёқ-қўлини боғлаб олиш”ни истамайди, албатта.

Швейцарияда ҳам бу йўналишда кўп-лаб илғор компаниялар ташкил этилган. Альп тоғлари мамлакати СИни тартибга солишда бюрократик тўсиқларни кўпайтирмаслик, бизнес ва инновациялар учун қулай макон яратиш ниятида. Бунда технологияларнинг жамият учун хатари ҳам ино-

батга олинади. Яъни Швейцария инновацион бизнесни ҳам, аҳолининг хавотирларини ҳам бирдек ҳисобга оладиган олтин ўрталикни топишни мақсад қилган. Аммо сих ҳам, кабоб ҳам куймаслигига эришиш осон бўлмаслиги аниқ (*Can Switzerland steer a safe course to AI innovation? <https://www.swissinfo.ch/eng/science/can-switzerland>*).

Кимўзар пойгада отга камчи ураётган мамлакатлардан яна бири – Саудия Арабистони. Риёз ҳукумати “Project Transcendence” деган 100 миллиард долларлик улкан ташаббусни илгари сурди. Бу 2030 йилга қадар подшоҳликнинг нефть-газ саноатига қарамлигини камайтириб, иқтисодий диверсификация қилишга қаратилган “Нигоҳ – 2030” дастурининг муҳим қисми саналади. Саудия Арабистони бу лойиҳани амалга татиқ этиш, жумладан, СИ имкониятларидан унумли фойдаланиш орқали яқин келажакда глобал технологик марказлардан бирига айланишни мақсад қилган.

Фикримизча, СИни ривожлантиришда асосий эътибор глобал рақобатга эмас, балки технологияларнинг соғлом тафаккур сарҳадларидан чиқмаган ҳолда такомиллашувига қаратилиши керак. Чунки сунъий онгдан фақат моддий манфаат кўзлаш, уни тижорий қуролга айлантириш яқин келажакда башорат қилиб бўлмас ҳалокатларга олиб келиши мумкин. Демак, бу борада қарор қабул қилувчи сиёсатдонлар унинг умумбашарият тақдирига таъсир кўрсатувчи фавқуллодда муҳим технологик янгилик эканини унутмаслиги даркор.

Бугун СИ воситасида чексиз бойлик орттириш, адоқсиз манфаат кўриш қутқуси дунё бойлари ўй-хаёлини банд қилган. Масалан, америкалик машҳур технократ,

йирик ишбилармон Илон Маск яқин йилларгача СИнинг инсониятга хавфи ҳақида бонг уриб келар эди. Жумладан, “Бизга сунъий интеллектнинг кераги йўқ, катта ҳажмдаги маълумотларни ёдида тутадиган сунъий хотира бўлса бас” деган эди у (“Тараққиёт, қўрқаман сендан”. “Тафаккур” журнали, 2024 йил, 1-сон. 39-бет). Ҳозирда АҚШ Ҳукумат самарадорлиги департаменти (DOGE) раҳбари лавозимида фаолият юритаётган И. Маск мамлакатда СИни жадал ривожлантириш ишларининг бошида турибди. У Американинг сунъий идрок гиганти – “Open AI” компаниясини сотиб олишга уриниб ҳам кўрди. Буни уддалай олмагач, ўзининг X (собиқ Twitter) ижтимоий тармоғига интеграцияланган “Grok” номли кучли дастурни ишга туширди. Боя эслаб ўтганимиз “Stargate” мегалойиҳасининг асосий ташаббускорларидан бири ҳам Маскдир. Шу тариқа яқин-яқингача ушбу технология мўъжизасидан фойдаланишда вазминликка ундаб келган пешқадам тадбиркорлар ҳам эндиликда рақобат завқу шавқига берилиб, эҳтиёткорликни унутиб қўймоқдалар.

СИ атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга назар солсак, курраи арзда охириги йилларда шаклланган “хавфсизлик бирламчи” деган қонун-қоида АҚШнинг технологик сиёсати сабаб таҳрирга учраётганига амин бўламиз. Сирасини айтганда, дунёда технологик рақобат кучайган сари СИга оид мавжуд концептуал муаммолар эътибордан четга қолмоқда.

Айни дамда инсоният яна бир хатарли технологик кураш гирдобига тортилиш арафасида: “совуқ уруш” даврида кузатилган оммавий қиргин қуролини яратиш йўлидаги технологик пойга яқин истиқболда

сунъий интеллект жабҳасида такрорланиши мумкин. Зеро, замонавий армияларда аллақачон СИ воситаларини кенг жорий қилиш бўйича жадал тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Афсуски, инсоният СИдан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш бўйича яхшигина тажриба орттириб улгурди. У илк бор Ҳазо секторидаги урушда – жанг майдонида бевосита қўлланди. Американинг “Microsoft” компаниясидан СИ тизимларини харид қилган исроиллик ҳарбийлар улардан истихборот (разведка) фаолиятида фойдаланди. Бу усул ҳарбийларга эҳтимолий нишонларни аниқлаб, йўқ қилиш имконини беради. Муаммо шундаки, Исроил армияси томонидан СИ тизимини қўллаш амалиётида тинч аҳоли ўлимига олиб келиши мумкин бўлган хатолар аниқланган. Кўп ҳолларда бу тизим оддий аҳоли ва ҳарбий нишонларни ажрата олмайди. СИ тизими бир гал мингга яқин ўқувчини ҳарбий нишон дея талқин қилган. Хайриятки, бу хато ўз вақтида аниқланиб, ўқувчилар ҳаёти сақлаб қолинган (*As Israel uses US-made AI models in war, concerns arise about tech's role in who lives and who dies. <https://apnews.com/article>*).

Ҳарбий жабҳада СИнинг ишга солиниши кўп асрлардан бери инсониятни ўйлантириб келаётган оғриқли мавзу – қиргинбарот урушлар муаммосини янада чуқурлаштиради. Қачондан бошлаб инсоннинг яшаш ёки яшамаслигини ҳиссиз СИ ҳал қиладиган бўлди?! Технология имкониятларидан фойдаланиш керак, албатта, ammo инсонийликдан чекиниб, одамни ўлдириш ваколатини технологияга топшириш қайси ахлоқий мезонга тўғри келади?! Ахир, урушларда СИни мунтазам қўллаш охир-оқибат уни суперқотилга айлантириши мумкин-ку!

Таассуфки, бу масала ҳозирча дунё сиёсатдонларини чуқур ташвишга солаётгани йўқ.

Америкалик олимлар фикрича, СИ бўйича пешқадам бўлган йирик давлатлар ушбу технологияларнинг ҳарбий жабҳада кенг ёйилишини чеклаш чораларини кўриши, бу борада хоҳ дипломатия, хоҳ куч ва кўрқитиш усулларида фойдаланиши мақсадга мувофиқдир (*Kissinger H., Schmidt E., and Huttenlocher D. The Age of AI: And Our Human Future. New York: Little, Brown and Company. 2021. P. 127*).

Сиёсатшунос олимлар Ҳенри Киссинжер ва Граҳам Аллисон ҳаммуаллифликда ёзган мақола СИ қуролиларини назорат қилиш масаласига бағишланган. Муаллифларга кўра, буюк давлатлар бирон бир янги технология улкан имкониятлар эшигини очишига ишонч ҳосил қилар экан, ўша технология рақиблари кўлига тушмаслиги чораларини кўради, уни ўзи ривожлантиришга ҳаракат қилади (*Kissinger H., Allison G. The Path to AI Arms Control. // Foreign Affairs, October 13, 2023. <https://www.foreignaffairs.com/united-states/henry>*). Бунинг исботи ўлароқ инглизлар ва французлар Америка ядро соябонига қаноат қилмай ўз атом қуролини яратганини эслаш кифоя. Бугун СИ ядро қуроли каби глобал рақобат сабабчиси бўлса-да, уни назорат қилиш хийла мураккаб. Биринчидан, уни асосан хусусий сектор ривожлантирмоқда. Иккинчидан, СИ ядро қуролидан фарқли ўлароқ асосан рақамли платформа-ларда жойлашган. Учинчидан, уни назорат қилувчи тартиб-қоида ишлаб чиқилгунча мавжуд технология эскирмоқда; тезкор янгиликларга ҳамқадам бўлмоқ эса ўта мушкул.

Ҳ. Киссинжер ва Г. Аллисоннинг таъкидича, ҳар бир мамлакат СИдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилгани

сабаб бу борада узоқ муддатли глобал тартиб яратмоқ, МАГАТЭ (Атом энергияси бўйича халқаро агентлик) каби ташкилот тузмоқ лозим. Бунда ишни, аввало, мазкур технологиянинг энг хавфли оқибатлари олдини олиш бўйича миллий саъй-ҳаракатлардан бошлаш керак.

Биз мақоламизда СИ равнақи ва ахлоқ мезонлари дилеммасига бот-бот эътибор қаратаётганимиз бежиз эмас. Чунки мазкур технология тараққий этган сари унинг ахлоқий жабҳадаги хатари тобора кўпроқ кўзга ташланмоқда. Жумладан, “Deepfake” (ўзбекча айтганда, қип-қизил ёлғон) технологияси ҳар қандай ахлоқ чегараларини ҳатлаб ўтаётгани бунга мисолдир. Мазкур технология орқали одамнинг суратидан фойдаланиб, аслида рўй бермаган воқеаларда уни бош қаҳрамон қилиб тасвирлаш мумкин. Бу “топилма”дан машҳур шахсларни обрўсизлантириш, ижтимоий норозиликлар келтириб чиқариш мақсадида фойдаланиш ҳолатлари ортмоқда. “Deepfake” орқали энг намунали одамга ҳам тўхмат ёғдириш, уни ёмонотлиқ қилиш ҳеч гап эмас. Демак, бугун кўрганимизнинг ҳаммасига ҳам ишониб бўлмайди. Ёлғон усуллари борган сари такомиллашиб, айёрлашиб бораётган бир вақтда медиа маҳсулотларининг ҳақиқийлиги, нейротармоқлар маҳсули эмаслигини текширувчи дастурлар яратиш лозим.

Глобаллашган дунёнинг ажралмас бир бўлаги бўлган юртимизда ҳам охириги йилларда СИни жамият ҳаётига босқич-ма-босқич жорий қилиш, технологик эврилишларга тайёрланиш борасида талай ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги “Сунъий интеллект технология-

ларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан дастуриламал ҳужжат қабул қилинди. Ушбу стратегияда иқтисодиётнинг турли соҳаларида СИни жорий этиш, давлат идоралари ва ташкилотларнинг ўзбек тилидаги улкан маълумотлар омборларини шакллантириш, ахлоқий қоидаларни яратиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган (*Lex.uz қонунчилик маълумотлари миллий базаси*. <https://www.lex.uz/docs/7158604>).

Замонавий технологияларни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. “Oxford Insights” ташкилоти 2024 йилда эълон қилган “Ҳукуматларнинг сунъий интеллектга тайёрлик индекси” рейтингда Ўзбекистон 53,45 балл билан 70-ўринни эгаллаб, 17 поғона юқорилади. Шунингдек, мамлакатимиз Марказий Осиёда бу кўрсаткич бўйича биринчи ўринни банд этди (*Government AI Readiness Index 2024*. <https://oxfordinsights.com/ai-readiness/ai-readiness-index/>).

Илм-фандаги оламшумул янгиликлар, инновациялар ҳар қандай макон ва замонда улкан ўзгаришларга йўл очади, янги тараққиёт йўналишини белгилаб беради. Технологиялар, аввало, ҳарбий соҳада инқилобларга доялик қилади. Ўрта асрлар Европасида милтиқ ва тўпларнинг оммавий жорий қилиниши урушда туб бурилиш ясаган ва бу технологик устунликдан “кўҳна қитъа” вакиллари дунёни мустамлакаларга бўлиб олишда усталик билан фойдаланган эди. “Совуқ уруш” даврида ҳам йирик давлатлар ўртасида янги қирғин воситалари,

хусусан, ядро қуроли бўйича омонсиз кураш кечди. Яқунда атом қуроллини қўлга киритган мамлакатлар маълум маънода дахлсизлик мақомига эга бўлди. Улар БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари сифатида бугун ҳам дунё хавфсизлик иерархияси меъмори ролини бошқа давлатларга бермай келмоқда. Яқин келажакда инсоният ҳаётини буткул ўзгартириши кутилаётган СИ ҳам мамлакатларнинг ўз рақиби устидан мутлақ устунликка эришиш воситаси деб кўрилаётир. Бу билан боғлиқ ишланмаларга миллиардлаб доллар сармоя киритилаётгани, уларнинг жаҳон мамлакатлари ялпи ички маҳсулотидagi улуши ортиб бораётгани фикримизни тасдиқлайди.

СИ шунчаки технология эмас, балки дунё ҳегемонлиги учун кураш воситасига айланди. Оммавий қирғин қуроллари атрофидаги машмашалар қаторига энди ундан қолишмайдиган хавф-хатар қўшилди. СИни назоратсиз ривожлантириш пировардида инсоният учун ҳаёт-мамот муаммоларини келтириб чиқариши мумкин. Ҳолливуд киноижодкорлари суратга олган “Терминатор” фильмида исёнкор СИ тизими пировардида одамларга қарши қирғинбарот уруш бошлаган эди. Фантастик тўқима бўлиб кўринган ушбу ҳодиса эртага ҳаёт воқелигига айланиши ҳеч гап эмас. Аммо ҳали фурсат бор, инсоният СИ бобида эҳтимолий таҳликаларни олдиндан баҳолаши, халқаро ҳамкорликни кучайтириши ва масаланинг ахлоқий жиҳатларига эътибор қаратиши лозим. Зеро, бу борада моддий манфаатни биринчи ўринга қўйиш ва технологияга кўр-кўрона ишониш улкан хатодир.

Хайриддин СУЛТОН



Ҳикоя

1

У ўқишни тугатган йили ҳеч кутилмаганда СССР ҳам тугаб кетди. Августнинг охирида Киев Фуқаро авиацияси институтининг дипломини қўлига олди-ю, қаёққа борарини билмай қолди. Чунки бундан уч ой аввал бўлиб ўтган давлат тақсимот комиссиясининг қарорига биноан ушбу даргоҳ битирувчиси Бобомуҳаммадраҳим Бадалов Аэрофлотнинг Эстония ССР бошқармасига – 68-учувчилар отрядига пилот-стажёр лавозимига ишга йўлланган эди.

Қўлида ҳамма ҳужжати бор, Аэрофлот ҳам бор, аммо Эстония ССР йўқ эди. Энг чатоғи, энди нима қилиш кераклигини, хусусан, Украинада ҳеч ким билмасди. Мамлакат мустақиллик кайфияти, аниқроғи, кайфи билан маст, аҳолининг ярми хурсандликдан, қолган ярми эса алаmidан ичар эди.

Институт маъмурияти Бадалов каби миллий жумҳуриятлардан келиб ўқиган омадсиз талабаларнинг арз-додига бошини оғритиб ўтирмади, “Москалларга боринг!” деб уларни хира пашшадек нари ҳайдади. “Москаллар”, яъни Москвадаги “улуғ оғалар” эса бу вақтда ГКЧПни деб бир-бири билан қирпичоқ, партиянинг мулки ва олтинларини бўлиб олиш билан овора эди.

Бадалов ўйлаб-ўйлаб, охири гўё ҳеч нарса билмагандек, ўзининг қачон иш бошлаши мумкинлиги ҳақида хабар беришларини сўраб, Таллинга шошилинич телеграмма жўнатди. Орадан ҳафта-ўн кун ўтса ҳамки, 68-учувчилар отрядидан садо бўлмади.

Ниҳоят, таваккал қилиб, тонгги рейс билан Эстонияга учиб кетди. Ич-ичида, “Сиёсат ўз йўлига, аммо самолёт ҳар қандай тузумда ҳам учиши керак-ку”, деган умид милтиллаб турарди.

Таллинга етиб ҳам келди, қиёфасига совет нуқси деярли урмаган ғирт европача бу шаҳарни кўриб ҳайратга тушди. Аэрофлотнинг маҳаллий



бошқармаси энди “Авиация департаменти” деб аталар экан. У соясалқин, жимжит кўча этагида, готика услубидаги кўҳна иморатда жойлашган бўлиб, бошлиқнинг кабинети учинчи қаватда экан.

Эшигига лотин ёзувида “Аксель Труль” деган қора лавҳа осиглиқ каталакдек хонада ўтирган тақирбош, қоқчакак, эллик ёшлар чамасидаги тик қоматли бир киши “Аксель Карлович” деб ўзини таништирган бўлди, сўнг тилла гардишли кўзойнак ортидан кўм-кўк кўзларини арзгўйга тикди.

Бадалов ҳаяжонланиб, шоша-пиша мақсадини айтди, кейин даб-дурустан:

– Сизга учувчи керак эмасми? – деб юборди.

– Керак, – деди Аксель Карлович унинг елкаси оша деразага тикилиб. – Лекин бу лавозимга биз фақат Эстония фуқароларини қабул қиламиз.

– Аммо, мен йўлланма билан...

– Кўриб турибман, бироқ тартиб шундай. Рийгикогу* қонун чиқарган. Агар фуқаролик олабилсангиз – марҳамат, ҳеч бир муаммо бўлмайди, – деди департамент бошлиғи русча талаффузини баттар бузиб.

– Хўп, бунинг учун нима керак?

– Эстон тили ва Эстония Конституциясидан имтиҳон топшириш керак.

Бадалов вазиятнинг буткул иложсиз эканини англади, лекин яна илинж билан:

– Бу талаб фақат учувчиларга тегишлими? – деди. – Балки аэропортда бирон бошқа хизмат топилиб қолар?

Аксель Карлович индамасдан қоп-қора, қадимий столининг тортмасини очди-да, икки варақ қоғоз олиб арзгўйга узатди. Тепасига “ДСП” тамғаси босилган рус тилидаги бу ҳужжат “Эстония Рес-

* Рийгикогу – Эстония парламенти

публикаси фуқароси бўлмаган шахслар эгаллаши мумкин бўлмаган лавозимлар рўйхати” деб аталарди.

Сатрлар орасига қил ҳам сиғмайдиган қилиб майда ҳарфда битилган матнни ўқиб, Бадаловнинг ақли шошиб қолди: унга мувофиқ, Эстония ҳудудида оз эмас, кўп эмас, нақд етмиш олтита касб бегоналар учун тақиқланган эди!

Рўйхатда армия, полиция, солиқ идораси ходимлигидан тортиб тиббий ҳамшираю боғча тарбиячиси лавозимигача қайд этилган эди.

– Э тавба, сантехник ҳам бор экан! – деб юборди Бадалов беихтиёр.

– Сантехник... агар фуқаро бўлмаса, сувни заҳарлаши мумкин, – деди Аксель Карлович кўзойнагини ялтиратиб. – Биз – камсонли, кичкина миллатмиз. Боз устига, демография чатоқ. Бинобарин, биз учун ҳар бир эстон – олтинга тенг. Ўзингиз қаердансиз?

– Ўзбекистондан.

– Ҳа-а, Ўзбекистон катта мамлакат, инсон ресурси кўп. Биз эса, хоҳласак-хоҳламасак, ўзимизни асраш, ҳимоя қилишга мажбурмиз.

– Тушунаман. Узр, вақтингизни олдим, Аксель Карлович, – дея Бадалов ўрнидан туриб, хайрлашиш учун қўл узатди. Бошлиқ ҳам қўлини чўзди.

– Коллега, маслаҳатим – ишни юртингиздан ахтаринг. Албатта, топасиз. Учувчи ҳамма жойда, Ўзбекистонда ҳам керак.

Менинг жайдари тушунчам: ёзадиган-чизадиган одам тўхтовсиз қоғоз қоралайверса, қалам ундан, у қаламдан бешиши, ёзгани суюқлашиб-сийқалашиб қолиши ҳеч гап эмас. Хулоса: вақт-вақти билан қоғоз-қаламга тин берилгани дуруст. Йиғиш-йиғинишда гап кўп, қалам тутган кўнгил бойийди, мавзулар, қарашлар янгиланади, теранлашади; самара ҳам шунга яраша!

Атоқли, ардоқли ёзувчиларимиздан Хайриддин Султон неча йилки масъул вазифалар билан андармон юриб, адабий фаолиятдан узоқлашгандек туюлди. Бир вақтлар илғор жабҳаларда туриб доврўқ таратган адибимизнинг “истеъдоди сўнганидан каромат қилувчилар” ҳам топилди. Лекин, оққан дарё оқаверади, эрта бир кун адабиётга қайтиб янги асарлар билан мухлисларини ҳайратга солар, дея умид қилганлар ҳам кам эмасди. Фаҳрки, каминангиз шу сираданман. Боз айтсам, кўп йиллик ҳамкору ҳамфикр сифатида мен унинг адабиёт олаmidан заррача олисламаганидан, ижодий изланишни асло тўхтатмай, йиғиб-йиғиниб юрганидан бирмунча хабардор эдим. Кейинги йилларда кетма-кет нашр этилган асарлари эса, яширмайман, илк ижодиданоқ таниш мендек ҳамқалам биродарини ҳам ҳайратга солгани бор гап. Мавзулар

– Афсуски, у ерда ҳеч кимни танитайман-да, ўн етти ёшимда чиқиб кетганман.

Аксель Карлович бир дақиқа ўйланиб турди-да:

– Биласизми, нима, – деди, – Тошкентга бориб, Шамшетовга учранг.

– Шамшетов? Ким у? У ҳам сизга ўхшаган бошлиқми?

– Йўқ, – деди Аксель Карлович бош чайқаб, – Шамшетов – оддий учувчи. Э, нима деяпман, оддий эмас, зўр учувчи. Ўнта бошлиқдан ҳам обрўси кучли.

– Сиз уни қаёқдан биласиз?

– Бирга ўқиганмиз. Олдин Подмосковьедаги ҳарбий билим юртида, кейин Ленинградда. Авиаполкда ҳам икки ярим йил бирга хизмат қилганмиз. Албатта, кўп замонлар бурун.

– Оти нима у кишининг?

– Оти... отини унутибман. Ҳамма “Шамшетов” деб чақирарди-да. Ҳақиқий эркак у, турмуғи пўлатдан. Агар “бешинчи графа”^{*}си билан расво феъли бўлмаганида, Гагарин албатта сизлардан чиқарди. Хайр, йигитча, омон бўлинг.

2

Бадалов эртаси кун Таллиндан тўғри Тошкентга учиб келди. Жуковский кўчасидаги авиакомпания (энди бошқарма шундай деб аталар экан) биносига бориб, кадрлар департаментига учради. Де-

жиҳатидан ҳам, воқеликка дадил ёндашув ва шаклу ифода жиҳатидан ҳам тамомила янги, оҳорли асарлар! Нафис бадиий сўзни дағал ҳаёт ғавғоларига зўр шижоат билан яқинлаштирган, моҳирона пайванд этган битиклар!..

Журналимиз саҳифаларидан жой олган “Осмони фалакларда” ҳикояси адиб ижодидан яна бир таҳсинбоп босқич десак бўлади. Биламизки, асарнинг тақдирини асосан унда нақл этилмиш қаҳрамон, унинг нечоғли ҳаётийлиги, қабарик-бўртиқ тасвири, қандай инсоний маъно сарҳадларига бориб туташуви масаласи ҳал қилади. Мазкур ҳикоядаги Шамшетов образи – адабиётимизда илғари учрамаган чинакамга янги қаҳрамон. Шўро замонида туғилиб, байналмилал тарбия муҳитида суяги қотган, зоти-зурёдининг тайини йўқ – космополит бу одам сиртдан кўполу дағал, ҳиссиз, меҳрсиздек кўринса-да, касбга садоқат, инсоний эътиқод, мардлик, тантилик синовидан зўр қатъияти билан кишини лол қолдиради.

Салмоқдор асар, янги адабий қаҳрамон билан муаллифни ҳам, мухлисларни ҳам қутласак арзийди.

Э. А.

^{*} Б е ш и н ч и г р а ф а – совет паспортда фуқаронинг миллати кўрсатилган банд.

партамент мудираси – бир қошиқ сув билан ютгудек сулув Виктория Наумовна “Хужжатларингизни қолдириб кетинг, ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади”, деди ва компания бош директорининг номига ариза ёзиш кераклигини айтди.

Эстонияда кўрганлари таъсиридамикан, недир хаёлга бориб, аризасини ўзбек тилида битган эди, Виктория Наумовна мулойимлик билан эслатди: “Кечирасиз, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” да иш рус тилида юритилади”.

Бадалов ҳозир ўзи учун нажот қалъаси бўлган бу улуғ бинодаги илк қадамини ғалвадан бошламаслик учун томоғига тиқилиб келган ғурурини “култ” этиб ютди-да, аризани бошқатдан ёзиб топширди.

Кейин учувчилар комплексига бориб, Шамшетовни суриштирди. Аммо “Граф” (унинг ишхонадаги лақаби шундай экан) икки кун олдин навбатдаги меҳнат таътилига чиқиб кетган, қаерда дам олаётганини ҳеч ким билмас экан.

3

Тошкентда қиладиган иши қолмаган эди, кечқурун поездга эмас, автобусга “осилиб” Булунғурга жўнаб кетди.

Бадалов беш йил давомида қишлоғига атиги икки мартагина келиб-кетган, сабаби – ёзги-қишки таътиллarda Киев аэропортида учраган ишни қилиб ўзининг тирикчилигини ўзи эплаб юрар эди. Қишлоққа қайтгач, икки-уч ой ота-энасининг оби ёвғонига шерик бўлиб ўтирди. Қариб, эзма бўлиб қолган ўқитувчи акасининг “Сен бола гапга кирмадинг-да ўзи. Осмонга сапчимасдан, мана шу ўзимизнинг Самарқанддаги молдўхтирлик ўқишига кирганинда, еганинг – олдинда, емаганинг – кетингда, пошшо бўлиб юрардинг ҳозир. Директор билан гаплашиб, мактабдан икки соат ўрис тили дарсини обертсам, эплармикансан?” деган дакки-дашноmlарига обдан тўйиб, бир кеча хайр-маъзурни насия қилиб, шартта Тошкентга жўнаб юборди.

Эски вокзал атрофида, Сарикўл кўчасида турадиган Гацунаева деган бароққош, бурқиратиб папирос чекадиган, бурни катта осетин кампирнинг нураб ётган кулбасидан бир хонани ижарага олиб, кўкка термилиб яшай бошлади. Осмони фалакда самолёт қораси кўриниб ёки товуши эшитилиб қолса, ҳув болалик чоқларидаги каби юраги орзиқиб кетар, беихтиёр “Қуш эдим, қанотимни қайирдилар”, дея хўрсиниб қўяр эди.

Ўзининг ғами камдек, Гацунаева кампир бўш қолди дегунча олдига кирволиб, дардини дастурхон қилар, унинг гапига қулоқ солмасдан, ўғли Артурни “бизнес қиламиз, бойиб кетамиз”, деб йўлдан

уриб, тарихий ватанига кўчириб кетган келини Марғони ёзғирар, эр-хотин икки бола билан Осетияда – уруш алангасида қолиб кетганини айтиб йиғлар ва “шундоқ давлатни вайрона қилган” Горбачёвни тинимсиз қарғар эди.

Бадалов ҳар куни эрта туриб, авиакомпания идорасига ишга қатнагандек қатнар, аммо ҳеч қандай янгилик эшитмагач, учувчилар комплексига қараб йўл олар эди. Оти номаълум Шамшетов эса ҳамон унга тутқич бермасди: қачон суриштирса – рейсда, гоҳ Москва, гоҳ Нью-Йоркка, бир қарасангиз – Истанбулга, яна бир қарасангиз – Куала-Лумпур ёки Франкфуртга учиб кетган бўларди. Бу “кўринмас одам” Бадаловга ҳатто умуман ерга тушмайдигандек, бир умр осмонда яшайдигандек туюла бошлади.

Учувчилар комплексида ғойибона ҳомийсини излаб, бўта мисоли бўзлаб юрган девдек нотаниш йигитга кўпчилик ажабланиб қарарди. Шамшетовнинг фамилиясини эшитиб, айримлар энсаси қотганини яширмаса, яна айримлар унга чўчиб-ҳайиқиб муомала қиларди. Тешик қулоқ, кейинчалик эшитса, ўшанда бутун авиакомпанияда Графнинг никоҳсиз туғилган – валади зино ўғли бор экан, отасини қидириб келганмиш, бу падарлаънати бўлса, бечора болага думини ҳам тутқазмасдан қочиб юрган эмиш, деган овозалар ҳам тарқаган экан.

4

Сешанба куни жазирама иссиқ, кун чошгоҳдан оққан, Бадалов учувчилар комплекси олдидаги эски ёғоч ўриндиқда ҳозиргина осмонни тўлдириб учиб ўтган самолёт изидан хомуш қараб ўтираркан, тўсатдан ёнига бесўнақай бир нусха гурс этиб чўкканини пайқадди. Нусха кителини билагига олифтанамо ташлаб олган, ғудранганча чиройли, бақувват бўйинини қора бўйинбоғдан халос қилишга уринар эди.

Чечакми, қизамиқми, қандайдир юқумли касалликнинг чўтир излари “зеб” бериб турган баркашдек юзида – иягининг устида қалин, дўрдоқ лабининг ўнг бурчагига қараб чўзилган кўкимтир чандиқ билинар-билинемас кўзга ташланар эди.

Бадалов унинг қароқчига ўхшаб кетадиган важоҳатли қиёфасига бир зум разм солиб турди-да, кейин юрак ютиб:

– Кечирасиз... Шамшетовни кўрмадингизми? – деб сўради.

Товуши титраб, бахмалдек беозор қилиб берган саволни эшитган заҳоти нусха, ким билсин, Шамшетовнинг ашаддий душмани эканми, бирданига русчалаб ўшқира кетди:

– Нима учун керак сенга у аблах?

– Ишим бор эди...

– Уни ўзим излаб тополмаяпман-у, сенга йўл бўлсин! – деди нусха важоҳат билан қўлидаги бўйинбоғини асабий ўйнаб. Агар шу тобда Шамшетов кўзига кўриниб-нетиб қолса, уни осиб ўлдиришдан ҳам тоймайдиганга ўхшарди. – Хўш, нима ишинг бор у ярамасда? – деб сўради чақчайиб.

– Кечирасиз, фақат ўзига айтаман.

– Хо-хо! Мана бунга қаранг! Ўзига айтармиш! – деб заҳарханда кулди нусха. – Шамшетов мен бўламан! Қани, гапир гапингни! Хўш, нега орқамдан исковуч итдек пойлаб юрибсан?

Бадалов доводи раб қолди. Қанақасига Шамшетов бўлсин бу, кип-қизил бандит-ку! Наҳотки, бир кун Лондонда, эртаси Дубайда, индинига Парижда солланиб юрадиган олий тоифали учувчи, “Бо-инг-767” экипаж командирининг оғзи шунақа шалоқ бўлса?!

У шартта ўрнидан туриб кетмоқчи бўлди, аммо Шамшетов шахсига даъвогарлик қилаётган безоринусха билагидан маҳкам ушлаб, омбирдек қўллари билан сиқа бошлади:

– Писта қилиб ўтир! Хўш, айт қани, сен кимга ишлайсан – ФСБгами, СНБгами? А? Гапир, фамилиянг, унвонинг нима?!

Бадалов, жиннихонадан қочган бу тентак ҳозир бир балони бошлайди, деб қўрқиб кетди.

– Ака, мен ҳеч кимга ишламайман, ишсизман, – деди йиғлагудек бўлиб, – иш излаб юрибман ўзи.

– Ҳей, сўтак, мени “лох” деб ўйлаяпсанми? Ишсизмисан, гўрмисан, менга нима алоқаси бор? Нима, мен сенга Вика Наумовнинг эриманми?

– Сизга учрагин, деб тайинлашган эди-да, – деб минғирлади Бадалов.

– Ким тайинлаган эди? – Шамшетов баттар чақчайди.

– Аксель Карлович, Таллиндаги дўстингиз...

– Ким? Ким дединг? Аксель?.. Қанақасига... у ахир туғилганидан бери Алексей, Лёха эди-ку, энди Аксель бўлиб олибдиларми? Во, хумпар, во, хамелеон! – У оёғини узатиб, ўриндиққа ястаниб олди. – Лекин мана шу прибалтлар бор-ку, тан олиш керак, ёмон ҳам юртига садоқатли, миллатчи бўлади-да. Совет қирқ йил қозонида қайнатса ҳам, уларнинг қонини ўзиникига қўшолмади... – Шундай деб, туйқус уни саволга тутакетди: – Демак, сен учувчисан, тўғрими? Киевни битиргансан?

– Киевни.

– Қанақа самолётларни бошқаргансан?

– Шу, “Як-40”, “Ил-62”.

– “Боинг”? “Эйрбас”?

Бадалов бош чайқади.

– Э, ўқимаган, чаламулла! – Шамшетов ўзбекчалаб тўнғиллади ва яна русчага ўтди. – Отинг нима?

– Бобомуҳаммадраҳим. Фамилиям Бадалов.

– Нима, исминг учтами? Битта дегин... Энди, гап бундоқ, – деди Шамшетов салмоқлиб. – Отинг қийин экан, бунинг устига, менинг ўзбекчам сал ҳалигидек... қисқаси, “твоя-моя”да. Шунинг учун сени Боб ёки Бобби деб чақираман, майлими? Хоҳласанг, “Боббижон” дейишим ҳам мумкин.

– Нега энди? – деди Бадалов тумшайиб. – Худога шукр, ота-онам қўйган отим бор.

– Ў, сен бола мендан ҳам чатоқ экансан-ку! Лекин ота-онанг от қўяётганида шу исм маъқулми деб сендан сўраб ўтирмаган-ку, тўғрими?

– Қанақа қилиб сўрайди? – деди Бадалов ҳангу манг бўлиб.

– Ана, кўрдингми? Хўш, унда инсон ҳуқуқи, бола ҳуқуқи деган гаплар қаерда қолди, а? У ёғини сўрасанг, менинг ҳам отим ўзимга мутлақо ёқмайди – Рашидми, Рашодми, нима бало бир исмни пешонамга ким туфлаб ёпиштирган, уриб ўлдир – билмайман, – деди тобора авж қилиб. – Шунинг учун бир умр Шамшетов бўлиб юрибман, шу ном билан ўлиб кетсам ҳам керак. Майли, жуда қўймасанг, сени “Бобораҳим Машраб” деб чақирашим ҳам мумкин.

Насл-насаби бетайин, чулчутбашара бу одамнинг тилидан бу гапни эшитиб, Бадаловнинг ҳайроналиги зиёда бўлди. Шамшетов эса парвойи фалак, гап сўқишда давом этарди:

– Хоҳласанг, сен билан ўзбекча – госязикда гаплашишга ҳам тайёрман. Аммо бу шўринг қурғур тилнинг шунча хўрлангани камми ўзи, энди мен ҳам қўшилиб, абжағини чиқармасам, деб ўйлайман-да, билдингми? Хўп, ўзинг айт, Боб деган исмнинг нимаси ёқмайди сенга? Мана, масалан, Нью-Йоркда бир таксичи бор, оти Боб, ўзимизнинг Ачавотдан. Асли оти Бобомуродми, Бобошерми – шунақа. Аэропортдан чиққанимда ҳар сафар шу Боб кутиб олади. Лекин гапга тўн кийгизади ярамас. Бир куни оғзини тўлдириб, “Шамшетов ока, мана шу Нью-Йоркда мени ҳамма танийди, қачон келиб, Бобнинг уйи қаерда, деб сўрасангиз, любойи кўрсатиб беради”, дейди баччағар!

– Ростакан ўзбек экан, – деди Бадалов кулимсираб.

– Гапирма. Йигирма миллион одам яшайдиган Нью-Йоркда уни ҳамма танирмиш! Ўзи шу гапни тўқиб, ўзиям ишониб кетган. Хўп, энди бўладиган ишга ўтайлик. Қанча соққанг бор?

Бадаловнинг анқайиб турганини кўриб, бармоқларини шиқирлатишга тушди:

– Бабло, мани?

– Пулми? Пул йўқ менда.

– Пулинг бўлмаса, шаҳри азимда пишириб қўйибдимми сенга? Хозир наинки Москва, балки Тошкент ҳам кўзёшига ишонмайди, билдингми? А, бу қишлоғингдаги ҳўкиз-пўкизни сотиб, соққасини белингга бойлаб келмабсан-да, хўроз!

Бадаловнинг мия томирлари жимирлаб, тили калимага келмай қолди. Ҳа-а, демак, гап бу ёқда экан-да! Олти ойдан буён Виктория Наумовнанинг ширин ваъдаларию нозик карашмаларига маҳлиё бўлиб юрганини қаранг! Ўл бу кунингдан, гўл, дейдиган одам йўқ. Мана бу довдир бўлса, яширмасдан ҳамма сирни очди-қўйди. Балки ўзи воситачидир?

– Наҳотки авиацияга пора бериб ишга кирса?

Бу саволни у ичида, ўзига ўзи бермоқчи эди, аммо не қулоқ билан эшитсинки, дилидаги лоп этиб тилига чиқиб турибди-да!

– Ҳа, ашула айтиб кирадимми бўлмаса? – деди Шамшетов шанғиллаб. – Нима, бу ер сенга консерваториями?

Бадалов азбаройи алам қилганидан:

– Сиз ҳам пора бериб кирганмисиз? – деб чийиллади.

– Менми? Мен нега пора берар эканман? – Шамшетов такаббу-рона илжайди. – Керак бўлса, булар пора бериб мени ишга олган, билдингми, ёш кадр!

– Қойилман. Бўпти, мен кетдим бўлмаса, – деб Бадалов ўрнидан турди. – Сизга катта раҳмат – ростини айтганингиз учун.

– Йўл бўлсин?

– Автостанцияга. Булунғурга охирги автобус кечқурун бешда жўнайди.

– Тўхта, шошма, эй жинни! Сени синашга айтган эдим. Лекин шилтинг-пилтинг қилганингда, нақд бетингга тупураддим. Ёмон болага ўхшамайсан. Билиб қўй, бунақанги қинғир ишларни ер кўтарса кўтарар, аммо осмон кўтармайди. Осмон ҳаромни ҳам, ҳаромини ҳам қабул қилмайди, уқдингми?

“Нима бало, артистми бу?” деб ўйлади Бадалов энсаси қотиб, аммо индамай бош ирғаб қўйди.

– Қани, тур, кетдик! – деб буюрди Шамшетов.

– Қаёққа?

– Қаёққа бўларди, анави Эшбеков мударнинг олдида-да. – Шамшетов ғижим бўлиб кетган бўйинбоғини тақиб, эгнига кителини кияркан, компания раҳбарининг фамилиясини айтди.

Бадалов бир газ сапчиб тушди, ҳозир бу авантюрист билан етаклашиб бош директор ҳузурига борса, оқибати нима бўлишини аниқ-равшан тасаввур қилди. Аммо Шамшетовдан қандай қутулишни ҳам билмасди.

– Нега қаққайиб турибсан? Ахир, сени кушхонага олиб кетаётганим йўқ-ку, юр-юр, – деб ишшайди Шамшетов.

Бадалов иложсиз унга эргашди.

5

Девонанинг ишини худо ўзи ўнглаб (аммо девона ким – Шамшетовми, Бадаловми – ҳали бунинг тагига етиш керак), у бир ҳафтадан сўнг ишга қабул қилинди ва ресурси тугаб бораётган эски совет самолётларида жон ҳовучлаб маҳаллий рейсларга уча бошлади.

Валинеъматига тузук-қуруқ раҳмат ҳам айтолмади. Вақт топиб, излаб борган эди, унинг гуруҳбоши бўлиб Тулузага – “Эйрбас”нинг ўқув-машқ марказига узоқ муддатли хизмат сафарига жўнаб кетганини эшитди.

Бу орада Бадалов сўраб-суриштириб, Шамшетовнинг лақаби нега Граф эканини билиб олди. Айтишларича, тўқсонинчи йиллар бошида авиакомпанияда Москаленко деган бош директор ўринбосари ишлаган экан. У Вьетнам урушида қатнашган, қирувчи самолётдан қулаб, контузия бўлган қўрс, баджаҳл одам экан. Бир йиғилишда олдинроқ қаторда ўтириб қолган Шамшетовнинг башарасими, нимадир қилиғи ёқмаганми, ишқилиб, Москаленко унга қараб: “Нега креслога ялпайиб ётиб олдинг? Нима, сен граф Шереметьевмисан?” деб ўшқирибди. Бунинг ҳам жини тутибди-да: “Йўқ, мен граф Шереметьев эмас, граф Шамшетовман!” деб шартта мажлисдан чиқиб кетибди. Москаленко ҳай-ҳайлаганича қолаверибди. Шу-шу, унинг лақаби Граф бўлиб кетган экан.

Бу гап чинми-ёлғонми – Бадалов билолмади, лекин афсона бўлса ҳам фақат Шамшетовга ярашадиган афсона эди.

6

Орадан уч йил ўтди. Бадалов Шамшетов командир бўлган самолётда иккинчи пилот сифатида халқаро рейсларга уча бошлади.

Хизмат пиллапоясидан бундай тез кўтарилганига ажабланмаслик керак. Илгари учувчилар таркибининг етмиш-саксон фоизини ташкил этган рус ва русийзабон ходимлар мустақилликдан кейин биров мушугини “пишт” демаса ҳам, серқуёш Ўзбекистонни тарк этиб, бепоён Россия худудларига йўл олган эди. Албатта, бунга уларни нафақат тарихий ватанга бўлган оташин муҳаббат, балки мўмай даромад ҳам чорлагани сир эмас.

Зудлик билан кадрлар тақчиллигини қоплаш керак эди, Бадалов каби арзанда учувчилар олтинга тенг бўлиб қолди. Уни Сиэтлга, “Боинг” компаниясининг ўқув-машқ марказига юбордилар. Беш ой давомида малака ошириб, Тошкентга қайтди. Уйланди, Қушбеги мавзеидан ипотекага квартира, эскироқ “Нексия” олди, қизчали бўлиб, газеталарда ёзиладиганидек, бахтли ҳаёт гаштини сура бошлади.

7

Бадалов Граф билан салкам тўрт йил – у ишдан ҳайдалгунига қадар бирга хизмат қилди. Қанчалик яқинлашиб кетганига, ҳатто авиакомпанияда “Шамшетовнинг думи” деб ном чиқарганига қарамасдан, командирининг кимлиги, қандай инсон эканини барибир билолмади – бу одамнинг нафақат ўтмиши, балки бутун ҳаёти сирли ва қалин туман пардаси билан қопланган эди.

Шунча вақт ош-қатиқ бўлиб, у ҳатто Шамшетовнинг ошиён-макони қаерда эканини, хотин, бола-чақаси бор-йўқлигини ҳам билмасди. Гоҳо узук-юлуқ гапларидан унинг алиментчи экани, Сергелими, Алгоритми, хуллас, гадойтопмас бир жойларда туриши маълум бўлиб қолар ва Бадалов бундан расмана таажжубга тушар эди. Назарида, “Граф Шамшетов”дек кибор зот жаннатнинг Тошкентдаги филиаллари бўлмиш “Шоҳчорбоғ”^{*} ёки “Дворянлар уяси”^{**} деб аталадиган сўлим масканлардагина яшашга муносиб ва ҳақли эди. Тахминини тасдиқлагандек, Шамшетов баъзан гап орасида “Мен Ц-1 да турган пайтимда...” деб, ақл бовар этмас бир ҳикояни сўзлаб қоларди. У ҳеч қачон бировни уйига таклиф қилмаганидек, бошқаларнинг ҳам хонадонига бормас, бунга қандайдир муносабат туғилиб қолса, “Кел, кафе-мафеда учраша қолайлик”, дер эди.

Бир оқшом ана шундай ўтиришларнинг бирида озгина кайфи ошиб: – Эй, Бобби, қулоқ сол, – деб қолди, – қачон башарангга қарасам, битта саволни кўндаланг қилиб турган бўласан. Ҳойнаҳой, мени қо-

^{*} “Ш о ҳ ч о р б о ғ” (“Царское село”) – Тошкентнинг қоқ марказидаги бой ва обод мавзе

^{**} “Д в о р я н л а р у я с и” (“Дворянское гнездо”) – бу ҳам шунақа жой.

зоқми, татарми, деб ўйласанг, билиб қўй, хато қиласан. Алҳамдулло, мен юз фоиз ўзбекман. Хоразм-поразмга ҳам алоқам йўқ. Детдомимизнинг директори Шамшетов деган киши эди, фамилия ўшандан мерос, тушундингми, валакисаланг?

Лекин орадан бир ойми, икки ой ўтиб, бу гап паққос эсидан чиқарди-да:

– Энди, биз қўй кўрмаган бўлсак ҳам, қий кўрган одамларнинг авлодимиз, – деб мақтаниб қоларди. – Шамсимуҳаммад тоғам Ниёзбошда миллионер колхознинг раиси бўлган, Ўсмон Юсупов* ошнаси эди. Иккаласи бекитиб улфатчилик қиларди, мен чой, арақ-парақ ташиб хизмат қилиб турардим. Ўсмон ота тоғамга, сени “герой”*** қиламан, деб ваъда берган эди, афсус, ишдан кетиб, улгуролмай қолди. Ана шу тоғам отини менга фамилия қилиб ёздирган. Бечора, қамалиб кетишдан қўрқиб, исмидаги “Муҳаммад”ни қисқартириб ташлаган экан. Сенга насиб қилган экан, мана, отингга тиркаб олибсан...

Кайфи чоғ бўлган камдан кам вақтларда баъзан:

– Боббижон, кел, ашула айтамыз, – деб қоларди.

– Мен ашула билмайман, овозим йўқ, – дерди Бадалов илжайиб, – қолаверса, атрофдагилар кулади, биз грузин эмасмиз-ку.

– Ҳа, нима, ўзбек одам эмасми? Мендаям овоз-повоз умуман йўқ, лекин айтгим келса, не қилай? – деб Шамшетов ёш боладек мўлтирарди. – Кел, анави бор-ку, “Ўрташ”, ўшани айтамыз.

– “Ўрташ” эмас, “Ўртар”.

– Хумпар, билмаган балонг йўғ-а! Қани, кетдик, фақат сўзини бузиб қўйсам, кулмайсан, хўпми? – У шундай деб, Муроджон Аҳмедовни гўрида тик турғизиби, шанғиллаган овоз билан ашулани бошлар, авжига борганида нафаси қайтиб: – Эй, бор-э, бўлмади! – деб, пешонасига қалқиб чиққан тер томчиларини артишга тушарди.

– Эй яшшанг, командир, жуфт бўлсин! – Бадалов чапак чалиб, уни олқишлаган бўлар ва пиёлага чой қуйиб узатар эди.

– Кобулда турганимизда мана шу ашула ёзилган биттагина ўзбекча пластинка бўларди, Эшбеков отпускага борганида опкелган. Айлантириб эшитаверганимиздан жонивор қирилиб-ейилиб кетган эди.

Бадаловнинг оғзи очилиб қолди.

– Кобулда ҳам бўлганмисиз? Қачон? Эшбеков билан-а? Нима иш қилгансизлар? Труль ҳам биргамиди?

* У с м о н Ю с у п о в – 1937–50-йилларда Ўзбекистон ССР раҳбари

** Г е р о й – Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони назарда тутилган.

– Шу, афғон кампаниясида борганмиз-да. Труль йўқ эди, у билан Семипалатинскда... Нима, сен терговчимисан, мени сўроққа тутасан? – деб бирдан бақариб берди Шамшетов. – Ҳарбий сир нималигини биласанми ўзи, овсар? Мен тилхат берганман ахир!

– Ҳа, бўпти, бўпти. Фақат... Эшбеков қуролдош дўстингиз экан, нега унда ораларингиз... – Бадалов “бунчалик бузуқ” демоқчи бўлди-ю, вақтида ҳушини йиғиб, – унча яхши эмас? – деб сўради.

– Чунки, “У вазир бўлиб кетди, мен эса итнинг кейинги оёғи бўлиб юрибман, шунга ҳасад қиламан”, десам ишонасанми? – деди Шамшетов афтини бужмайтириб. – Учувчи сифатида Эшбековнинг тенги йўқ, ас, буни мендек аблаҳ ҳам тан олади. Тўқсон иккинчи йилмиди, Қоҳирага учганида “Тушка”^{*}нинг шассиси умуман очилмай қолган, лекин бу занғар самолётни бешикаст қўндирган. Бу тўғрида ҳатто ИКАО^{**} ҳам ўзининг докладида ёзган. Афсус, кейин мансабга, соққага берилиб кетди бечора, тушуняпанми? Ошнаси – амалдору бойлар, кўча, қаёқдаги қасанғилар. Фақат шулар билан ачомлашиб-ўпишиб кўришади.

– Ҳа энди, вазир бўлганидан кейин... мажбур-да.

Шамшетов унга ўқрайиб тикилди.

– Вазирми шу? Авиакомпания билан бир тийинлик иши йўқ, фақат иккита каттаконнинг кўнглини олса, бас. Ачинаман, раҳмим келади – осмонни кўрмай қолди шўрлик.

Энг чатоғи, Шамшетов бундай гапларни фақат “отиб” ўтирганда эмас, Эшбеков қатнашадиган умумий мажлисларда ҳам унинг бетига шартта-шартта айтар, айтганда ҳам тилига қалампир суртиб, устига янтоқ боғлаб гапирар эди. Энди нима қилсин боёқиш, ҳақиқат ўзи аччиқ нарса бўлса, уни айтган тил ҳам, хоҳласангиз-хоҳламасангиз, аччиқ бўлади-да.

Масалан, бир йиғилишда тўсатдан бош директорга шундай деб ташланиб қолди:

– Эй, менга қаранг, сиз бухгалтерия билан молия бошқармасию тижорат департаментининг ойлигини отнинг калласидек қилиб оширибсиз, раҳмат, қуллуқ! Лекин нега учувчилар, бортмуҳандис, радист, стюардессаларни четга суриб қўйдингиз? Нима, ердагилар одам-у, осмондагилар одам эмасми?!

Эшбеков илжайиб-қизариб биринчи муовини Шотурсуновга қаради, у ранги оқариб ўрнидан турди-да:

* “Тушка” – “ТУ-156” самолёти назарда тутилган.

** I C A O (ИКАО) – Халқаро фуқаро авиацияси ташиқлоту

– Ўртоқ Шамшетов, ўзингизни босинг! – деди. – Учувчилар ўзи шундоқ ҳам компания бўйича энг катта маош олади. Устамаларингиз бор, чет эл рейслари учун валютада яна қўшимча тўлаймиз. Инсоф ҳам керак-да энди.

– Инсоф сизларга керак, – деди Шамшетов пинагини бузмасдан. – Устамаларни, нима, чўнтагингиздан беряпсизми? Аслида, сиз ҳам, бош директорингиз ҳам – ҳаммангиз учувчининг орқасидан ғўдда-йиб юрибсизлар!

Мажлис аҳли икки гуруҳга ажради. Шамшетов эса ифвогар, жанжалкашга чиқарилиб, йиғилиш натижасиз қий-чув билан тугади.

8

Умуман олганда, Шамшетов учун ер юзидаги барча инсонлар икки тур, икки тоифага бўлинарди: учувчилар ва бошқа қолган ҳамма одамлар.

Граф ўзининг эътиқодидида шу қадар собит эдики, бу ҳақиқатни ҳатто кўксига муҳрлаб ҳам қўйган эди. Бир куни пляжда Бадалов Шамшетовнинг кенг, ёлдор яғринини “Не забуду мать родную!”^{*} деган битик ёки Ленин билан Сталиннинг портрети эмас, балки “Рожденный ползать – летать не может!”^{**} деган хитоб “безаб” турганига кўзи тушди-да, командир тушмагур қамоқда ҳам ётиб чиққан экан-да, деган хаёлга борди. Чунки у кезлар татубозлик ҳали ялпи урф тусини олмаган, фақат маҳкумлиқнинг ашёвий далили ҳисобланар эди.

Упадек майин, оппоқ қум устида узала тушиб ётган Граф унинг шарпасини сезиб, кўзини ёпиб турган оқ шапкани пешонасига сураркан, томдан тараша тушгандек:

– Горький, – деди. – Зўр ёзувчи, афсус, кейин айниб кетган-да...

Шамшетов қалам аҳлидан яна бир Экзюпери деган французни, давлат раҳбарларидан эса фақат Миср президенти Ҳусниддин Муборакни тан оларди: “Иккаласи ҳам учувчи бўлган!”

Бадалов устози кашф қилган бу антропологик назарияга кулиб, истеҳзо билан қарарди, чунки осмонда учиб юрган инсонларнинг ҳаммаси ҳам фаришта эмаслигини ҳар куни кўриб-билиб турарди. Ижтимоий жиҳатдан шубҳали, ҳатто бирмунча хатарли бўлган шу каби қарашлари сабаб “граф” билан ошно, улфат бўлиш тобора қийинлашиб борарди.

^{*} “Не забуду мать родную!” – “Онажонимни унутмайман!”

^{**} “Рожденный ползать – летать не может!” – “Судралишга маҳкум эконот кўкка учолмас!”

Бадалов, ҳар эҳтимолга қарши, командирдан бироз нари юришга уринарди-ю, лекин икки кунда усиз зерикиб қоларди. Шамшетовнинг ўзи ҳам жуда соғинтириб қўймас, тинимсиз қўнғироқ қилиб, антиқа-антиқа, баъзан эса арзимаган савол ва илтимослар билан унинг бошини қотиргани қотирган эди.

Осмони фалакларда сорлочин сингари парвоз қиладиган, булутлар ва юлдузлар, шамол ва бўронлар билан худдики тирик одам каби гаплашадиган бу инсон ердаги жўнгина маиший муаммолар қаршисида ночору нотавон эди. Масалан, жэк* ёки поликлиникадан қандайдир маълумотнома олиш, солиқ идорасига бориб декларация топшириш – Граф учун ўлим билан баробар ва шундай кезларда фақат Бадалов унинг жонига ора кирарди.

– Боб, қутқар, – деб ҳасратини бошларди у, – агар шу идорага яна бир марта борсам, Худо ҳаққи, бу бюрократларингни сўкиб, ўн беш суткага қамалиб кетишим мумкин.

– Ўн беш сутка эмас, нақд бир йилга қамалиб кетишингиз аниқ, – деб куларди Бадалов. – Илтимос, қоғозингизни эрталаб менга беринг-да, тинчгина осмонда юраверинг, ерга тушманг, хўпми?

Икки минг еттинчи йилнинг Наврўз байрами арафасида авиакомпания йўлакларини тўлдириб, шивир-шивир овоза тарқалиб қолди: нима дейсан, Шамшетов литер**га кема командири этиб ишга олинаётган эмиш...

Бу гапни эшитиб кимлардир, худога шукр, ниҳоят, ғурбатдан қутулар эканмиз, деб енгил нафас олган бўлса, айримларни ғам босди: бу бадбахт кўтарилиб кетса, ким билсин, баттар қутуриб, ҳаммадан ўч олишга ўтмасмикан?

Шамшетовнинг ўзи эса, гўё ҳеч нарса билмагандек бу тўғрида оғиз очмади, Бадалов ҳам сўрамади. Орадан бир-икки ой ўтиб, мишмишлар қандай чиққан бўлса, худди шундай – ими-жимиди йўқ бўлиб кетди. Чамаси, қайсидир юксак даргоҳда, иккита феъли оғир одамни битта самолёт кўтара олмаса керак, деган оқилона фикр туғилган бўлса, ажаб эмас.

9

Турли-туман ва катта-катта манфаатлар тўқнашиб ётадиган ҳар қандай йирик ташкилот сингари компания ҳам бирор кун интрига, ғалва-жанжалсиз яшай олмасди. Лекин бу сафар юз берган жожа-

* Ж Э К – Жилищно-эксплуатационная контора. Ҳозирги уй-жой мулкдорлари ширкатининг эски номи.

** Л и т е р – давлат раҳбари учадиган самолёт

ро бутун авиатизимни ларзага солди. Юрт зўрлари билан ачомлашиб-ўпишиб кўришадиган, қудратли “танка”лари бор Эшбеков ҳеч кутилмаганда ишдан олиниб, ўрнига биринчи муовини Шотурсунов “в.в.б.”* этиб тайинланди.

Чақмоқсифат бу ўзгариш ортидан ҳар хил овоза, гумону тахминлар болалаб кетди. Яъниким, собиқ бошлиқ компаниянинг миллиард-миллиардларини еб қўйган экан, Тоштурмада ётган эмиш... Давлат қустирмасдан қўймасмиш... Яқинда суди бўлармиш... Кимки у билан ош-қатиқ бўлган бўлса, терговга қатнаётганмиш... Йўқ, ҳибсга олингани ёлғон, чет элга қочиб кетган эмиш...

Шамшетов бош директор ишдан бўшатиладиган сўнг ўтиришларда ҳам, мажлисларда ҳам у ҳақда гапиришни умуман бас қилди. Бошқалардан фарқли ўлароқ, кетганни эмас, келганни танқид қила бошлади. Шу сабабли мажлису машваратлар энди Шамшетов ерда эмас, осмонда парвоз қилиб юрган вақтларда ўтадиган бўлди.

Эшбековнинг ғийбати қизигандан қизиб бораётган кунларнинг бирида у тўсатдан катта бир қўшни давлат пойтахтидаги халқаро аэропорт директори этиб тайинланди.

Буни эшитиб кимлардир “Мафия ўлмагай!” деган бўлса, кимлардир “Ҳақиқат бор экан-ку!” деди. Шамшетов, табиийки, уларнинг ҳеч бирига қўшилмади. Фақат бир марта хўрсиниб, Бадаловга “Бир лётчик дунёга келдию кетди”, деб қўйди ўзбекчалаб.

Собиқ бош директорнинг даври даврони узоқ давом этмади – олти ойдан сўнг “ишдан олинибди” деган гап чиқди.

10

Сокин куз оқшоми эди, Бадалов билан Шамшетов навбатдаги халқаро рейс бўйича Тошкентга учишга ҳозирлик кўрмоқда эдилар. Шамшетовнинг димоғи чоғ, эрталабдан “Ўртар”ни хиргойи қиларди. Мана шу сафардан кейин у узоқ кутилган меҳнат таътилига чиқиб, дам олгани жўнаб кетадиган эди.

“Норвегияга бориб, қизимни кўриб келаман”, деди у Бадаловни доимгидек лол қолдириб. Шу чоққа қадар ном-нишони йўқ бу қиз осмондан тушгандек қаердан пайдо бўлди, Норвегияда нима қилди – бари жумбоқ эди.

Парвоз олдидан экипаж махфий хабар олди: бортда экстрадиция қилинган бир шахс конвой ҳамроҳлигида учар экан. Бундай ғайри-

* В.в.б. – вақтинча вазифа бажарувчи

одатий ҳолатлар, аҳён-аҳён бўлса-да учраб туриши учун ҳеч ким ажабланмади. Қочиб юрган бирон жиноятчидир-да.

Самолётга юklar ортилиб, йўловчилар ҳам жойлашиб бўлди. Двигателлар бир соатдан буён гуриллаб ишлаб турибди. Анави конвой келса бас, “Боинг-767” осмони фалакка парвоз қилади.

Ниҳоят, сўнгги дақиқада учиш майдонига иккита баҳайбат қора “жип” ўқдек учиб кириб келди ва шундоқ орқа трап олдида тўхтади. Машиналар эшиги шитоб очилиб, камуфляж формали, юз-кўзига қора ниқоб тақиб олган олти нафар девдек автоматчи йигит билан фуқаро кийимидаги икки норғул киши сакраб тушди. Уларнинг қуршовида, не кўз билан кўрсинларки, кишанбанд, боши эгик Эшбеков оқсоқланиб келарди!

Шамшетов беихтиёр “маска шоу” гуруҳи томон юрди. Бадалов ҳам унинг ортидан эргашди ва бироздан сўнг мисли кўрилмаган ғаройиб воқеага гувоҳ бўлди.

Конвой бошлиғи, ўзини “подполковник Аҳмедов” деб таништирган оқ-сарик зобит Шамшетовга қўл узатди-да, одатдагидек русчалаб:

– Хўш, командир, тайёرمىсиз учишга? – деб сўради.

Шу лаҳзада Эшбеков бошини кўтарди ва қизарган кўзлари Шамшетовнинг таажжубли кўзлари билан тўқнашди.

– Буларни опкетамизми? – Шамшетов конвой бошлиғига қаради. Маҳбус шу заҳоти нигоҳини ерга тикди.

– Ҳа-ҳа, собиқ хўжайинингиз. Қани, имилламанг, кетдик, махсус гуруҳга жавоб бериб юборишимиз керак. – Аҳмедов атрофга бетоқат аланглади.

– Шошманг, – деди Шамшетов тишини ғижирлатиб. – Бу киши... шу аҳволда кетадими?

– Қайси аҳволда?

– Мана шундай – кўлида кишан билан?!

– Ҳа, нима бўпти? Инструкция шундай. Кишаннинг устига костюм ёки сочиқ ташлаб қўямиз – ҳеч ким сезмайди.

– Менга қаранг, подполковник, – деди Шамшетов дона-дона қилиб. – Кишанни ечинг.

– Ия-а?!

– Ечмасангиз – мен учмайман. Тушундингизми, уч-май-ман!

– Нима?! – Аҳмедовнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. – Ақлдан озганмисиз? Сиз кимсиз ўзи менга талаб қўядиган? Қани, марш жойингизга, ҳайданг самолётни!

– Қўлингиздан келса, марҳамат, ўзингиз ҳайданг! – деди Шамшетов без бўлиб.

– Командир, хушингни йиғ! – деб пишқирди Аҳмедов. – Ўт билан ўйнашма! Трибуналга кетасан, билдингми?!

– Майли, – деди Шамшетов, – лекин менинг самолётимда учувчининг қўлига кишан солишга йўл қўймайман!

Ранги-қути ўчиб, қўрқиб кетган Эшбеков жон ҳолатда:

– Шамшетов, керакмас, бас қил... – деб шивирлади.

– Ўртоқ подполковник, – деди Шамшетов унинг гапини эшитмагандек, – ўн минутдан кейин ҳаво коридори ёпилади. Масалани ҳал қилинг. Хоҳласангиз, Тошкентдан экипаж чақиртиринг. Ёки аэропорт маъмурияти билан гаплашиб, рейсни кечиктиринг.

– Аблаҳ, саботажчи! Онангни кўрсатаман ҳали! – Аҳмедов бўралаб сўкинишга тушди. Аммо дўқ-пўписалари зиғирча ҳам таъсир қилмаётганини кўриб, эланишга ўтди. – Тушун ахир, Шамшетов, менда буйруқ бор!

– Сен ҳам мени тушун, менда виждон бор!

– Ҳе, виждонингга сени!.. Биласанми, кимни ҳимоя қиляпсан? Қип-қизил жиноятчини!

– Унисини билмадим, – деди Шамшетов, – у мен учун – учувчи. Тамом-вассалом. Мен самолётимда учувчи зотини хор қилдириб қўймайман, уқдингми?

– Йиғиштир, лўттибоз, спектаклингни!

– Бажонидил. Лекин, такрор айтаман, кишанни ечмасанг, учмайман.

– Падарингга лаънат! Тварь! – Подполковник Аҳмедов қўл телефонини олиб, рақам терди. Четга чиқиб, узоқ сўзлашди, сўнгра афтини бужмайтириб трап ёнига келди-да, шеригига қараб: – Еч кишанини! – деб буюрди. – Шамшетов, билиб қўй, бирон кор-ҳол юз бергудек бўлса, борт-мортингга қараб ўтирмайман, шартта отиб ташлайман!

– Қандай кор-ҳол юз бериши мумкин, ўртоқ подполковник? – Шамшетов шундай деб, уст-бошини, бўйинбоғини тузатди. Шаҳдам одим отиб Эшбековнинг олдига келди-да, ўнг қўлини фуражкаси четига қўйиб, ҳурмат бажо келтирди ва қарсиллаган овоз билан: – Ўртоқ вазир, мурожаат қилишга рухсат этинг! – деди.

Аҳмедов бу гапни эшитиб, баттар гезарди, нима деярини, нима қиларини билмай қолди, Эшбеков эса ялингудек бўлиб:

– Шамшетов, устимдан кулма, илтимос... – дея олди, холос.

Шамшетов бу гапларни мутлақо эшитмагандек, сўзида давом этди:

– N. – Тошкент йўналиши бўйлаб 163-рейсни амалга оширувчи “Боинг-767” экипажи парвозга тайёр. Учиш масофаси – 5600 километр. Учиш баландлиги – 10800 метр. Учиш вақти – 5 соату 30 минут. Кема ташқарисидаги ҳаво ҳарорати – минус 56 даража. Самолёт маҳаллий вақт билан 22:30 да Тошкент халқаро аэропортига етиб боради. Кема командири – олий тоифали учувчи Шамшетов, – деб ахборотини тугатди ва тин олиб: – Ўртоқ вазир, парвозга рухсат этинг! – деб изн сўради.

Эшбеков бутунлай саросимага тушган, кўзини қаерга яширишни билмасди. Подполковник Аҳмедовнинг тоқати тоқ бўлиб, унга қараб ўшқирди:

– Э, бир нарса денг бу тентакка!

– Рухсат, – деди Эшбеков титраб-қалтираб.

Шамшетов унга яна бир бор ҳурмат бажо келтирди-да, шошилмай олдинги трапдан самолётга кўтарилди. Маҳбус ва конвой эса орқа пиллапоядан чиқиб, самолётнинг этак томонидаги уч кишилик ўриндиқдан жой эгаллади – Эшбеков ўртада, икки ёнида подполковник Аҳмедов билан майор Рўзиев.

Экипажга бераётган қисқа-қисқа фармойишларини ҳисобга олмаганда, Шамшетов ҳеч ким, ҳатто Бадалов билан ҳам деярли гап-лашмади.

Икки ярим соатдан сўнг йўловчиларга овқат тарқатиш бошланди. Командир катта стюардесса Мадинани чақиртирди-да:

– Алоҳида дастурхон тайёрланг, – деди. – Биринчи разряд бўйича.

– Хўп бўлади, – деди Мадина ҳайрон бўлганини сездирмасдан.

Бадалов буйруқнинг маъносини тушуниб, Шамшетовга юзланди:

– Командир, балки учта тайёрлагани маъқулдир?

Шамшетовнинг бароқ қошлари чимирилди.

– Нима учун? Ахир, улар учувчи эмас-ку!

– Барибир, ноқулай бўлади-да.

– Аралашма! – деди Шамшетов зарда билан.

Мадина амри вожибни бажо келтириб, командирга савол назари билан қаради. Шамшетов штурвални Бадаловга топширди-да, ўрнидан турди, кумушранг патнисга дид билан терилган егулик ва ичимликлар, крахмалланган, қордек оппоқ сочиқ ва салфеткалар, тилла суви юритилган санчқи, пичоқ-қошиқларни синчиклаб кўздан кечирди. Сўнгра патнисни кўтариб, эконоом-класс томон юрди. Мадина унинг изидан эргашди.

Кейин нима бўлганини Бадалов шу аёлдан эшитди.

11

– Бечора Эшбеков анови икки барзангининг ўртасида ғужанак бўлиб ўтирган экан, – деб кўрганини айтиб берди Мадина. – Шўрлик ҳатто бизнинг шарпамизни ҳам сезмади. Конвойчилар бўлса, дарров ҳушёр тортиб, белидаги тўппончасини пайпаслашга тушди.

– Ўртоқ вазир, марҳамат, тановул қилиб олинг, – деди Шамшетов ва менга қаради. Мен дарҳол кресло ёнбошидаги йиғма столчани очиб, патнисни командирнинг қўлидан олиб у ерга қўйдим.

– Керак эмас, олиб кетинг буни, керак эмас... – деб типирчилади Эшбеков ёнидаги ҳамроҳларига мўлтираб.

– Шамшетов, нега бунча қутуряпсан? – деди конвой бошлиғи.

– Ҳаво кемасидаги ҳар бир йўловчи овқатланиш ҳуқуқига эга, – деди Шамшетов таъкидлаб. – Ёқимли иштаҳа, ўртоқ вазир.

Биласизми, бояги конвойчи менга ҳам шундай ўқрайдики, юрагим нақд товонимга тушиб кетди. Кейин бечора Эшбековни туртиб:

– Олинг, энг, ўртоқ вазир! – деб пичинг қилди.

Энди ўзингиз айтинг, икки ёнбошида иккита зобит қурол тираб ўтирган одамнинг томоғидан бирон луқма ўтармиди? Эшбеков бир бурда нон тишлаб, стакандаги сувни ютоқиб симирди-да:

– Раҳмат, – деб, менга патнисни олишга ишора қилди. Эй, Бобомухаммадраҳим, бунақа кунни ҳеч кимнинг бошига солмасин...

12

Вақт хуфтондан ўтиб, самолёт Тошкент аэропортига келиб қўнди. Йўловчилар ва экипаж тушиб бўлгач, энг охирида конвой ўрnidан кўзғалди. Трап ёнида яна боягидек иккита баҳайбат қора “жип” ва юз-кўзини ниқоб билан бекитиб олган автоматчилар гуруҳи пайдо бўлди.

Шамшетов пиллапоядан чаққон тушиб, орқадаги трап пойида Эшбеков ва унинг ҳамроҳларини кутиб олди. Ўнг қўлини фуражкаси четига қўйиб, собиқ бошлиғига ҳурмат бажо келтирди. Аҳмедов шериги билан трап зинасида тошдек қотиб қолди.

– Ўртоқ вазир, мурожаат қилишга рухсат этинг. N. – Тошкент йўналиши бўйича 163-рейсни амалга оширган “Боинг-767” ҳаво кемаси Тошкент аэропортига қўнди. Маҳаллий вақт билан соат 22:50. Ҳаво ҳарорати – 18 даража иссиқ. Кема командири – олий тоифали учувчи Шамшетов. – У шундай деб трапдан бир қадам четлашди-да, пошналарини бир-бирига уриб: – Саломатлик тилайман, ўртоқ вазир! – деб яна бир бор ҳурмат бажо келтирди.

Эшбеков трапнинг охирги поясига қадам қўяр экан, кўзларидан ёш чиқиб кетди, аммо ғира-шира қоронғида буни ҳеч ким кўрмади.

– Раҳмат... раҳмат сенга, Рашод... – деб шивирлади у ва конвойнинг амрига бўйсуниб, қора машина томон йўл олди. Ундан икки одим орқада бораётган подполковник Шамшетовга еб қўйгудек бўлиб тикилди-да, чурқ этмасдан машинага ўтирди.

– Мана, ҳаммаси тугади, – деди Шамшетов Бадаловга қараб. Бадалов бош ирғаб қўйди-ю, индамади. Ич-ичида ҳаммаси энди бошланишини сезиб, англаб турарди.

Эртасигаёқ Шамшетовнинг “демарши” компанияда дув-дув гап бўлди. Икки кун ўтиб, ҳарбий прокуратура Графни терговга чақирди. Шотурсунов уни мамнуният билан дарҳол ишдан бўшатди. Экипажнинг барча аъзолари қатори Бадалов ҳам бир неча бор гувоҳ сифатида терговга бориб-келди.

Бир ярим ойлардан сўнг, ҳарбийлар байрами арафасида газеталарда бир рўйхат эълон қилинди. Унга мувофиқ, бир гуруҳ аскар ва зобитлар, жумладан, махсус жанговар топшириқни бажариш чоғида жасорат ва матонат намунасини кўрсатгани учун подполковник Аҳмедов “Мардлик” ордени билан, майор Рўзиев эса “Содиқ хизматлари учун” медали билан мукофотланган эди.

Шамшетовнинг иши ёпиқ судда кўрилди, шу сабабли маҳкама жараёнининг тафсилотлари, “айбдор”га қандай жазо берилгани даярли ошкор қилинмади. Компания фахрийси, кўп йиллар режим хизматини бошқарган Михаил Фроловнинг шивирлаб айтишича, Графнинг совет даврида ҳукуматга “ўтказиб қўйган” жойи бор экан. Яъни, масалан, ядро бомбаларини Семипалатинскдаги полигонларга етказиб беришда алоҳида хизмат кўрсатган ҳарбий учувчини – ўта махфий давлат сирини биладиган шахсни наинки қамаш, ҳатто унга нисбатан бирон-бир чора кўриш умуман мумкин эмас экан...

Нима бўлганида ҳам, Шамшетов шу бўйи бадар кетди – на авиакомпанияда, на Тошкентда биров уни қайтиб кўрдим демади.

Эшбеков эса ўн йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди ва кўп ўтмай турма касалхонасида вафот этди.

Орадан бир ярим йиллар чамаси ўтиб, тонг саҳарда Бадаловнинг телефони қўққисдан жиринглаб қолди.

– Ҳа, хўроз, қалайсан? – деди Шамшетов салом йўқ, алик йўқ, худди кечагина кўришган одамдек. – Менга қара, зўр бир иш бор. Биласан, Шимолий қутбда музликлар эриб кетяпти. Ҳа, глобал исишнинг оқибати. У ердаги ҳайвонот дунёси ҳам қирилиб битяпти. Бунинг олдини олиш учун БМТ бир дастур тузиб, учувчиларни ишга ёлла-

ётган экан, ўқигандирсан? Келмайсанми, маза қилиб қутбларга учиб юрардик. Инсонлар-ку, майли, балки ҳайвонларни қутқариш қўлимиздан келар, а?

Бадалов яна одатдагидек лолу ҳайрон, тили калимага келмай қолди.

– Э, қизиқмисиз, мен қаёққа бораман? Янги квартира олганман, бўйнимда ипотека. Яқинда иккинчи фарзандим туғиладиган...

– О, зўрсан-ку, табриклайман! Ўғилми, қизми?

– Ўғил, – деди Бадалов оғзининг таноби қочиб. – Командир, бу гапларни қўйинг, ўзингиз қаердасиз?

– Панамада.

– Панама? Қаерда?!

– Панама қаерда бўларди, харитага қарамайсанми, галварс!

– Тўхтанг, сиз ахир Норвегияга кетмоқчи эдингиз-ку? Қизим бор, деган эдингиз, у нима бўлди?

– Бо-об, бу жуда узоқ тарих. Кейин айтиб берарман. Қиз барибир онани танлар экан... Демак, сен келолмайсан, шундайми?

– Шундай.

– Майли, ўзинг биласан. Лекин зўр лойиҳа эди-да... Сенга ўрганиб қолган эканман, – деди Шамшетов товуши товланиб. – Энди, феълимни ўзинг биласан, мени замбаракнинг оғзига боғлаб отган одам савобга қолади. Бирда-ярим ноҳақ хафа қилган бўлсам, мени кечир... Хўпми, Бобомуҳаммадраҳим? – деди у охирги гапини ўзбекчалаб.

Бадаловнинг томоғи ғип бўғилиб:

– Тошкентга қайтинг, жон ака! – дея олди. – Айтинг, қачон келасиз?

– Худо хоҳлаган кун, – деб кулди Шамшетов. – Хўп, омон бўл!

Шу бўйи қайтиб ундан ҳеч қандай дом-дарак бўлмади.

Бирон йиллар ўтиб, Шамшетов Африкада, Суданми ёки Сомалидаги исёнчи гуруҳларга контрабанда қурол-яроғ ташиб юрганмиш, деган гап тарқалди.

Кейинчалик эса, Граф Янги Зеландия авиакомпаниясида ишлаётган экан, "Эмбраер" ҳаво кемаси билан Мельбурнга учиб кетаётганда самолёти кулаб тушиб ҳалок бўлибди, деган овозлар чиқди.

Аммо Бадалов бу гапларнинг биронтасига ҳам ишонмади. Шамшетовдек одамнинг жиноятга қўл уриши ҳам, ҳалокатга учраши ҳам мутлақо мумкин эмаслигига, қадрдон командири қаердадир осмони фалакларни тўлдириб, мағрур парвоз қилиб юрганига унинг имони комил эди.

2025 йил 19 январь



Насрулло ЭРГАШ

Sözsiz hikoyalar

Ўзбек фотографияси бир асрдан зиёд тарихга эга. Худойберган Девондовдан бошланган ушбу силсила замонавий фотографиямизда Хусниддин Ато каби янги авлод ижодкорларига боғланади.

Хусниддин Ато ижодий ишларида миллат дарди қабариб кўринади. Аслида, фотография санъатининг хос жиҳати ҳам шу – сўзсиз ҳикоя қилмоқ, инсон нигоҳини жамият оғриқларига қаратмоқ. Шеърят туйғу билан, проза оригинал сюжет билан, тасвирий санъат ранг билан, мусиқа оҳанг билан, театр ва кино ҳаракат билан инсон қалбига таъсир кўрсатса, фотография вакиллари оний лаҳза ва ҳолатларни тасмага муҳрлаш орқали тарих яратадилар.

“Янги кун бошланиши” фотокартинасида велосипедини етаклаб уйдан ишга отланаётган чопар (куръер) йигитни кўра-миз. Унинг ҳорғин нигоҳларида машаққатли меҳнати нафаси уфуриб турибди. Ушбу

сурат камина интернетда кўрган бошқа бир оғриқли картинани ёдга солди. Унда совуқ кунда болалар аравачасидаги гўдаги ва елкасида залварли сумка билан пою пиёда куръерлик қилаётган жувон тасвирланган...

Фоторассом репертуарида ота мавзу-си алоҳида ўринга эга. У бир картинасида Навоий бобомиз каби қиблагўларимизни қуёшга менгзайди: фарзандини етаклаб келаётган отанинг боши узра сахий қуёш нур сочаётгани рамзий маъно-мазмун касб этган.

“Қадриятларга асосан” картинасида сайловдан кейин кўчадаги устунлардан депутатликка номзоднинг тарғибот баннери ечиб олинаётгани тасвирланган. Серқатнов йўлдан автоуловлар елиб ўтмоқда. Машиналар – кечаётган вақт тимсоли. Олам-жаҳон ваъдалар берилди. Сайлов тугади. Номзодлар депутатликка сайланди. Алҳол, муҳташам суратлар ва шиорлар ёзилган

лавҳалар кўчалардан йиғиб олинаётир. Беихтиёр хаёлингиздан ўтади: хўш, эндиликда депутатлар халқ билдирган улкан ишончни оқлай оляптими?..

Хусниддин Ато ўтган йили паралимпиячиларимиз билан бирга Парижга бориб, уларнинг оламшумул ютуқларини тарихга муҳрлади. Париж туркумидаги фотосуратлардан бири “Чемпион дам олмоқда” деб номланади. Беллашувларда толиққан спортчи (найза улоқтириш бўйича паралимпия чемпиони Ёрқинбек Одиллов) креслода ўтирган кўйи уйқуга кетган. Ёнида ечилган протез оёқ ва суяб кўйилган қўлтиқтаёқ! Ўриндиққа эса миллий терма жамоамизнинг формаси ташланган. Ушбу манзарада чемпионликкача бўлган сермашаққат йўл, уйқусиз кечган тунлар, ғалаба сурури, шодлик кўзёшлари, Ватан туйғуси – барча-барчаси мужассам.

Фотограф ижодий ишларида миллат ва миллият масаласи, этнография мотивлари асосий ўрин тутди. У ўз фотоҳикояларида ўзбек халқи қандай умргузаронлик қилмоқда, нималарни орзуламоқда, инсон деган номга муносиб тарзда яшамоқдами... каби саволларга жавоб излайди. Унинг ижодий бисотида ўзбек ва жаҳон мусиқа

санъати намояндалари суратларини ҳам кўплаб учратамиз. Уларнинг ҳар бири ўз характерига эга. Халқ бахшиси Абдуназар Поёновга хос улғуворлик, устазода Аброс Зуфаровга хос сокин виқор томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Ижодкор миллий урф-одат ва маросимларни айрича меҳр-муҳаббат ила тасвирлайди. Келинчакни ланғиллаб ёнаётган аланга атрофида кўтариб айлантираётган куёвга боқиб кўҳна соғинччи ҳис этсангиз, шаҳар кўчалари оралаб ўтаётган карнайчилар карвони ва уларни бетон уйлاردан қузатиб турган болакайларни кўрганингизда руҳингизда қадрдон туйғулар бош кўтаради. Бугунги глобаллашув замонида, одамлар кўп асрлик анъаналардан йироқлашаётган даврда бизни теран томирларимизга қайтишга чорлагувчи бу каби ижод намуналари қадрланмоғи керак, албатта.

Хусниддин Ато бир гал доимий ҳамроҳи бўлган фотокамерасини лаблари узра тутган кўйи суратга тушган. Бу, назаримизда, фото санъати нима ва фотосанъаткор ким эканини рўйирост кўрсатувчи тимсолий картина. Унга боқиб англаймизки, фотосанъаткор – ровий, фотокамера – унинг тили, туширган суратлари эса ҳикояларидир...





“Ворис”

FOTO TILGA KIRGANDA




“Жонїўлоои”



“Қуш тили”




“Түй”



“Автопортрет”



“Само ноласи”



ALOMATFÉL ALLOMALAR

Фалес (мил. авв. 630 – 550 йиллар) – кетган. Дедуктив фаннинг кашшофи – даст-
кадимги Юнонистоннинг етти донишман-
дидан биринчиси, “фалсафанинг отаси”
ҳам деб аталади. Шахси афсонага айланиб
лабки теоремаларни исботлаган. Шунга
кўра “геометриянинг бобоси” ҳам дейиш
мумкин. У Миср эҳромларининг баландли-

Асли касби математик, айна вақтда Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, фаол “тафаккур”чи Абдулла Аъзам риёзиёт ва адабиёт синтезига қўл урибди: “Ғаройиб математиклар” деган китоб битмоққа киришибди. “Рамкага тушмайдиған” юздан зиёд риёзиётчи ҳақидаги бирда расмана эссе, бирда уч-тўрт қатор луқмалардан тузилган тўплам тадқиқотчиларга ҳикмату ибрат бўлса ажаб эмас. “Риёзиётнома”дан буюк Хоразмийдан академик Саъди Сироҷидиновгача – ўнга яқин юртдошимиз ҳақидаги ҳикоялар ҳам ўрин олади. “Тафаккур” муштарийлари эътиборига ҳамир учидан патир ҳавола этилаётир.

гини ўлчаган ва шу мақсадда шаклларнинг ўхшашлиги назариясини яратган, жумладан, “Фалес теоремаси”ни исботлаган.

Аллома ҳаёти тўғрисида манбалар, бинобарин, ўзи ёзган бирон бир асар ҳам сақланиб қолмаган. Шунга қарамай, кўплаб юнон муаллифлари ўз китобларида унинг исмини тилга олган. Ҳатто Фалес исми икки тарихий шахс яшаган деган фараз мавжуд.

Айтишларича, онаси Фалесдан уйланишни талаб қилганида, у аввалига “ҳали эрта” деб инжиқлик қилган, кейин эса “энди кеч” дея важ-корсон кўрсатган экан. Алқисса, Фалес дунёдан тоқ ўтиш тарафдорларининг ҳам устозидир. Навоий ҳазратлари айтмоқчи:

*Умри жовид истасанг, фард ўлки, бўстон
Хизридур
Сарвким, даъб айлади озодалик бирлан маош.*

(Абадий ҳаёт истасанг, дунёдан тоқ ўт. Ана, қара – сарв оғочи атрофи очик, ёлғиз ўсаётгани боис боғнинг энг умрзоқ дарахтидир.)

Математиклар орасида Фалес издошлари кўпроқ учраши маълум. У кўёшга қараб кетаётиб қудуққа тушиб кетган экан. Шунда одамлар маломат қилибди: “У осмонни кўради-ю, оёғи остини кўрмайди”. Бу ҳам кўплаб математикларга хос хусусият: бир масалага қизиқиб қолдими, тамом, бошқа ҳеч нарса кўзига кўринмайди.



Эвклид (мил. авв. 325 – 265 йиллар) геометриянинг теоремаларини атиги бир неча аксиомадан келтириб чиқарган. “Негизлар” асари ўша даврнинг бестселлери

бўлган – бутун Юнонистонда қўлма-қўл ўқилган. Искандар Зулқарнайнинг саркардаси, қўмондон вафотидан кейин Миср подшоси бўлиб олган Биринчи



Птолемей (Клеопатра хонимнинг олис аждоди) бундан хабар топиб, “Негизлар”ни ўқиш истагини билдирган. Шунақа шоҳлар ҳам бўлган-да. У китобни ўқишга уннаган-у, аммо тиши ўтмаган. “Тушуниш осон тарзда баён қилса бўлмайдими?” дея мактуб битган муаллифга. Эвклид эса бундай жавоб берган экан: “Геометрияга шоҳона йўл йўқ!” Шунақа олимлар ҳам ўтган-да. (Бу ерда шоҳларга ҳам, олимларга ҳам таъна йўқ.)



Лука Пачоли (1445 –1517) – италиялик олим. Математикада у қадар машҳур эмас, шу маънодаки, на бирор теорема, на бирор формула унинг номи билан аталган. Аммо Оврупода бу фан равнақиға улкан таъсир кўрсатган. Арифметика, геометрия ва алгебрага оид дарсликлар ёзган. Хоразмий исмининг алгоритм деган атамага айланишига сабабчилардан бири.

Шахмат ҳақидаги китобига дўсти Леонардо да Винчи расмлар чизиб берган. Китобда биринчи марта шахмат доналарининг шартли белгилари жорий этилган. Лука Пачоли, шунингдек, архитектура ва тасвирий санъатда перспектива назариясининг яратувчиси. Бунда унга болалигида

машхур рассом Леон Альбертидан тасвирий санъат сабоқларини олгани қўл келган. Бу назария Уйғониш даври санъати ва меъморчилигида беқиёс роль ўйнаган.

Олимнинг жаҳон тамаддунига қўшган яна бир йирик ҳиссаси – бухгалтерия амалиётига рақамларни икки марта қайд этиш ҳамда баланс тамойилини жорий қилганидир.

Айтишларича, унинг отаси виночилик билан шуғулланган. Кунларнинг бирида Лука унинг харажатлар ва даромадлар дафтари устида бошини чангаллаган ҳолда ўтиргани устидан чиқибди.

– Нима бўлди, ота? – деб сўрабди Лука.

– Бошим қотиб қолди, ўғлим, – дебди отаси, – мен шаҳарнинг энг бой одамиманми ёки синиб, бўғзимгача қарзга ботганманми – билолмаяпман.

– Олди-сотдиларни ёзиб бормаганмидингиз?

– Ёзишга-ку ёзганман, – дебди ота қалин дафтарга ишора қилиб, – аммо яқун чиқара олмаяпман.

Лука бухгалтерия дафтарини варақлаб, унда барча амаллар бирин-кетин ёзилганини кўради: кимга қанча мусаллас сотилган, кимга қанча насияга берилган, фалончидан шунча узум олинган, пистончидан бочка, яна биридан шиша ва ҳоказо. Чиндан, бундай аралаш-қуралаш ёзувлардан яқун чиқариш амримаҳол.

– Масала равшан, – дея Лука дарҳол муаммо ечимига киришади. Чин математик-да – масалага йўлиқса, бош чаноғи ичидаги “компьютер”и ўзидан-ўзи ишга тушиб кетади. Шу тариқа у даромадлар ва харажатлар, активлар ва пассивлар, дебет ва кредит дафтарларини ўйлаб топади. Бу усулда осонгина яқун чиқарилади. Ҳар

бир молиявий амал иккита дафтарда қайд этиладики, ўтиб кетган хатолар ҳам дарҳол намоён бўлади. Инчунин, қўли эгри ҳисобчиларни фош қилиш ҳам енгиллашади. Бу эса ҳамиша, ҳамма ерда ғоят долзарб.



Лука Пачоли дарс ўтмоқда.



Исаак Ньютон (1642 – 1727) – инсоният тарихидаги энг донгдор тарихий шахслардан бири. Математика ва физикадаги инқилобий кашфиётлари учун тирикчилигидаёқ даҳо дея тан олинган. Кейинроқ Лондон шаҳрининг жаҳон молия марказига айланишида олимнинг молия тизимига математик ёндашуви муҳим роль ўйнаган бўлса ажаб эмас.

Ньютон ўта камгап ва хийла паришонхотирлиги билан танилган. Бир куни нонуштага тухум пиширмақчи бўлади. Бир умрлик яна бир бўйдоқнинг куни шу-да. Инглизларнинг урфига кўра хом тухумни роп-роса уч дақиқа қайнатиш керак. Ньютон соатини олиб, тухум пиширмақча киришади. Бир соатча ўтади. Олимларнинг олими қараса – тухум қўлида, соат эса қайнаб ётган эмиш. Илм аҳлининг паришонхотирлиги

умумият-ла ижобий хусусият – то фикр бир йўналишда жам бўлмас экан, буюк кашфиётга йўл бўлсин! (Бу ҳам кимларнингдир ҳаёт тарзига таъна эмас.)

Ньютонга буюк хизматлари учун лорд унвони берилган. Шу вайдан боёқиш олим парламентнинг барча йиғилишларида қатнашишга мажбур бўлган. У йигирма йил давомида фақат бир марта сўз сўраган, ўшанда ҳам “Бино ҳавоси дим бўлиб кетди, деразаларни очишни таклиф қиламан”, деган экан.



Ньютон ҳазратлари бутун олам тортишиши қонунини шу дарахт тагида кашф этган экан.



Жан-Батист Фурье (1768 – 1830) – Буюк француз инқилоби иштирокчиси бўлган математик. Ўн беш фарзанддан бири – Фурье тўққиз ёшида ғирт етим қолади. Ўн уч ёшида унинг қўлига олти жилдли “Математика курси” тушади. Жозибали ёзилганидан бош кўтармай уни бир йил ичида ўрганиб чиқади. Фурье аслида ҳарбий бўлишни ният қилган, бироқ қуйи табақа вакили деб ҳарбий мактабга қабул этилмаган экан. Зап бўлган экан-да, акс ҳолда бирорта дайди ўқ фан оламини улкан олимдан маҳрум қилар-

ди-кўярди! Шундан сўнг илм йўлига кирмоқдан бошқа чораси қолмаган қаҳрамонимиз умид билан Парижга боради. Омадсизлик келса, қўшалок келади, дейдилар – у Парижга етиб борган куни инқилоб бошланиб кетади. Пойтахтда иши юришмаган Фурье изига қайтади. 1793 йилдан у ҳам сиёсий ҳаётга шўнғийди. Ҳатто ўз она шахридаги инқилобий қўмита раҳбарлигига сайланади. Энди инқилобчи сифатида Парижга бориб, республикачилар доҳийси Робеспьер билан учрашади. Аммо бу учрашув Фурьенг ҳибсга олиниши билан якунланади. У қамоқда гильотинада боши узилишини кутиб ётганида, Робеспьернинг ўзи қатл қилинади. Фурье янги очилган Нормал мактабига (Париж педагогика институти) математика ўқитувчиси лавозимига ишга олинади. Инқилобчиларнинг янги раҳбарияти Фурьени “Робеспьер террорининг иштирокчиси” дея яна қамоққа ташлайди. Шунда унинг математик экани жонига ора киради – машҳур ҳамкасблари Лагранж ва Монжнинг ҳаракати билан озод этилади. Бу орада Фурье Наполеоннинг эътиборига тушади, қўмондон уни Миср юришига олиб кетади. Фурье археологик қазишмаларга раҳбарлик қилади, қадимги Миср тарихи бўйича биринчи мақолалар тўпламини тузади. Яъни уни “мисршунослик фанининг отаси” дейиш мумкин. Наполеон унга барон унвонини тақдим этади, аммо бу мартаба наф келтирмайди – кўп ўтмай жаҳонгирлик даъвосидаги император тахтдан мосуво бўлади. Фурье Рона вилоятининг волийси этиб тайинланади. Ишдан бўш вақтларида “Жисмларда иссиқлик қай тарзда тарқалади?” деган муаммо устида бош қотиради ва уни бутунлай янги усулда ҳал қилиб,

“Иссиқликнинг аналитик назарияси” деган рисола битади. Фуръенинг ечими фанда мавжуд усуллардан кескин фарқ қилар эдики, ҳамкасблари унга шубҳа билдирадилар. Фан тарихида кўп учраганидек, Фурье усули тўғри экани деярли юз йил ўтгач эътироф этилди.



Софи Жермен (1776 – 1831) – диссертация ҳимоя қилган биринчи математик аёл. Ўша замонларда “заифа”лардан математик чиқишига истехзо ила қаралган бўлса керак, “Жаноб Ле Блан” тахаллуси билан ижод қилган, ўз тадқиқотлари тўғрисида Лагранж, Фурье ва Гаусс билан ёзишмалар олиб борган. Наполеон армияси Гёттинген шаҳрини забт этганида, Жермен қариндоши бўлмиш генерал Пернетига хат жўнатиб, ундан аскарлари “Математика қироли” номи билан машҳур Гауссни, қадимда Архимеддек, ўлдириб қўймасликларини сўраган. Генерал олимнинг ҳузурига ташриф буюриб, унга жиянининг илтимосини етказди. Гаусс у билан хат ёзишган математик аёл киши эканидан ҳайратга тушган, айти пайтда унинг меҳрибонлигидан мутаассир бўлган.



Николай Лобачевский (1792 – 1856) – ноэвклид геометрия яратувчиларидан бири. Инглиз математиги Уильям Клиффорд уни “геометриянинг Коперниги” деб атаган.

Ноэвклид геометрия билан шуғулланиш, шунчаки шуғулланиш эмас, балки янги натижаларни ҳамкасбларига тақдим этиш учун олим ҳам шижоатли, ҳам саркаш бўлмоғи лозим. Ахир, уларни аудиторияга йиғиб, “Ноэвклид геометрияда тўртала бурчаги тўғри бўлган тўртбурчак бўлмайди” ёки “Учбурчакни икки марта катталаштирсангиз, бурчаклари кичраяди” қабилдаги даъволарни илгари суришнинг ўзи бўладими?!

Ноэвклид геометрия ғоясига Лобачевскийдан аввалроқ олмон олимлари Швейкарт ва Тауринус етиб келган, аммо уларда қатъият етишмаган. Гаусс эса ҳамкасблари телбалиқда айблашидан чўчиб, тадқиқотларини эълон қилмаган.

Лобачевскийнинг ихтироларини ҳам касбдошлари “соғлом мантиқ”қа таяниб рад этган, ҳатто бир неча мўътабар профессор мазах қилишгача борган. Шунга қарамай, у ғайриоддий геометрияга доир изланишларини сабот-ла давом эттирган. Ўйлашимизча, бу унинг “майда безори”ликка тортиб кетадиган исёнкор феъли сабаблидир. Айтишларича, у талабалиқ даврида

- буқа миниб олиб, университет ҳовлисини айланиб чиққан;
- қўлбола ракета отгани учун ертўлага қамалган;
- маъмурларнинг тақиқига қарамай қарнавалларда қатнашган;
- ректоратга қарши митинглар уюштирган;
- тез-тез муштлашув чиқариб турган.

Умуман, олим ўнлаб марта жазою жаримага тортилган. Дорилфунундан ҳайдалишига ҳам бир баҳя қолган, Мартин Бартельс деган профессорнинг орага тушиб кафилликка олиши туфайли ўқишни битиришга муваффақ бўлган.

Буни қарангки, кейинчалик Лобачевский ўзи ўқиган университетда йигирма йилдан зиёд ректорлик қилади.



Чарлз Дожсон (1832 – 98) деган математика профессорини замондошлари ҳам, кейинги авлод ҳам деярли билмайди. Ҳолбуки, у бир неча рисола ёзган эди. У кўпроқ “Алиса мўъжизалар мамлакатада” ва “Алиса кўзгуорти мамлакатада” деган эртақ китоблари билан машҳур. Олим уларни Люис Кэрролл тахаллуси остида чоп этган. Айтишларича, Англиянинг ёш қироличасига Алисанинг саргузаштлари ҳақидаги китоблар жуда ёқиб қолади ва у муаллифнинг ҳамма китобларини топиб келтиришни буюради. Бироқ Кэрролнинг бошқа китоблари математикага оид бўлиб чиқади. Эҳ, қиролича, қиролича! Дожсоннинг рисолаларини ўқийвермайсизми, сиздан яхшигина математик чиқармиди...



Буюк математик **Давид Ҳилберт** (1862 – 1943) Эвклид бошлаган ишни охирига етказган. У 1900 йилда ўтказилган Иккинчи халқаро математика конгрессида 23 та муаммони санаб, “XIX аср уларни ечишни XX асрга васият қилиб қолдиради”, деган эди. XX аср давомида ўша муаммоларни ечиш йўлидаги уринишлар математика тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Уларнинг кўпи

тўлиқ, баъзилари қисман ҳал этилди. Ҳал этилмаганлардан бири – Риман фарази Клей институтининг (Канада) ҳар бири миллион долларлик муаммолар рўйхатига киритилган.

Гёттинген университетидаги Ҳилберт узоқ йиллар давомида раҳбарлик қилган илмий семинар жаҳон математикасининг норасмий маркази бўлиб турди. Германияда ҳокимият тепасига фашистлар келгач, тўққиз юз нафар машҳур олмон олими Ҳилбертни дастаклаб очик хат ёзади. Ҳилберт уни имзолашдан бош тартади.

Иқтидорли шогирдларидан бири Эмми Нётернинг номзоди университет илмий кенгаши таркибига тавсия этилади. Аммо кенгаш аъзолари “Кенгашда аёл кишига нима бор?” дея рад қилишади. Шунда Ҳилберт “Нима, университет кенгаши ҳаммомми?” дея уларни мот қилган экан.



Норберт Винер (1894 – 1964) – “кибернетиканинг отаси”. Асли, эҳтимолликлар назарияси билан шуғулланган. Ўта парижонхотир Винернинг оиласи бошқа жойга кўчади. Янги уйдан ишга жўнаётганида рафиқаси манзилни қоғозга ёзиб, “Чўнтагингизга солиб олинг”, дея эрига тутқазди. Институтда тушликка чиққан Винернинг хаёлига қандайдир ғоя келади. У чўнтагини ковлайди-да, ўша қоғозни чиқариб формулалар ёзишга тушади. Аммо ғоя бесамар экани маълум бўлиб, у қоғозни ғижимлаб ахлат қутисига ташлайди.

Иш куни ниҳоясига етгач, таксичига эски уйи манзилни айтади. Қулф урилган эшикни кўриб, бу ердан кўчиб кетишганини эслайди. Боши қотиб ташқарига чиққанда,

бироз нарида ўйнаб ўтирган қизга кўзи тушади:

– Қизалоқ, мени танисанг керак, профессор Винер бўламан. Кеча бу ердан кўчиб кетган эдик, мабодо янги уйимиз қаердалигини билмайсанми? – дейди.

Қиз хўрсинганча жавоб беради:

– Биламан, дада! Онам янги манзили-мизни унутишингизни билиб, мени олдингизга юборган эди.



Александр Есенин-Волпин (1924–2016)– математик, шоир, файласуф ва ҳуқуқ ҳимоячиси. Шоир Сергей Есенин ва шоира Надежда Волпинанинг ўғли. Отаси вафот этганида у бир ярим яшар бўлган. Москва давлат университетининг механика-математика факультетини тамомлаган. Филдс медали совриндори Пол Коэннинг “Тўпламлар назарияси ва континуум-гипотеза” китобини рус тилига таржима қилган. Унда Ҳилбертнинг машҳур муаммолар рўйхатида биринчи рақам билан берилган Кантор гипотезаси исботланган эди. Есенин-Волпин китобга юзлаб тузатишлар киритган.

Есенин-Волпинни очикдан-очик (Анна Ахматова, Пастернак ва бошқалардан фарқли ўлароқ) расмий мафкурага қарши шеърлар ёзган биринчи диссидент шоир санаш мумкин. Унинг шеърларидан намуна (муаллифнинг эркин таржимасида):

*Кетмон чопмаганман сира, ҳеч қачон,
Қўлим қавармаган, шеър ёзган фақат.
Ҳаётим – шеър айтиш ё ўқиш дoston,
Бошқа бирор ишга йўқ менда тоқат.
Тилашар ҳар тондан то саҳаргача
Доҳийнинг сўзларин янграб туришин.*

Оддий аскардан то чилангаргача

Қўймаслар одобдан сабоқ беришин:

“Билиб қўй, теппа-тенге бу юртда ҳамма

Ва озод – шундай дер доҳий Сталин, –

Шўровий кендан-кенге бу юртда ҳамма.

Бу равшан кундай”, дер доҳий Сталин.

Менга суқишаркан алвон шиорин,

Исботсиз ҳақиқат аташиб, зўрлаб,

Тарғиб қилишар: “Бу – муқаддас қонун”,

Севмогинге керак деб, тайзиқ-ла хўрлаб,

...Нима ҳам қилардим, худди табиат

Баҳор келтиргандай қишни этиб тарк.

Уфқда кўринар фақат бир мақсад:

Тасаввурга сиғмас саробдайин ЭРК!

1949 йилда Есенин-Волпин дўстларининг чақуви билан ҳибсга олинади. У Сталиннинг вафотидан кейин афв қилинади, ammo кейинчалик ҳам бир неча бор қамоқхона ва руҳий касалликлар хастахонасига ётқизилади, сургун этилади. Қамоқда ўтирган вақтида ёзган “Эркин фалсафий рисола” асарида анъанавий фалсафа мантиқий қарама-қаршиликлардан холи эмаслигини таъкидлайди. 1965 йили Есенин-Волпин Москвада “Совет Конституциясини ҳурмат қилинг!” шиори остида митинг уюштиради, бу урушдан кейинги биринчи норозилик намойиши эди. Оқибатда яна руҳий хастахонага тушади. Уни озод қилишни сўраб 99 нафар таниқли математик КПСС Марказий қўмитасига хат ёзади. Есенин-Волпин хорижга бадарға қилинади, мактубни имзолаганларга эса узоқ муддат чет эл хизмат сафарига чиқиш тақиқланади. Есенин-Волпин АҚШ университетларида профессор бўлиб ишлайди. Сахаров мукофоти билан тақдирланади. Мукофотни топшириш маросимида ёзувчи Владимир Буковский “Асли Сахаровга Есенин-Волпин мукофоти берилса тўғрироқ бўларди”, деган экан.



Александр Гротендик (1928 – 2014) – яна бир қолипларга сигмас математик. Унинг Иккинчи жаҳон уруши даврида Германиядаги антифашистик ҳаракатда иштирок этган отаси Освенцим концлагерига ташланган ва ўша ерда ҳалок бўлган экан. Айтишлари-ча, ўсмир Александр Ҳитлерни ўлдирмоқчи бўлади, аммо уни ҳатто фюрернинг яқинига ҳам йўлатишмаган. Онаси болаларини олиб Францияга кўчиб кетади. Гротендик Монпелье университетига ўқишга киради. Тирикчилик учун мардикорлик қилади. Талабалик даврида у математика тараққиётига кучли таъсир кўрсатган Лебег назариясини мустақил равишда кашф этади. Бундан ҳайратланган профессорлар уни илмий тадқиқотга жалб қилишади. Гротендик математиканинг бир неча ўта абстракт соҳаларида юқори натижаларга эришган. Унинг алгебраик геометрияга оид кўпжилдли китоби рамзий маънода “Гротендик Инжили”, ўзи эса “Абстракция маъбуди” деб аталади.

Гротендик Филдс медали билан тақдирланган. Унга мукофот Москва шаҳрида ўтказилган 15-Халқаро математика конгрессида (1966) топширилиши лозим бўлган, аммо Гротендик СССРда инсон ҳуқуқларининг бузилишига норозилик билдириб, илмий машваратда қатнашишдан бош тортган. Шунингдек, у Швеция Фанлар академиясининг мукофотини ҳам рад эта-

ди. Вьетнам уруши даврида ўрмонга кўчирилган Ханой университети талабаларига маъруза ўқигани борган. Гротендик Жорж Помпиду ҳукуматининг истеъфога чиқишига сабаб бўлган “Париж баҳори” инқилоби даврида талабалар томонида бўлган. Ўзи ишлаётган Олий тадқиқотлар институти талабалар ҳаракатига қарши бўлаётганини билгач, уни ҳам тарк этади. Умрининг сўнги чорак асрида жамиятдан ажралиб дарвешона ҳаёт кечиради.



Григорий Перельман (1966 й. т.) – миллион долларлик мукофотдан воз кечган “анойи” математик. Унинг ғайриоддий қарорларини санаб ўтиш билан чекланамиз:


– Европа математика жамиятининг ёш математиклар учун мукофотини олишдан бош тортган;

– математиклар учун энг нуфузли мукофот – Филдс медалини рад этган;

– еттита “мингйиллик муаммоси”дан бирини ҳал қилгани учун Клей математика институти мукофотини олмаган;

– Россия Фанлар академиясига сайланишдан бош тортган.

Перельманнинг бу қарорлари замирида унинг математиклар ҳамжамиятидаги адолатсизликка қарши исён туйғуси яширин. У олим мукофот, унвон кетидан қувишни номақбул деб ҳисоблайди. Ҳозиргача онаси билан мўъжаз бир хонадонда яшайди.



AFSONALARGA CHULG'ANGAN AFROSIYOB

Самарқанддаги Регистон мажмуаси нафақат бу қадим кентнинг, балки бутун Турон заминининг шонли тарихидан шаҳодат беради. Турон-ислом меъморчилигининг бетакрор обидалари – Мирзо Улуғбек, Тиллақори ва Шердор мадрасалари мангу шаҳарда кечган сирли-тилсимли ҳодисалардан ҳикоялар сўйлайди. Хусусан, Шердор мадрасаси пештоқидаги тасвир (йиртқич ҳайвон ва инсон сиёқли қуёш сурати) классик ислом меъморчилиги учун нодир ҳодисадир. Қайд этиш жоизки, иморати олий XVII асрда – давлат бошқарувида ҳам, жамият зеҳниятида ҳам ислом аҳкомлари устун мавқега эга бўлган даврда бунёд этилган. Тарихий манбаларда Амир Темуր Шаҳрисабзда қурдирган Оқ-

сарой ёдгорлигига ҳам айна шу сурат тўширилгани баён қилинган; афсуски, обида бизгача бус-бутун етиб келмаган. Тасвирдаги ҳайвон шер дея талқин қилинган, аммо шаклу шамойили ҳам, танасидаги йўл-йўл чизиқлари ҳам унинг Турон йўлбарси эканини кўрсатади. Самарқанднинг энг қадимий қисми ҳозирга қадар “Афросиёб” деб аталишини инобатга олсак, йўлбарс (тўнға) ва қуёш тасвири Турон тамаддуни асосчиси Алп Эр Тўнғага (Афросиёб) бориб тақалади дея хулоса қилиш мумкин.

Афросиёб ким?

Манбаларда турли исмлар билан аталган бу зот ҳақида гарчи турфа афсоналар тўқилган бўлса-да, у тарихий шахсдир. “Та-

рих отаси” Ҳеродот, Рим солномачиси Помпей Трогдан Имом Табарий ва Фахриддин Муборакшоҳ Марварудий каби араб муаррихларигача, Беруний, Кошғарий ва Навоийдан то жадид ойдинларига қадар – ўнлаб олимлар уни тарихий шахс дея эътироф этади.

“Авесто”да Алп Эр Тўнға Франграсян деб аталган. Китобнинг оригинал матнларидан бири атоқли тилшунос Валентина Соколова томонидан бундай ўгирилган: *“Уни ўша юртнинг Хонканида туронлик Франграсян юз айғир от, минг буқа, ўн минг қўй билан улуғлаган”*. “Хонкан” сўзи “Авесто”нинг русча таржимасида Афросиёбнинг кўрғони, истехкоми дея изоҳланган бўлса, инглизча таржимада Афросиёбнинг темир деворли, юз устунли саройи дея шарҳланган.

Туркий тилдаги биринчи қомусий асар муаллифи Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”ида келтирилган маълумотлар ҳам қимматлидир: “Хан – туркларнинг энг катта бошлиқлари. Афросиёбнинг болалари ҳам хан деб юритилади. Афросиёб хоқондир... Бутун Мовароуннахр, Ўанканддан Шарққача бўлган ўлкаларни турк шаҳарларидан деб ҳисоблашнинг асоси шуки, Самарқанд, Тошканд, Ўзканд, Тунканд номларининг ҳаммаси туркчадир. Канд туркча шаҳар демақдир. Улар бу шаҳарларни курдилар ва шундай атадилар”.

Демак, “Авесто”даги “Хонкан”ни Хонканд, яъни пойтахт дея талқин қилса бўлади.

Форс миллиятчилиги билан дунёга танилган Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома” асарида Афросиёбнинг миллати турк, давлати Турон эканини бир неча ўринда такрорлаган. Фирдавсий замонида ёки унга яқин даврда яратилган туркий манбаларда

Афросиёб ва Алп Эр Тўнғанинг битта шахс экани қайд этилган. Хусусан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги мисралар замонавий тилимизга қуйидагича таъдил қилинган: “Турк беклари орасида оти белгилик / Тўнға Алп Эр эди қути белгилик. / Билими буюк, ҳунарлари талай, / Билимли, заковатли, халқ ичра сараси. / Тожиклар уни Афросиёб деб атайдилар, / Бу Афросиёб элларни ўз тасарруфига олиб тутди”.

Кошғарий Алп Эр Тўнға исмининг маъносига ҳам тўхталиб ўтган: “Тўнға (тоға) – йўлбарс (жинсидан бўлган ҳайвон). У филнинг кушандасидир. Бу сўзнинг асосий маъноси шудир. Лекин бу сўз туркларда маъноси ўзгарган ҳолда қўлланади. Бу сўз кўпинча одамларга лақаб ўрнида ишлатилади. Чунончи, тўнғохон, тўнға тегин ва шу кабилар. Туркларнинг улуғ хони Афросиёбни Тўнға алп эр деб атар эдилар. Йўлбарс каби кучли баҳодир одам демақдир”.

XII аср тарихчиси Фахриддин Муборакшоҳ Марварудий уни туркларнинг қудрат ва ҳикмат соҳиби бўлган ҳукмдори деб таърифлайди.

Афросиёбнинг дунё тарихнавислигида салбий бўёқда тасвирланиши сабабини зардуштийларнинг “Авесто”си ва Фирдавсий “Шоҳнома”сидан қидирмоқ керак. Ҳар икки асарда ҳам муаллифлар Афросиёбни қоралашга уринган бўлса-да, пировардида у жасур жангчи, уддабурон саркарда ва



буюк давлат арбоби ўлароқ тан олинган. “Шоҳнома”нинг жасоратда тенгсиз қаҳрамони, шубҳасиз, Рустамдир. Фирдавсий уни филтан дея улуғлайди. Афросиёбнинг унвони эса Тўнғадир. Кошғарий таъкидича, тўнға – филнинг кушандаси бўлган йўлбарс. Алҳол, Туронзаминда Рустамга Афросиёб бас келади. Эронлик лашкарларга кўп таҳлика солади, улар устидан зафарлар кучади. Рустамнинг Афросиёб ҳақидаги икромига қулоқ тутинг-а: *(мазмун)* “Шунда Рустам деди: Эй полвонлар, / Сиз мендан ғазабланмангиз. / Ўзингизни эҳтиёт қилинг, / Турк жасур ва ғолиб эрур. / Темир тоғ ҳам дарёдек оқар, / Афросиёб номин эшитса”.

Улуғ муаррих Имом Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарий “Тарих ар-русул вал-мулк” асарида бундай ёзади: “Яна Фрасияб бин Фашанж (Фашакни Фашанж бин Зъашамин ҳам дейилади) бин Рустам бин Турк (турклар ундан келиб чиққан) бин Шаҳрасб бин Туж бин Афридун подшоҳ. Туж ва Салмни ўлдирганидан олтимиш йил ўтиб Манушиҳр билан жанг қилди ва Табаристонда уни қамал қилди”.

Шарқу Ғарбда бирдай эътибор ва эътироф қозонган қомусий аллома Абу Райҳон Беруний ҳам “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”ида ҳукмдор шажарасига чизги беради: “Афросиёб ибн Бушанж ибн Ийнат ибн Ришман ибн Турк ибн Забанасб ибн Аршасп ибн Туж. Исми Туж – турк, лақаби Афросиёб. Ироқни босиб олган. (Ҳукмронлиги) ўн икки йил давом этган”. Бу ўринда “тўнға” араб тилидаги талаффузда “туж”га айланганини тахмин қилиш мумкин.

Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам”идаги битик ҳам шунга ҳамоҳанг: “Афросиёб. Они баъзилар дебдурларким, Пушанг бинни Тур бинни Фаридун ўғлидур.

Чун Навдарни ўлдурди, Эрон мулкини андоқ буздики, оз ерда маъмурлуқ қолди... Афросиёб подшоҳлиги ўн икки йил эрди”.

XX асрнинг бошларида олти тилда луғат яратган жадид маърифатпарвари Исҳоқхон тўра Ибрат “Тарихи Фарғона” асарида “Бўқухон Афросиёбнинг мўғулча исмидир. Афросиёб лақаби “фарран осие” деган сўздур”, деб ёзади.

Афросиёбнинг миллий тарихимиздаги роли бугунгача тамоман нутилиб кетмаган, албатта. Хусусан, тарихчи олим Қаҳрамон Ражабов “Алп Эр Тўнға – Турон хоқони” мақоласида илмий манбалар асосида Афросиёбнинг тарихий шахс эканини асослаган (*“Шарқ юлдузи” журнали, 2013 йил, 4-сон*).

Франграсян, Тўнға Алп Эр (ёки Алп Эр Тўнға), Бўқухон, Дуқухон, Танай, Афросиёб, Фрасяб, Фрасят... Таъриф-тавсифларни қиёслаган ҳолда, турли халқлар тилида турфа шаклда янграган бу исмларнинг бари бир шахсга тегишли эканига амин бўламиз. Дарвоқе, манбаларда наинки Афросиёбнинг ўзи, балки оиласи, қавму қариндоши ва аъёнларининг исмлари ҳам келтириладики, бу қудратли ҳукмдорни “афсонавий шахс”га айлантирмоққа уришиларни йўққа чиқаради.

Темир тоғ ҳам дарёдек оқар...

Қадимги Турон давлатчилигининг атоқли намояндаси Афросиёб милоддан аввалги VIII асрда ёки ундан олдинроқ яшаб ўтган. Унинг салтанати чегаралари ўзгариб турган: узоқ йиллик урушларда гоҳ кенгайган, гоҳ торайган. Хитой ва Эрон ўртасидаги улкан ҳудудлар – Марказий Осие минтақаси ва унинг шимолидаги бепоён даштлар Афросиёб қаламравида бўлган. Салтанат сарҳадлари Зобулистон ва Синд денгизи

ҳамда Кавказнинг шимоли ва жанубига қадар, Рум ўлкаларидан Чингача чўзилган. Афросиёб муайян вақтда Эрон ва Ироқда ҳам ҳукмфармолик қилган.

Афросиёбнинг Эронни эгаллаши ҳақида сўз борганда кўпчиликнинг хаёлига Аҳамонийлар давлати келади. Аммо бирор тарихий манбада Афросиёб Аҳамоний шоҳлари билан жанг қилгани қайд этилмаган. Бинобарин, ушбу сулолага қадар Эроннинг ғарби ва Ироқнинг шимолида Мидия давлати ҳукм сурган.

Бу борада Беруний хийла батафсил маълумот беради: “Афросиёб Эроншаҳрни босиб олиб, Табаристонда Манучеҳрни қамал қилгач, Манучеҳр ундан бир илтимос қилди. Афросиёб унинг илтимосини қабул этди ва Эроншаҳрдан бир ўқ отими квадрат жойни ўзига қайтарадиган бўлди. Айтилишича, (ўқ) отилган жойдан то бориб тушган жойигача минг фарсах экан. (Манучеҳр ва Афросиёб) шу (ўқ) отимига келишишди. Бу шу (тирмоҳнинг ўн учинчи) куни бўлган эди. Халқ шу кунни ҳайит қилиб олди. Манучеҳр ва Эроншаҳр аҳолисига шу қамал (вақтида) (шундай) қаттиқчилик бўлдики, улар бугдой янчиб, нон қилишга қодир бўлмадилар, чунки унинг етилиш муддати ҳали узоқ эди. Шу кундан (бошлаб) бугдой ва ҳўл меваларни қайнатиш одат бўлиб қолди. Рўзи тирда ошхона асбоблари (синдирилиб) ва ўчоқлар бузиб ташланади, чунки шу куни Афросиёбдан қутулган ва ҳар ким ўз ишига кетган”.

Шундай қилиб, эронликлар Турон хоқонининг марҳамати туфайли озодликка эришган кунини миллий байрам сифатида нишонлайдиган бўлган. Бу анъана кейинги асрларда ҳам давом этган.

Навийнинг “Тарихи мулуки Ажам”и Берунийдан олган маълумотларимизни тўл-

диришга хизмат қилади: “Гиршосб чоғида Афросиёб яна черик тортиб, Эронга келиб, Гиршосб била масоф тузиб, разм қилди. Афросиёб урушида Гиршосб фавт бўлди... Афросиёб андин ҳам азимат қилиб, Ироқи Ажам сори мутаважжиҳ бўлди”.

Ҳам ислом оламида, ҳам Ғарбда эътироф этилган “Тарихи Табарий” китобида уруш келтирган вайронгарчиликларга эътибор қаратилган: “Фросиёбнинг Бобилни забт этиши Манушиҳр вафот этганидан бошлаб ўн икки йил давом этди... Форслар бу (озодлик) кунни байрам сифатида қабул қилганлар, чунки Фросиёбнинг босқини улардан олиб ташланган. Улар бу байрамни Наврўз ва Михржондан кейин учинчи байрам қилдилар. У (Зов) Фросиёб Хунарат ва Бобилда хароб қилган нарсаларни қайта тиклашни ва бу ернинг вайрон бўлган қалъаларини тиклашни буюрди”. Бу – Рустамнинг “Темир тоғ ҳам дарёдек оқар, Афросиёб номин эшитса”, деган баҳосининг тарихий манбадаги тасдиғидир.

Ушбу ҳодисалар антик давр манбаларида ҳам қаламга олинган, лекин уларда Афросиёб номи зикр этилмайди. Бу қаҳрамонликларни Осиё даштларининг кўп асрлик эгалари – скифлар амалга оширгани баён қилинган.

Ҳеродотнинг қуйидаги битиклари қадимги туркийларнинг қутилмаган томондан шиддат-ла турктоз усулида ҳужум қилиб, душманни янчиб ташлаш тактикасини эслатади: “Скифлар киммерийларни Европадан сиқиб чиқариб, уларни Осиёга ҳайдади, сўнгра Мидияга бостириб кирди. Метотида кўлидан Фасис дарёси ва колхлар ўлкасига қадар ўттиз кунлик енгил пиёда йўли бор. Скифлар Мидияга кирдилар, фақат бу йўлдан эмас, балки тўғри йўл

қолиб, юқоридан, Кавказ тоғларини ўнгда қолдириб, янада узоқ йўлдан бордилар. Шу ерда мидияликлар ва скифлар ўртасида жанг бўлди. Мидияликлар мағлуб бўлдилар, уларнинг қудрати синди. Скифлар бутун Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Кейин скифлар Мисрга йўналди. Миср подшоҳи Псамметих Сурия Фаластинида скифлар йўлига ҳадялар билан пешвоз чиқиб, ёлвориб босқинчиларни изига қайтишга кўндирди...”

Помпей Трог қайд этган скифлар йўлбошчисининг исми диққатга сазовор: “Осурия подшоҳи Нин ҳукмронлик ташналиги билан... биринчи бўлиб қўшниларига қарши уруш бошлади ва ҳали қаршилиқ кўрсатишга ўрганмаган халқларни Ливия чегараларигача бўйсундирди. Тўғри, бундан қадимгироқ даврларда Миср подшоҳи Везосис ва Скифия подшоҳи Танай ўтган. Буларнинг биринчиси (Везосис) юриш қилиб Понтгача (Қора денгиз), иккинчиси (Танай) Мисргача борган”. Танай исми Афросиёбга берилган Тўнға лақабига жуда яқин.

Афросиёб билан Ўғузхон бир шахсми?

Скифлар Осиё даштларининг ҳокими эди. Шу билан бирга, улар Ўрта ва Яқин Шарққа ҳам ўз ҳукмини ўтказар эди. Эронликлар уларни “сак” (шак), оссурияликлар “ишқуз”, бобилликлар “ашгуз”, эллинликлар “скуз”, римликлар “скиз” деб атаган. Скиф эса, “скиз”нинг русча транскрипциясидир. Хўш, скифларнинг туркларга, Туронга, Афросиёбга алоқаси борми?

Помпей Трогнинг ёзишича, скифлар уч маротаба Осиё устидан ҳукмронлик ўрнатишга муваффақ бўлганлар; ўзлари эса бошқалар ҳукми остига ўтмаганлар, энгил-

маганлар. Ҳеродот таъкидича, улар қуёшни ягона илоҳий куч деб ҳисоблаганлар.

Птоломейнинг харитасида, Страбоннинг “География”, Берунийнинг “Қонуни Масъудий” асарларида Афросиёб ҳукм сурган, турклар ва скифлар яшаган жойлар битта ҳудудни ўз ичига олгани қайд этилган.

Қадимги арман тилида ёзилган, география ва картографияга оид “Ашхарауиц” (VII аср) асари ҳам ушбу нуқтаи назарни дастаклайди: “Скифия, яъни Апахтарк бу – турклар ерининг ўзидир. Этил (*Волга*) дарёсидан бошланади, Эмавон (*Олтой*) тоғларига қадар чўзилади, улардан кейин ченлар (*Хитой*) мамлакатигача давом этади. Эмавон тоғлари барча тоғлардан баланд ва узундир. Скифияда қирқ тўрт халқ яшайди: сўғдлар, тохарлар, эфталийлар ва бошқа варварча номли халқлар. Унда тоғлар, катта дарёлар, чўл текисликлари кўп, жазирама ва сувсиз вилоят бўлиб, у ерда оловли дала бор...”

Европа манбаларида ҳам скифлар ва туркларга ягона халқ сифатида қаралган. Жумладан, 568 йилда Византиядан Турк хоқони ҳузурига элчи бўлиб борган Зе-марх сафари ҳақида битилган солномада туркларнинг тили скиф тили деб аталган. Мазкур манбада “турклар деб аталадиган скифлар” деган ифода ҳам қўлланган.

1553 йили Флоренция шаҳрида Пиетро Перондини деган шахснинг Амир Темурга бағишланган асари чоп этилади. Диққатга молик жиҳати, китоб “Magni Tamerlanis Scytharum imperatoris” (“Скиф императори буюк Темур”) деб аталган эди.

Қомусий аллома Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий “Китоб сурат ал-арз” асарида “Искусия (Скифия) мамлакати бу – турклар еридир. Искусия мамлакати бу тўққиз ўғуз-

лар еридир, ўртасининг узунламаси – 148⁰, кенгламаси – 59⁰30¹”, дея масалага ойдинлик киритади.

Юқоридаги далилларни умумлаштирган ҳолда, “ашгуз”, “ишгуз”, “скуз”, “скиз” – “ўғуз” номининг турли тиллардаги талаффузи деган тўхтамга келиш мумкин. Демак, скифлар – турклардир, скифлар – ўғузлардир. Кўплаб туркий тарихчилар асарларида Эрон ва Ироқни фатҳ этиб, Мисргача борган қадимги Турон тождори сифатида Ўғузхон номи зикр қилинади. Бу эса Афросиёб ва Ўғузхон айна бир шахс деган фаразга йўл очади.

Муаззам мерос

Турон ҳудудида ҳукм сурган аксар туркий сулолалар ҳокимияти легитимлиги ва қадимийлигини ўзининг Афросиёбга алоқадорлиги орқали исботламоққа ҳаракат қилган. Жумладан, хон ва қоғон (хоқон) мартабалари тўғридан-тўғри Афросиёбга бориб тақалади.

Шаҳзода ва маликаларнинг туркийча номи ҳам алоҳида аҳамият касб этган. Қатун – Афросиёб қизларининг рутбаси. Қатун ёки хотун кейинги даврларда ҳам ҳукмдорнинг рафиқаси маъносида истифода этилган. Жумладан, VIII асрга оид Кул Тегин битиктошида қатун – хоқоннинг хотини дея зикр қилинган. Турк давлатчилигида “туркон хотун” рутбаси ҳам кенг ёйилган эди.

Тегин – асли кул дегани. Бу сўз Афросиёб фарзандларига хослаб ишлатилган. Улар оталарига ҳурмат юзасидан ўзларини камситиб, “қулингиз фалон қилди” дея тегин сўзини қўллар эди. Кейинроқ бу унвонга айланган.

Афросиёбдан бир неча аср сўнгра Туркистон жанубидаги шаҳарлар аҳамонийлар ва юнонлар томонидан босиб олиниб, зар-

душтийлик ва эллинизм таъсирига учраган бўлса-да, шимолдаги давлат тузилмалари Турон ғоясини сақлаб қолди. Скифлар ва хуннларнинг вориси бўлган Ҳазар ва Авар хоқонликлари ҳукмдорлари Афросиёб авлодлари каби хон ва хоқон деб аталган. Айниқса, Сарик денгиздан Қора денгизга қадар ёйилган Турк хоқонлиги Турон давлатчилиқ мафқурасини Евроосиё кенгликларида қайтадан ҳукмрон этган.

IX – X асрларда ислом булоғидан сув ичган янги Реннесанс Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб каби мутафаккирларни етиштирди. Улар хоқония адабий тилида ўлка халқларининг илмий, маданий мероси, сиёсий фалсафасига доир асарлар битдилар. Бу мафқуранинг ҳомийси, раҳнамоси Афросиёб авлодидан бўлган Қорахоний хоқонлари эди. Муаррих Ибн ал-Асир “Ал-комил фит-тарих” асарида улар ҳақида бундай ёзади: “Туркистон ўлкасининг Кошғар ҳамда Боласоғун, Хўтан, Тароз шаҳарлари ва Мовароуннаҳр вилоятларига чегарадош ҳудудлари турк хонлари қўлида. Улар Афросиёб авлодларидан бўлган мусулмонлардир. Уларнинг аждоди Сотуқ Қора хоқон исломни қабул қилган”.

Ҳазнавийлар сулоласи асосчилари ҳам (Алптегин, Сабуктегин) Афросиёб шаҳзодалари каби тегин унвонига эга эди. Хоразмшоҳлар давлати асосчисининг исми ҳам Ануштегин эди. Атоқли ҳукмдор ва муаррих Абулғозий Баҳодирхон “Шажараи тарокима” асарида салжуқий султонларининг шажараси ўттиз беш авлоддан кейин Афросиёбга уланишини қайд этган. Мирзо Улуғбек “Тўрт улус тарихи” асарида Шарқий Осидеги қорахитойлар давлати тахтига аввалбошда Афросиёб авлодларидан Илк исмли фақир киши чиқарилганини баён қилган.

Соҳибқирон Амир Темур 1370 йилда пароканда туркий қавмларни ягона туғ остида бирлаштирди. Ушбу қудратли салтанатнинг сарҳадлари ҳам Афросиёб эгаллаган ҳудудларга монанд эди.

Қадимдан турк эрларининг икки исми бўлган: биринчиси туғилганида, иккинчиси балоғатга етганида берилган. Соҳибқирон салтанати анъаналарини Жанубий Осиёда уч аср давом эттирган темурийзода-нинг таваллуд исми Заҳириддин Муҳаммад бўлиб, эрлик исми ўлароқ Бобур дея шарафланган. Дарвоқе, Кошғарий “Девону луғот ут-турк”да “тўнға” сўзини арабчага “ал-бабру”, яъни бобур дея таржима қилган.

Темурийлардан кейинги даврда Туркистонда ҳукм сурган сулолалар ҳам Афросиёб асос солган хонлик тизимига содиқ қолдилар. XVIII аср тарихчиси Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” асарида Аштархонийлар салтанатини Турон давлати деб атайди. 1711 йилда Усмонли султони Аҳмад III га мактуб йўллаган қозоқ хони Таукехон ўзини Афросиёб тахтига ўтирган ҳукмдор деб таништиради.

Манбаларда Турон ҳудудидаги кўплаб шаҳарлар аввалбошда Афросиёб томонидан барпо қилинган қайд этилган. Бу борада ҳам энг қимматли маълумотларни Маҳмуд Кошғарийдан оламиз.

“Кошғар Ўрдукент – хон турадиган шаҳар, марказ маъносида қўлланади. Бу шаҳарнинг ҳавоси яхши бўлгани учун Афросиёб шу ерда турар эди”. Кошғар Турк хоқонлиги, Қорахонийлар салтанати ва кейинги даврларда ҳам Турон тамаддунида муҳим роль ўйнаган.

“Қаз – Афросиёбнинг қизи. Қазвин шаҳрини шу қургандир. Бу сўзнинг асли

қаз ўйини – ғоз ўйнайдиган жой. Чунки у шу ерда турар ва ўйнар эди. Шунинг учун турклар Қазвинни турк шаҳарларидан ҳисоблаганлар. Қум шаҳри чегара ҳисобланади. Чунки “қум” туркча сўзидир... У (Афросиёб) Тахмурасдан уч юз йил кейин Марвни бино қилгандир”.

“Баъзилар бутун Мовароуннаҳрни турклар ўлкаларидан деб ҳисоблаганлар. У Йанканддан бошланади. Унинг бир оти Дизруйиндир. У сариқлигига кўра, мис шаҳри демақдир. Бухорога яқиндир”. Руийн баъзи манбаларда мис, бошқаларида бронза маъносида келади. “Диз”га эса, Кошғарий бундай изоҳ беради: “Тиз – баланд ер. Форслар шаҳарларини шу сўздан диз шаклида ўзгартиб олганлар”. Демак, “диз” туркий тилдан маъноси ўзгариб форсийга ўтган (тепалик – шаҳар) сўзидир. “Шоҳнома”да Афросиёбнинг Руиндиж (Руийндиз – Дизруйин) шаҳри ҳақида ҳикоя бор. Ўтмишда Марв Салжуқийлар салтанатининг, Йанканд Ўғуз ябғуларининг пойтахти, Қазвин ва Қум эса Сафавий туркманлари салтанатининг йирик шаҳарлари бўлган.

“Барсған – Афросиёб ўғлининг номи. Барсған шаҳрини бино қилган шудир”.

Наршахий “Тарихи Бухоро” асарида ёзишича, “Бухорони Афросиёб бино қилган деганлар. Бу ҳисор бузилиб кетиб, кўп йиллар вайронлигича қолди. Афросиёбнинг гўри Бухорода Маъбад дарвозасида раҳматли Хожа имом Абу Ҳафс Кабир тепалигига туташган катта тепалик устидадир. Ромтин (Ромитан). Бу катта куҳандизга эга ва мустаҳкам бир қишлоқ бўлиб, Бухородан қадимийроқдир. Бу қишлоқни Афросиёб бино қилган. Афросиёб ҳар вақт бу вилоятга келганида шу қишлоқдан бошқа жойда турмаган”.

Бухоро яқинидаги Варахша шаҳристонининг деворий расмларида ҳам филга ҳамла қилаётган йўлбарс тасвири бор. Алқисса, Бухоро Афросиёбнинг мероси ва хоқини ўз бағрида сақлаб келаётган шариф шаҳардир.

Исҳоқхон тўра Ибрат “Тарихи Фарғона” асарида ёзишича, водийдаги бир неча шаҳар Афросиёбга нисбат берилди: “Фарғона бир шаҳри қадим ва аҳолиси надимдурки, аввали Афросиёбдан қолгандур”. “Марғинон Афросиёбдан қолган бир эски шаҳар”. “Қариялар сўзидурки, Андижон асли Одинажондур. Одинажон Афросиёбнинг қизидурки, анга ўрда ва боғ бино қилиб эди”.

Ўрни келганда Бобур Мирзо “рубъи маскуннинг латиф шаҳри” дея таърифлаган Самарқанд тарихига ҳам тўхталиб ўтсак. Баъзи ўрта аср манбаларида Самарқандни македониялик Искандар бино қилгани ҳақидаги фараз илгари сурилган. Аммо аксар антик давр манбаларида Искандар ўлкамизга бостириб келган вақтда Самарқанд (Мароканд) шаҳри Трансоксиананинг энг йирик шаҳарларидан бири сифатида мавжуд бўлгани қайд этилган.

Аллома Алихонтўра Соғуний “Туркистон қайғуси” асарида бундай тўхтама келади: “Бироқ шаҳар четидаги кенг майдон харобаси “Афросиёб” деб аталиши ва бу яқинларда у ердан милoddан аввалги давр асарлари топилиши турк хоқони Афросиёбнинг пойтахти эканини қувватлайди. Бунга кўра, Самарқанд шаҳри жаҳонгир Искандар Македуний томонидан қурилган, деган баъзи тарихларда ёзилган сўз асоссиз бўлиб қолади”.

Мўътабар тарихий солномаларда Самарқанд туркийлар шаҳри экани бир овоздан эътироф этилган. Жумладан, Кошғарий, Бобур ва бошқа олимлар “Самарқанд”

этимологиясини туркий тилдаги семиз кент – катта, бой шаҳар деган маънога боғлаган бўлсалар, Беруний “Қонуни Масъудий”да “Самарқанд, турк тилида Самарқанд, яъни куёш шаҳри”, дея изоҳлаган. Антик давр манбаларида баён этилганидек, скифлар куёшни самовий куч сифатида улуғлагани инobatга олинса, Самарқанд қадим Туроннинг энг муҳим шаҳарларидан бири бўлганига шубҳа қолмайди.

XV асрнинг илк йилларида Амир Темур саройига ташриф буюрган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз кундалигида Соҳибқироннинг она шаҳри Кешни тасвирларкан, қизиқ бир маълумотни келтиради: “Эшик тепасидаги деворнинг ўртасида куёш нури кўламида акс эттирилган шер тасвири бор. Эшик четларига ҳам худди шундай суратлар чизилган. Бу рамзий белги Самарқанд подшосининг расмий армаси (герби) ҳисобланади. Мазкур сарой Темурбекнинг буйруғи билан қурила бошлаган деб айтилган бўлса-да, сарой қурилиши Самарқанднинг аввалги подшоси томонидан бошланган бўлса керак. Чунки юқорида кўрганимиз куёш ва шер тасвири илгариги Самарқанд подшосининг армасидир”.

Клавихо “илгариги Самарқанд подшоси” деганда кимни назарда тутганига изоҳ бермаган. Аммо Алп Эр Тўнғага қадар бундай тимсол учрамагани маълум. XVII асрда Самарқанд ҳокими Ялангтўш Баҳодир бошчилигида Регистон майдонида қурилган маҳобатли мадраса пештоқида яна ўша тасвир пайдо бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, энг қадимги даврлардаёқ Самарқанд рамзи, Турон туғросига айланган, ўғузлар (скифлар) улуғлаган куёш ва Алп Эр Тўнға тимсоли асрлар синовидан омон ўтиб, бизгача етиб келган.



Михаил ЖВАНЕЦКИЙ

TOSHOYNA – TOMOSHA OYNA

Энг зўр баҳона – ўзингизни бечора қилиб кўрсатишдир.



“Каттакон раҳмат”дан кўра, майдароқ бўлса-да доллар тузук.



Иштаҳа билан оч қолгандан, иштаҳасиз қорин тўйдирган афзал.



Пиёда доим ҳақ, албатта, тирик қолган бўлса...



Кўчани кесиб ўтаркансиз, у дунёга “ўтиб” кетмаслигингиз муҳим.



Яхши яшашни тақиқлай олмайсиз. Лекин халал беришингиз мумкин...



Бошингиздаги тепакалингиз – ўй-фикрлар “пайҳон этган майдонча”дир.



Ўз қадрингизни билишингиз камлик қилади – кимгадир керак бўлмасангиз бари бекор.



Қариндош-уруғу дўсти ёрингиз сизни йўқламай қўйдими, билинги, уларнинг иши “беш”.



Тарихда қолиш қийин, лекин нохуш “тарих” га ўралашиб қолиш ҳеч гап эмас.



Мағрур бош билан эмаклаш қанчалар мушкул!



Сенинг орзуларингга бошқалар етса, шунақаям алам қиладики!



Ўз хатоларингдан сабоқ олсанг, бегоналарнинг хатосини айтиб бирор нимали бўласан.



Устингда ўтириб йиғлагандан кўра устингдан кулақолсинлар.



Сен етти марта ўлчагунча бошқаси келиб шартга кесади-кетади.



Ҳаётда ўрнингизни топиш камлик қилади, гап уни маҳкам эгаллаб олишда.



Агар одамни сотиб олишнинг имкони бўлмаса, уни бемалол сотиб кетиш мумкин.

Афоризм, учкур иборалар дейилганда дафъатан Конфуций, Сенека, Ларош-фуко каби кўҳна донишмандлар хаёлга келади. Бу гап биз яқин ўтмишда яшаган ижодкор, каттадан-катта санъат кошоналарига минглаган томошабин йиға олган, теша тегмаган ҳазиллари билан ўша саройларни кулги-қаҳқаҳадан портлатган ҳажвчи-ёзувчи Михаил Жванецкийни (1934 – 2020) хотирлагимиз келди, азиз журналхон. Бир қарашда шунчаки одамларни кулдириш, хуш кайфият улашиш мақсадида айтилган гаплар дейсиз, лекин салгина мулоҳаза қилинса, бу мутуйибаларнинг тагида зил, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатлари ётганига амин бўласиз. Жамиятда, турмушда, одамлар ўртасида учрайдиган йирик-майда камчилигу қусурларни сўз ўйини воситасида, ўзига хос донишмандлик, журъат, енгил киноя, заҳаргина тил ва энг муҳими, зарофат ила ҳажв этади у. Жванецкийнинг фалсафаси шундай: ўлим – ҳақ, бу дунё эса бекаму кўст эмас, нима ҳам қилардик, қўлимиздан келадигани – ҳар нарсадан ҳазил-мутуйиба ясаш...

Дарвоқе, ҳажвнависнинг ҳасби ҳолига оид битикларга кўз югуртириш асноси бир маълумот эътиборимизни тортди: Иккинчи жаҳон уруши йилларида бола Михаил онаси билан бир мuddат Тошкентда яшаган экан...



Ҳар биримизнинг қонимизда бир даҳо ухлармиш. Кундан-кун
баттар донг қотиб...



Фикрлаш, нимадир ҳақида бош қотириш ўрнига бировларнинг
чангини қоқиш осонроқ.



Тошойнага қараганим сайин “маймуншунос” Дарвин ҳақмикан
деган хаёлларга бораман.



Бу дунёда яхши одамлар кам эмас, лекин кўпи нариги дунёда...



Буюкларнинг бари дунёдан кўз юмиб кетган, каминанинг ҳам то-
бим келишмайроқ турибди...



Ҳар доим ҳам душманни аҳмоқ деб, дўстни содиқ билиб хомтама
бўлманг.



Эмаклаб юришга одатланган кимса ҳар тешикка суқилиб кириб
кетаверади.



Усти-бошимга қараб қарши олишган эди, кейин совуққина қилиб
кузатиб қўйишди.



Калласига бир фикр келган эди, энди зўр бериб миясини қидир-
моқда.



Дўстлар бошингга ғам-ташвиш тушганда билинади, агар уларни
ўша вақтда топаолсанг.



Омад таваккалчиларга кулиб боқармиш... Бир кун кулги заҳархан-
дага айланиши ҳам мумкин.



Буюклик васвасасига йўлиқиш учун буюк бўлиш шарт эмас,
васвасанинг ўзи етиб-ортади.



Эзгулик мудом ёвузлик устидан ғалаба қозонади, дейдилар.
Демак, кимнинг қўли баланд келса, ўша эзгулик тимсоли саналар-
кан-да...



Бесабаб кулги шундан далолатки: сиз ё телбасиз, ёки ёқимтойги-
на қиз.



Баъзи бировлар қочишга ҳам қўрқади, эл назарида эса қўрқмас
бўлиб кўринади.



Ҳаётда мутлақо ёлгон гапирмайдиган одамни учратганмисиз? Уч-
ратиб бўпсиз, чунки ҳамма ундан ўзини олиб қочади.



Илгарилари мени унутиб қўйишмаса эди, деб қўрқардим. Энди
эса эслаб қолишмаса эди, дея жоним ҳалак.



Сиз қонун-қоидаларга эмас, қонун-қоидалар сизга бўйсунса...
қанийди!



Туннель охирида ёруғлик кўриняпти, бироқ жин ургур бу тун-
нелнинг охири бормикан?..



Ишлар зўр кетяпти, лекин бизни четлабгина-да...



Одам тепароққа чиққанда нима қилгиси келади, биласизми?
Пастга қараб тупургиси!



Тоғни уриб талқон қиладиган биронтаси чиқиб қолса, дарров
унинг бўйинини узиб ташламоққа тайёрлар ҳам топилади.



Кексалик доим ҳам доноликни етаклаб келмайди. Баъзан у ёлғиз
келади.

Шоҳсанам РЎЗИМАТ қизи
таржимаси



O'RGIMCHAK INIGA XUSH KELIBSIZ!

Adabiyotshunos va tarjimon Shahnoza RAHMON mutolaa qiladi

*Менда адабиётга мойиллик йўқ. Адабиёт –
ўзимман, адабиётдан бошқа ҳеч нарса
эмасман ва бошқача бўлолмайман ҳам...*

Франц КАФКА

“О, орзу ғоят сероб, беқиёс даражада кўп, лекин биз шўрпешоналарга ким қўйибди уни...” Франц Кафка асарларини мутолаа қилар экансиз, ёзувчи оламининг кириш дарвозасида айна шу сўзлар муҳрлаб қўйилгандай таассурот уйғонади. Ўқиш жараёнида нурга интиқ, сўнг илҳақ бўласиз. Кафка романлари марказида турган К. нажот топса эди деб ўйлайсиз. Бироқ сўнгги саҳифани ёпганда бундай хаёлларга беҳуда берилганингиз аёнлашади ва ўргимчак уясида тузоққа тушиб, эрдан умиди узилган ўлжанинг ҳорғин кайфияти сизга кўчади. Бу табиий ҳол, чунки Кафканинг қидирувлари моҳиятида топиш эмас, йўқотиш ётади. Адиб фикрича, *“Бизнинг дунё – худонинг бўлмағур истагини деб омадсиз бир кунда яратилган макон...”* Унингча, кишилик жамияти бошқарувидаги адолат тизгини Фемида эмас, овчи Артемида кўлига ўтган. Шундай экан, Кафка ижодида қафаслар қуш излашига таажжубланмаса ҳам бўлади. Ёзувчи асарлари-

дан ечим топиш иложсиз. Улар китобхонни сўнгсиз саволлар гирдобига фарқ қилади. Бу жараён осон бошланади, лекин тўхтатиш имконсиз. Чунки Кафка – тафаккур тўлғоқларини санъатга айлантирган адиб. Унинг сирли оламига элтувчи йўл бор, албатта. У қасрга олиб борувчи йўл каби оддий, одатийга ўхшаса-да, машаққатли, махфий ва мураккабдир. Назаримда, “Америка”, “Қалъа” ва “Жараён” романлари – ана шу лабиринтга кириш йўлини кўрсатувчи харита. Ҳар бирига моҳиятидан келиб чиқиб муносиб ном бердик: “Қувғин”, “Бегона” ва “Маҳкум”.


ҚУВҒИН

Кафка шундай моҳир рассомки, асар яратаётиб унга мафтун бўлганидан ичига қандай шўнғиганини билмайди. Мутолаа жараёнида адиб ўз тасаввуридаги “Америка” суратига сингиб, матнга айланади. Уни инсон онгига кириб, идрокни бошқариш устида илк тажрибаларни ўтказишга уринаётган руҳшуносга ҳам қиёслаш мумкин. Кафка ўн олти яшар Карл Росманнинг бегона юртдаги тақдирига оид тасвирлар билан ўқувчини тасаввурнинг энг абсурд пучмоқларига етаклайди.

Фарб адабиётшунослари фикрича, роман – ғайриоддий саёҳат (агар буни саёҳат деб аташ мумкин бўлса), Кафканинг ўзига хос “Одиссея”сидир. Бироқ моҳиятга чуқурроқ назар ташланса, у қаҳрамонлик дostonларию саёҳатномалардан анча йироқ экани ойдинлашади. Чунки Карл Росман нафақат миграцион ўзгаришни, балки маънавий ва руҳий улғайиш жараёнларини бошдан кечиради.

Росман оиласининг ўттиз беш ёшли оқсочи кутилмаганда ҳомиладор бўлиб қолади. Карлнинг бегона юртдаги тақдирдан кўра, оила шаънини устун қўйган ота бу “оғир гуноҳ” учун осий ўғилни Америкадаги укаси сенатор Эдвард Якоб олдига юборишга қарор қилади. Шундай экан, Карл бу хавфли саёҳатга ўзининг саркаш истаги туфайли отлангани йўқ. Аксинча, маккор аёл тузоғида фарзандининг болалик дунёси тажовузга учраганию ўша жирканч лаҳзаларда нималар бўлаётганига ақли етмай, руҳий дунёси бундан қанчалар шикаст еганини тасаввур қилишга қодир бўлмаган дарғазаб ота томонидан қувғин этилди. Бу Одам Атонинг жаннатдан қувилишини ёдга солади. Демак, кўплар тасаввурида “имкониятлар юрти, чин демократик давлат, ҳуррият адолат ҳукмрон мамлакат” – Америка ушбу асарда гуноҳга ботган Ер тимсолидир.

Кафка Инжилга тез-тез мурожаат қилади, ундаги қисса ва ривоятларга таянади, ҳатто кундаликларида “Нега исён кўтарасиз? Агар ҳикоятларга амал қилганингизда, ўзингиз ҳам ҳикоятга айланардингиз ва шу орқали ҳурриятга эришардингиз”, деб ёзади. Таслимият орқали ҳурриятга етиш ғояси – тасаввуфий қарашларга ҳам муштарак келади. Романда Карл “Нега мен? Нега бундай бўлди?” дея тинимсиз хотираларини тафтиш қилаверади, хаёлида қисмати билан олишади, лекин ҳар сафар унга енгиледи. Мана шу курашлар орқали исён одамзодни фожиаларга гирифтор этиши – романда ил-



гари сурилган ғоядир. Акс ҳолда Америка тасвирлари ўқувчи қалбига бу қадар қўрқув солмаган ва уни рутубатга ботирмаган бўлар эди.

Кема соҳилга яқинлашаркан, осмонни қоплаган қуюқ қоп-қора булутлар орасидан баҳайбат ҳайкал кўриниш беради. Озодлик ҳайкалининг ҳавода муаллақ турган кўлида – машъала эмас, қилич. Бу – романдаги ҳақиқату мантиққа бўйсунмас энг ажабтовур деталлардан бири десак янглишмай-миз. Американинг ғайритабиий равишдаги бадқовоқ қиёфаси Карлга ҳеч жаннатни ваъда қилмасди. Йигитча бошидан кечирган воқеалар худди тушга ўхшаб кетади – воқелик ва хаёлот чегаралари йўқола боради. Амаки ҳам, дафъатан, ўн олти яшар йигитга “энагалик” қилишдан бош тортади. Инглизчани тузук-қуруқ ўрганмаган жиянига Америкадай улкан давлатда тўрт томони қибла эканини кўрсатиб қўяди. Шундан сўнг муҳожирликдаги уқубатлар бошланади, манфаатпараст, шафқатсиз, шайтонсифат одамлар билан танишувлар рўй беради. Бу нафақат сон-саноксиз саволлар туғдиради, балки ҳақиқату ҳаловат топиш йўлининг нақадар мураккаб эканини ҳам акс эттиради.

Асар моҳияти зўр бўлгани билан унда ойдинлашмай қолган жумбоқлар бисёр. Масалан, Карлдай ёш йигитни амакисидан сўроқсиз, шаҳар ташқарисидаги уйига олиб боришдан Полландер қандай мақсадни кўзлаган эди? Эҳтимол, сенаторнинг ўзи жиянидан қутулиш учун буни атай уюштирган-дир? Карлнинг онаси ҳам романда очилмай қолган муҳим персонажлардан бири. Вояга етмаган боласини олис юртларга жўнатади-ю, она бўлиб наҳот изтироб чекмайди? Боланинг онасига муносабати ҳам аниқ эмас, у асарнинг атиги икки жойида қисқа жумла билан эслаб ўтилган, холос. Қолаверса, фақат онаси эмас, балки бутун оиланинг Карл учун қайғургани ё куюнганига оид бирорта тасвир учрамайди.

Қаҳрамон ҳаётига кучли таъсир ўтказган икки қаллоб – ирландиялик Робинсон ва Деламарш уни қулликда яшашга мажбурлайди. Бола кучли тазйиқ остида бир қанча муддат Брунельда исмли бой хоним кўлида малайлик қилади. У золимлар кўлидан қочишга кўп уринади, лекин чиранишлари ўргимчак тўрига тушган ўлжанинг халос бўлишга уринишларидай бесамар кетади. Оқибатда икки гумашта Карлни аёвсиз калтаклаб, совуқ кунда балконда қолдиради. Шунда у Брунельданинг кўшниси – талаба йигит билан танишиб қолади. Борар ери бўлмаса, қулай фурсат келгунча қулликда яшаш афзалроқ эканини талаба унга тушунтиради: “*Баъзан кишанда бўлиш эркинликдан хавфсизроқдир...*” дейди. Карл кўшнининг маслаҳатига амал қилади. У кўп ҳолларда мустақил бир қарорга келолмайди, бунга ёшлик ҳам қилади. Бола бўлгани учун ташқи таъсирларга берилиб, оқибатларга мослашади. Романнинг айнан шу жойида яна бир ойдинлашмай қолган ҳолат кўзга ташланади: Карл қулликдан қандай озод бўлди? Оклахома театри эълони қаршисида қаердан пайдо бўлиб қолди? Буниси ҳам мавҳум...

Ёзувчи иккинчи бобни “Бедарак” (ғойиб бўлган одам) деб номлаган. Театр юзлаб одамни ишга олади, улар қаторида Карлни ҳам. Шунда китобхонда йигитнинг Америка жамиятида ўрин топиб, яшаб кетишига бир

илинж уйғонади, бироқ ўғрайган тоғлар оша Оклахомага йўл олган поезд ногоҳ ғойиб бўлади. Унда ишга олиб кетилаётган минглаб одамлар ҳам, Карл ҳам... Бу йўловчилар ростдан ҳам театрга ишга қабул қилинганмиди ўзи? Ё бу бир тузоқмиди? Уларни Оклахоманинг зулмат конларида қулдай ишлатгани алдаб олиб кетишганмикан ё бўлмаса? Карл тирикми ё ўлган? Бундай оғриқли саволларга жавоб фақат адибнинг ўзи ва Яратганга аён... Афсуски, Кафка кундаликларида ҳам “Америка” хотимасига доир ҳеч қандай изоҳ қолдирмаган.

БЕГОНА

“Америка”да ғойиб бўлган Карл дафъатан “Қалъа”да ер ўлчовчи К. қиёфасида қишлоқ меҳмонхонасига кириб келгандай туюлади. Карлдан фарқли ўлароқ, К. ёлғон гапиришни эплай оларди. Қалъадан рухсатнома бўлмаса, бегоналарга қишлоқда тунаб қолишга ижозат берилмас эди. Қаҳратоннинг зулмат тунида, зим-зиё қоронғилик ичра К.нинг кўзи улкан қалъани илғамаган эди. Шунга қарамай, у ўйлаб ўтирмай ўзини Қалъа томонидан расман тайинланган ер ўлчовчи дея таништиради. Одамлар унинг ёлғон сўзлаётганини билади, бироқ ҳеч ким ўзига сездирмайди. Қишлоқда К. бегоналигини ҳар лаҳзада, ҳар даврада ҳис қилиб туради. Унинг бу ғайритабиий жамиятга сингиб кетиши ниҳоятда мушкул кечади. “...сиз на қалъадансиз, на қишлоқдан. Сиз ҳеч нарсасиз. Афсуски, кимдирсиз-у, бир ёт киши, ҳамма жойда ортиқча, ҳаммага халал берасиз, сиз сабаб ҳамманинг тинчи йўқолган... ниятингиз эса бизга қоронғи...” дейишади унга тап тортмай. Файласуф Михаил Бахтинга кўра, кишилиқ жамиятининг шундай ёзилмаган қонунлари борки, улар ҳар жойда, ҳар даврда бир хилда ишлайди. Масалан, ўзиникига меҳр кўрсатилса, ўзгага ёвқараш қилинади. Бу ҳар бир жамият одамлари ҳаётида савқи табиийдек рўй беради.

Макс Брод К.ни қишлоққа махсус миссия билан келган деб ҳисоблайди. Роман охирига қадар кимлиги, бу гадейтопмас қишлоққа не мақсадда келгани ойдинлашмайди. Томас Манн эса К.нинг ҳаракатларидан ҳеч қандай махфий миссия топмайди. У қаҳрамоннинг қишлоқда муқим жойлашишга қайсарларча уриниши бахт топиш истагидан бошқа нарса эмас деб ишонади. К. ёлғизликдан қутулиб, жамиятга қўшилишни ва ўша кичкина жойда обрўли шахс бўлиб қолишни истайди, холос. Бироқ К. қишлоқ оламига синггани сари қонунларининг абсурдлиги янада аниқроқ намоён бўлади. Бу шундай дунё эдики, унда ҳеч қачон ҳеч нарсага эришиб бўлмасди. Қишлоқ жамиятини ботқоққа қиёслаш мумкин, одам ундан чиқишга қанча кўп уринса, шунча чуқурроқ ботади. Бу жамият шахсни мантиқсиз қонунлари билан ҳисоблашишга мажбур этади ва охир-оқибат йўқ қилади.

Маълумки, Кафка романларида макон муҳим роль ўйнайди. Ғайритабиий қонунлар устувор бўлган бу қишлоқ Содом ва Гоморрага ўхшайди. Тажовузқору золим ҳокимият у ерда ўз “ахлоқий меъёрлари”ни жорий қилган. Масалан, романнинг муҳим бобларидан бири “Амалиянинг жазоси”да қалъа ўрнат-



ган бошқарув тизимининг абсурд илдиэлари кўринади. Бу чириган хаста жамиятда фахш меъёр даражасига олиб чиқилган. Амалияни жазолаган қалъа эмас, балки қишлоқ одамлари эди. Бўйи етган, кўзга яқин дилбар қизлар – оиланинг истиқболи. Қишлоқ одамлари қизига қасрдан бирон бир амалдорнинг ишқи тушиб, ўзига маъшуқа қилиб олишидан умидвор бўлиб яшайди. Бу ҳамма оиланинг орзуси. Шундагина оиланинг елкасига офтоб тегади, ака-укаси юқори лавозимларга ишга олинади. Ўша оиланинг моддий аҳволи ўнгланади. Не тонги, қишлоқдаги ҳамма ўша оилага ҳавас қилади. Мабодо амалдор қиздан зерикиб ташлаб кетса ҳам унинг совчилари сочидан кўп бўлади. Бундай “куёвтўра”нинг ошиғи олчи, у ҳам улуг мартабаларга муносиб кўрилади ва амалдор ўша қизга каттагина сеп ҳадя қилади. Омади келса, ёш оилага қишлоқдан алоҳида мулк ҳам насиб этиши мумкин. Шунинг учун бундай “куёвтўралар” амалдорларнинг собиқ маъшуқасига уйлангани билан қишлоқда бошини баланд тутиб, керилиб юради.

Амалия эса бундай бахтдан негадир сархуш бўлмай, амалдорни рад этади. Ўша кундан бошлаб қишлоқда бу оилага нисбатан нафрат ва ғазаб кучаяди. Амалиянинг отаси ишидан айрилади, мавқеини қайта тиклашга уриниши самарасиз кетади. Мавҳумлигу ночорликдан эс-ҳушини йўқота-ёзган чол не сабаб ишдан бўшатиганини билиш учун қалъага интилади. Ишга қайтиш илинжида унга-бунга рангини сарғайтириб юради, баъзан йўлда кунларини тунга улайди. Амалиянинг укаси – хат ташувчи Варнава ҳам одамларнинг беписандлигию тазйиқлардан ғоят толиқади. У қишлоқ жамиятида оиласининг обрўсини тиклаш мақсадида ўзини ўққа-чўққа уради.

Амалиянинг ўзига келсак, қизнинг ёши ўтиб борарди. Қишлоқда бирор-та мард йўқки, юрак ютиб унга уйланишни истаса. Одамлар ўзи яратган мантиқсиз қонунлардан ўзи азият чекади, айтиш жоизки, улар абсурдликда Содому Гоморрада ўрнатилган қонунлардан қолишмайди. Шундай экан, Камю ҳам, Манн ҳам К. борасида ҳақ гапни айтган эди, яъни унинг қишлоққа келишдан ўзига хос миссияси бўлган, шу билан бирга бу жамиятда бахтини топиб, обрўли инсонга айланишни кўзлаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бироқ у – ҳурфикрли шахс. Бундайлар қишлоқ жамияти учун хавфли. Шу хислати К.нинг ниятига етишига тўсқинлик қилади. Қишлоқ одамлари бу устунликни кўнгилдан туйсалар-да, жон-жаҳд билан уни камситишга уринарди.

Афсуски, Кафка қаҳрамони Лут алайҳиссаломдай имони бутун, иродаси мустаҳкам шахс эмас. Мақсадига эришиш йўлида ўзи абсурд деб ҳисоблаган ҳамма қонунларга бўйсунушга тайёр, ҳатто қалъадаги кўзга кўринган мансабдорлардан бири Кламмининг собиқ маъшуқаси Фридага уйланишга шайланади.

Кафка кундаликларида К.нинг қисматига алоқадор қайдлар бор. Уларга кўра, ниҳоят К. ер ўлчовчи этиб тайинлангани ҳақида ҳужжатни етказадилар, бироқ сўнгги нафаси чиқаётганда К.га бунинг асло аҳамияти қолмайди. Афсуски, Кафкага романи тугатиш насиб қилмаган, соғлиги ёмонлашгани учун ёзишни тўхтатиб қўйган. Бродга йўллаган мактубида

бу ҳақда маълум қилган: *“Бу ҳафта юракка офтоб тегмади, қувонти-радиган бирор нима юз бергани йўқ, аксинча, ичимга чироқ ёқса ёримай турибди. Чунки “Қалъа”ни тарк этишга мажбур бўлдим. Афтидан бу сафар бутунлай...”*

Бу романда ҳам ўқувчига тушунарсиз бўлган жойлар учрайди. Масалан, унинг дастлабки икки боби биринчи шахс (“мен”) номидан ёзилган, кейинчалик “К.”га ўзгартирилган. Асар охирига қадар К. шахсиятига оидинлик киритилмайди, ваҳоланки, қишлоқ муҳити уни шахс сифатида йўқ қилишга киришган эди. “Америка”даги каби бу романда ҳам вазиятлар нафақат К. атрофида юз бераётган воқеалар туфайли ўзгаради, балки уларга персонажларнинг қарашлари ҳам таъсир кўрсатади. К.нинг ёрдамчилари билан боғлиқ синоатлар кўпроқ эртақларга хос эканини кўраимиз: бир қарасанг, улар ёш йигитга, бир қарасанг кучга тўлган эркакка айланиб қолади. Ёзувчи бу ҳолатга ортиқча изоҳ ҳам бериб ўтирмаган. Уларнинг ҳаракатлари К.га ёрдам беришга эмас, балки уни ақлдан оздиришга қаратилгандай туюлади. Муаллиф романдаги бу икки нусхага алоҳида тўхталиб ўтирмаган.

Кафка қаҳрамонидай одамлар жамиятига бегона. У руҳиятидаги улкан ёлғизлик туйғусини асарга кўчира олган. *“Кўпгина китоблар – қалъасимон инсон қалбининг номаълум хоналарига олиб кирувчи калитдир”* дейди адиб. “Қалъа”, шубҳасиз, шундай асар.

МАҲКУМ

Кафка вафотидан сўнг унинг дўсти, ёзувчи Макс Брод “Жараён”ни нашрга тайёрлаётиб бир қанча муаммога дуч келганига бироз тўхталишни лозим топдим. Биринчидан, асар Кафканинг бошқа романлари каби адоғига етмаган. Иккинчидан, унинг боблари рақамланмаган эди. Бродга кўра, романдаги ўн олти бобнинг еттитаси тугалланмаган. У ўз қарашларига таяниб, матнларни кетма-кет тўғрилаб, нашр қилишга эришган, бироқ баъзи сабабларга кўра, бир қанча бобни чиқариб ташлашни маъқул кўрган. Учинчидан, Брод баъзи бобларга қўшимчалар киритган ва романни таҳрир қилган. Бунинг учун у мутахассисларнинг аёвсиз танқидига ҳам учради. Кафканинг қўлёзмаси билан яхши таниш бўлган адабиётшунос олимлар романдаги “Йозеф К.нинг туши” муҳим боблардан бўлганини таъкидлайди, лекин у ҳам нашрга киритилмаган. Бу машҳур китобга фикр билдириб, таҳлил қилган олимлар ниҳоятда кўп.

“Жараён”га Инжилдаги Айюб алайҳиссалом қиссаси асос бўлиб хизмат қилган. Роман шаклан ўша қиссага яқин, бош қаҳрамонларнинг иккиси ҳам қандайдир гуноҳда айбланади, аммо иккови ҳам айби нима эканини билмайди. Инжилдаги ҳикоятда пайғамбар атрофида юрган дўстларидан иборат издиҳом Айюб алайҳиссаломни мантиқсиз гуноҳларда айблайди ва қоралайди. Улар даъвосича, Айюб Яратганнинг олдида қандайдир кечирилмас гуноҳ иш қилиб қўйгану шунинг учун жазо тариқасида чексиз азоблар тортаётир. Айбловлар шу қадар кескин эдики, Айюб алайҳиссалом тинимсиз шу ҳақда ўйлашга



мажбур бўлади. Бу издиҳомнинг асоссиз айбловлари Айюбнинг жамиятдан айрилиб қолишига, сўнг бегоналашувига олиб келади. Одамлар муносабати пайғамбар руҳини шафқатсиз равишда парчалайди, касали оғирлашиб, вужуди баттар оғриқдан азоб чекади. Ниҳоят, у нажот истаб Оллоҳга юзланади. Маълумки, Айюб алайҳиссалом – адабиётда сабр тимсоли. Айна шу хислати учун Парвардигор унинг дардига шифо ато этиб, ҳамма нарсасини қайтарди.

Йозеф К. ҳам номаълум жиноят учун суд қилинади, бироқ у айби нима эканини билмай тоқатсизланаверади. Кафканинг бошқа қаҳрамонлари сингари унинг ҳам имони заиф, эътиқодсиз, иродасиз, кутишга сабри чидамайди. Бу жараённинг тагига етмоқчи бўлиб, тинимсиз сабаб излайди, лекин ўз уринишлари билан аҳволини баттар оғирлаштираверади. Қонунларнинг мантиқсизлиги аёнлашгани сайин боши берк кўчага кириб қолаверади.

Роман инсон ҳаёти синовлардан иборатлигини кўрсатади. Йозеф К. ҳибсга олинганда, ҳеч ким айбини эълон қилмайди ёки ҳеч қандай жазо тайинланмайди, кунлари одатдагидай кечаверади. Буларнинг бари синов, ҳатто оддий кундалик ҳаёт синовларидир. Фақат баъзан ҳаёт (асарда суд – ҳаёт тимсоли) васваса қилиб инсонни чиғирикдан ўткази, шу билан унинг нималарга қодирлигини аниқлайди, инсонда айбдорлик, виждон туйғусини уйғотади. Бу ҳар бир одамнинг бошида бор. К. ҳаётини мавҳум суд жараёни эмас, балки ўзи чигаллаштириб юборади. Шу ҳақда тинимсиз ўйлайверганидан бу аввал бутун руҳини қамраб олади, сўнг номаълум касалликдай тирикчилигини емириб, осонгина маҳв этади. Бошга келгани ҳаммиша ҳам жазо бўлавермайди, балки одамзод пешонасига битилган синов экани ҳақида ўйламайди. Бу ё камолотга элтади, ё ҳалокатга. Иккинчисига йўлиқмаслик учун инсондан талаб қилингани – сабр! Йозеф К.га руҳонийнинг ривояти шунга ишора эди, бироқ унинг заиф эътиқоди бунга англашига йўл бермайди. Ниҳоят, у Исо алайҳиссаломдай ўттиз уч ёшида қатл қилинди. Фақат бу ўлим пайғамбарларга хос улўғвор эмас эди. Ўлими олдидан Йозеф К. юқорига қарайди ва очиқ турган деразадан ўзи томон чўзилган икки қўлни кўради, бироқ улар нажот топишга ишора бўлганда ҳам, энди қисматини ўзгартиришга Фиръавндай кеч қолганди. У бу вазиятдан чиқиб кетиши мумкин бўлса-да, унда Айюб алайҳиссаломдаги Яратганга таваккул ҳисси йўқ эди.

Фаҳмимча, Кафка бутун инсоният тарихини қамраб оладиган қандайдир муҳташам асар яратишни кўзлаган, шунинг учун романларини эълон қилишга шошмаган. Эҳтимол, шу уч асарни бирлаштириб, мукамал бир китобга айлантиришни кўнглига туккандир. Балки шундай қиларди ҳам, Парвардигор умр берганда...

Одатда романларда изчил сюжет, экспозиция, воқеалар ривож, кульминация, ечим, сабаб ва оқибат орасида боғлиқлик бўлади. Кафка романларида бундай адабий мезонлар санъат даражасига кўтарилмаган. Улардан эстетик завқ олиш қийин; эпитет, метафора ёки гўзал образлар йўқ. Услуби ҳам расмий, матнда романтик, гўзал тасвирлар етишмайди.

Бироқ образлари тирик, улар барча замон ва маконларга тегишлидай туюлаверади. Шунингдек, ёзувчи романлари учун инсоният тарихидаги энг улғувор қиссаларни асос қилиб олгани билан аҳамиятлидир. Фақат уларга ўзгача тарзда ёндашади, адиб ҳаммасида бир саволни кўндаланг қўяди: “Эътиқодсиз одам ҳақиқату адолат топиш йўлида пайғамбарлар тушган вазиятларга тушса нима қилади?” Шу тариқа қадимги ривоятларга модернистик услубда ёндашиб, қаҳрамонларининг хатоларию фожиаларини кўрсатиб беради. Карл Россманда бошланган ҳикоя “Жараён”нинг Йозеф К.сида адоғига етади. Карл маъсум, Одам Атодай пок эди. Гарчанд гуноҳқорга айланган бўлса-да, айбининг нечоғли оғир эканини тушунмайди. Жамиятнинг унга муносабати кескин ўзгарганида эса эсанкираб қолади.

Кафка кундалигида маълум қилганидай, “Қалъа”даги К.га ўлимни раво кўрган экан, демакки, асарнинг реал ҳаётда бундай яқун топмаганида қандайдир илоҳий ва улғувор моҳият бор. “Қалъа” “Жараён”дан кейин ёзилганига қарамай, К.нинг қисмати “Жараён”да ҳал бўлиб бўлган эди. Бу уч қаҳрамон мутолаа жараёнида ўқувчида битта одамдай таассурот қолдиради. Ҳаммасининг ҳаётдаги мақсадлари муштарак, характерлари ҳам деярли бир хил. Улар ўз макон ва замонларидан мантиғу ҳақиқат излайди, бироқ учовининг ҳам уринишлари мудом омадсизликка учрайверади ва мантиқсизлик билан рўпара келаверади. Атрофдагиларнинг муносабатидан азият чекади, тушкунликка тушиб, жамиятдан бегоналашади. Учовини ҳам эрксизлик туйғуси бирдай эзади. Шунга қарамай охир-оқибат тақдирга тан беришга мажбур бўладилар, лекин ҳеч бири худога ибодат қилмайди, тавба қилмайди, нажот келишига ҳам ишонмайди. Кафка қаҳрамонлари моддий дунёдан узилиб, ҳурриятга эришиш хаёлидан ўлгудай кўрқади. Шундай экан, уларнинг ёвуз душмани бу – ўзи эканига шубҳа йўқ.

Хўш, Кафка романларининг бош қаҳрамони ким? Одам. Инсоният. Афсуски, бу башар ҳеч бир замонда пайғамбарларининг кимлигини англамади. Уларга азоб берган, бироқ бундан фақат ўзи зиён кўрган, хиёнатларининг бадали сифатида муайян бир даврларда мантиқсизлик билан рўпара келди ва гоҳ Карл Россмандай номаълум макону замон ичра ғойиб бўлди; гоҳ ер ўлчовчидай ўз илдизларию қадриятларидан узоқлашиб, ўзига бегона бўлди; гоҳ Йозеф К.дай ҳалокатга юз тутди.

Кафка бу уч романда ҳурфикрли одамлар қисматига жаҳолатга юз тутган жамиятнинг шафқатсиз қонунлари қанчалар таъсир кўрсатиши мумкинлигини реал тасвирлашга эришган. У сон-саноксиз тимсоллару маконлар орқали ўргимчак индидаги қийшиқ ҳаётга кўзгу тутди. Кафка адабиётининг ўргимчак тўри – дунё тимсолидир. Инсон унинг моддиятига маҳлиё бўлса, ҳеч қачон чангалидан қутулолмайди. Бу мантиқий ғоя инсоният ўзини англаганидан буён мавжуд. Шундай экан, Кафка асарларида кўпгина ёзувчилардай ҳурфикрли жамият яратиб, утопияга берилмаган. У чиндан ҳам орзу қилмайди, орзу қилишни ҳам билмайди.

“О, орзу ғоят сероб, беқиёс даражада кўп, лекин биз шўрпешоналарга ким қўйибди уни...”





Hayot-mamot masalasi

Ҳозирги кунда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар Ватанимизнинг истиқболи, тинчлиги, ободлигига йўналтирилган. Тараққиёт ва фаровонлик йўлида интеллектуал даражаси юксак ёшларни тарбиялаш ҳам долзарб вазифалардан саналади.

XXI асрда ҳам ижтимоий-маданий шароит, маданий муҳит ёшларнинг ижтимоийлашуви жараёнида муҳим ўрин тутмоқда. Замонавий жўшқин жамиятда ёшлар ҳаракатчанлиги, ахборот олишда эркинлиги, онгининг мослашувчанлиги туфайли маданиятнинг асосий танқидчиси, яратувчиси, тарқатувчиси ва истеъмолчисига айланмоқда. Шу маънода олмон файласуфи Карл Ясперс “Ким ёшлар қалбини забт этса, келажакка эгалик қилади” (*Ясперс К., Бодрийар Ж. Власть массы. Призрак толпы. Москва, “Алгоритм”, 2008. Стр. 99*) деганида ҳақ эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ёш авлод тарбияси ҳақида бундай деган эди: “Бизни ҳаммиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала бу – ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айна вақтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуг зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан. Ҳозир ҳаммамиз бор айбни мактабга ағдаришга ўрганиб қолганмиз. Маҳалла, оила, кенг жамоатчилик-чи? “Бир болага етти маҳалла – ота-она” деган мақолнинг чин маъносини англайдиган, англаб шу асосда яшайдиган вақт келди” (*Мирзиёев Ш. “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқидан. <https://president.uz/uz/lists/view/649>*).

Дарҳақиқат, барча замонларда ёшлар маданиятини ўстириш, уларни етук инсон этиб тарбиялаш жамиятнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланган. “Жаноби Ҳақ инсонларнинг асл хилқатида истеъдод ва қобилиятни, яхши ила ёмонни, фойда ила зарарни, оқ ила қорани айирадурган қилиб яратмишдур. Лекин бу инсондаги қобилиятни камолга еткурмак тарбия ила бўладур” (*Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1992. 13-бет*), дейди Абдулла Авлоний. Маърифатпарвар адиб таълим ва тарбиянинг узвийлигини таъминлаш муҳимлигини таъкидлаб, “Дарс ила тарбия орасида бироз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-бирдан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабудур”, деб уқтиради.

Шу ўринда, қадимги жамиятларда таълим-тарбия масаласига қандай ёндашилган, деган савол туғилади. Буюк юнон файласуфи Афлотуннинг ёзишича, “Кичик жамиятларнинг ҳар бири оқсоқол раҳбарлигига бўлинган эди ва айрим-айрим яшаш тарзи остида пайдо бўлган ўзларининг хос урф-одатларига эга бўлганлар. Турлича қабила бошлиқлари ва тарбияловчилар туфайли улар худоларга ва турли ақидаларга ўргатилдилар. Диёнатлироқ тарбияловчилардан яхши тартибот ва диёнатни, мардларидан катта мардликни олдилар ва худди шу тарзда ўзлари ўзлаштирган қарашларни болалари ва набираларига сингирдилар” (*Афлотун. Қонунлар (Урфон Отажон таржимаси). Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2008. 78-бет*).

Қадим замонлардан ёшларга таълим-тарбия беришда эътиқоднинг, диннинг ўрни катта бўлган. Олмон файласуфи Иоханн Ҳердернинг таъкидлашича, “Халқларга фан ва маданиятни фақат дин олиб келган. Бу маданият ва фан дастлаб оддийгина диний анъана сифатида намоён бўлган” (*Гердер И. Идеи к философии истории человечества. Москва, Санкт-Петербург, “Центр гуманитарных инициатив”, 2013. Стр. 269*).

Бошқа бир олмон олими Вернер Йегер “Қадимги юнонча тарбия” асарида Ҳомернинг “Илиада” ва “Одиссея” дostonлари ҳақида фикр юритар экан, “Ҳомер кейинги даврлар учун юнон таълимида ҳал қилувчи из қолдирди” (Йегер В. *Пайдеёя. Воспитание античного грека. Том 1. Пер. А. И. Луибжина. Москва, 2001. Стр. 88*), дейди. Ҳомер қадимги Юнонистонда биринчи тарбиячи сифатида тарихга кирди. Юнонлар шоир Ҳесиодни эса иккинчи тарбиячи, деб билганлар. В. Йегер фикрича, “Агар Ҳомер ҳар қандай таълим-тарбиянинг манбаи инсонда аристократик идеалнинг шаклланиши экани ҳамда у қахрамон ва ҳукмрон фазилатларини онгли равишда тарбиялашдан келиб чиқишига асосий урғу берса, Ҳесиодда маданиятнинг иккинчи асосий манбаи – меҳнат қадри кенгроқ очиб берилади”. Шунингдек, Эсхил, Софокл ва Еврипиднинг трагедия, Аристофаннинг комедия жанрида ёзилган асарларида ҳам таълим-тарбия масаласи муҳим ўрин тутади. Ўша даврларда тарбия, маданият ва маърифат маскани бўлган театрға асос солинади.

Буюк юнон файласуфи Арасту ёшлар таълим-тарбиясини жамият ва давлат учун ниҳоятда муҳим деб ҳисоблайди. “Оилада яхши (солиҳ, хушхулқ, софдил, мард, меҳнатсевар, паҳлавон, олижаноб) фарзандлар кўп бўлиши давлатнинг ҳам қудратини оширади. Чунки мамлакатда яхши тарбия кўрган, руҳий, маънавий ва жисмоний

жиҳатдан ҳам гўзал, бўйдор, паҳлавон, чаққон йигитлар кўп бўлиши давлатни кучли қилади, обрўсини оширади” (*Арасту. Поэтика. Ахлоқ кабир. Риторика. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2015. 240-241-бетлар*), деб ёзади аллома. Давлат учун ҳам, оила учун ҳам фозил (фазилатли) йигит-қизлар бўлиши саодат бўлса, қизлар учун гўзал, хушқомат, маънавий жиҳатдан камтарин, меҳнатсевар, олижаноб бўлиш энг яхши фазилатлардир.

Маълумки, милoddан аввалги IV асрда Арасту Македония пойтахти Пеллага Филипп II томонидан тақлиф этилиб, ўн уч яшар Искандар Мақдунлига мураббий этиб тайинланади. Арасту Искандарни “Илиада” дostonида куйланган қахрамонликлар руҳида тарбиялайди. Кейинчалик Искандар “Мен Арастуни отамдай ҳурмат қиламан, чунки отам менга ҳаёт берди, Арасту эса ҳаёт қадриятларини ўргатди”, деган экан. Дарҳақиқат, Искандар ўз устозларидан олган таълим-тарбия туфайли инсоният тарихидаги номдор жаҳонгирлардан бирига айланади.

Хулоса қилсак, қайси жамиятда таълим-тарбия, маданият, жисмоний тарбия, илм-фан, санъат ҳамда адабиётға эътибор тенг ва юксак бўлса, ўша жамиятда том маънодаги ренессанс вужудға келади.

Нодира АБДУНАЗАРОВА,

ЎзДСМИ ўқитувчиси

Urushda g'olib bo'lmas

Дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш жаҳон илм-фани, халқаро муносабатлар тизими, маданият, адабиёт ҳамда бошқа қатор соҳаларда энг кўп муҳокама қилинадиган масалалардан бири ҳисобланади. Чунки тинчлик пойдор макондагина тараққиёт бўй кўрсатади, давлатлар ўртасидаги муносабатлар бир маромда кечади. Афсуски, тинчликка қаратилган чақириқлар, амалий ҳаракатлар кучайса-да, қуролли тўқнашувлар камаймаётир. Аксинча, тўқнашувларнинг янги-янги шакллари пайдо бўлмоқда.

Урушлар башариятнинг бир неча минг йиллик давлатчилик тарихида энг кўп содир бўлган ҳодисалардандир. Улар рақибни мавҳ этиш, куч ёрдамида енгиш, чегараларни кенгайтириш, ташқи ёки ички ғанимға қарши кураш ва бошқа турли вазлар асосида амалға оширилган. Манбаларда келтирилишича, инсоният тарихи мобайнида 14500 та уруш содир бўлган ва уларда 3,5 миллиард инсон

бевақт вафот этган. Ўттиз йиллик уруш, Юз йиллик уруш, Салиб юришлари, Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши энг йирик муҳорабалар сифатида тарихда ўчмас доғ қолдирган.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмига келиб, Иккинчи жаҳон уруши тугаши, йирик халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таъсис этилиши натижасида урушларнинг олдини олиш бўйича турли келишувларға эришилди, халқаро пактлар имзоланди. Дунё мамлакатларининг аксари демократик тараққиёт, ўзаро ҳамкорлик ғояларини илгари сура бошлади. Бироқ қуролли тўқнашувлар, ихтилофлар камайиш ўрнига сон ва кўлам жиҳатдан кенгаймоқда. Боз устига, ҳарбий ҳаракатларни турли вазлар асосида оқлаш тамойили ҳам кучайиб бораётир. Бунини уруш олиб бораётган мамлакатлар томонидан тўқнашувларнинг легитимлигини асослашға бўлган уринишларда кўриш мумкин. Ҳужум қилувчи

(агрессор) ўз ҳаракатига давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, таҳдидларни бартараф этиш каби сабабларни асос ўлароқ келтирмоқда.

Техник, технологик тараққиёт натижасида урушларнинг таъсир кўлами ҳам ортмоқда. Душманга кўпроқ зарар, талафот етказиш мақсадида замонавий қуроллардан фойдаланишга ғалабанинг бирламчи воситаси сифатида қаралмоқда. Дунё давлатлари эскидан қолган “Урушда ғолиб бўлмайди!” деган ҳикматни унутиб қўйган гўё.

Тажрибадан маълумки, бир муддат урушда иштирок этган давлат каттагина ресурсини йўқотади. Бунда, энг аввало, инсонлар қурбон қилинади, иқтисодий бойлик ва қурол-аслаҳа бой бериледи. Давлатлар йўқотишларни имкон даражасида минималлаштириш, кам маблағ сарфлаб, кўпроқ натижаларга эришиш мақсадида ғалабанинг турли йўл ва усулларини изламоқда. Бу ўринда тўқнашувларнинг “ахборот урушлари”, “гибрид урушлар” каби замонавий кўринишларини эслаш жоиз.

Гибрид уруш (инглизча *hybrid warfare*) тушунчаси асримизнинг дастлабки йилларида илмий муомалага киритилган эди. Айни вақтда унинг мазмун-моҳиятини ўрганишга бўлган қизиқиш кучайган. АҚШ мудофаа вазирлигининг назариётчиси Франк Ҳоффман гибрид уруш атамасининг пайдо бўлишига сабабчи мутахассислардан ҳисобланади. У яратган концепция асосида гибрид уруш амалиётларини ўтказиш анъанавий урушга нисбатан бирмунча самарали экани исботланди. Бу усул, асосан, агрессорнинг рақиб давлатга очикчасига бостириб кирмай, унинг ҳудудида ички беқарорлик келтириб чиқариши, жумладан, партизанлик ҳаракатини ташкиллаштириш, фуқароларни амалдаги ҳукуматга қарши гижгижлаш, миллий, диний, ирқий, синфий адоват кўзғаш каби ҳаракатларда намоён бўлади.

Гибрид урушларда анъанавий ҳарбий ҳаракатлар билан ноанъанавий усуллар уйғунлашади. Бу ахборий-руҳий таъсир, киберхужумлар, иқтисодий босим ва бошқа воситаларни ўз ичига олади.

Бу атама XXI асрда амалиётда қўллана бошлаганига қарамай, унинг турли кўринишлари илгаридан мавжуд бўлган. Қадимда ҳам рақиб мамлакатнинг ички мудофаа тизимига турли йўллар билан зиён етказиши, фитналар келтириб чиқариши оқибатида маҳаллий аҳолининг душманни қўллаб-қувватлаши, шаҳар дарвозаларини ташқи кучларга очиб бериши ҳоллари учраган.

Манбаларда ўтган асрнинг иккинчи ярмида АҚШ – Вьетнам ҳарбий можаросида собиқ Итти-

фоқ томонидан қўлланган гибрид уруш усуллари қаламга олинган. XX асрнинг 80-йилларида кечган совет – афғон урушида эса АҚШ гибрид урушнинг айрим технологияларидан фойдалангани маълум. Жумладан, афғон фуқароларини замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, уларга партизанлик ҳаракатлари олиб бориш учун молиявий кўмак бериш, совет қўшинига қарши турли ахборот хуружини вужудга келтириш каби воситалар ишга солинган.

Мавзуга оид тадқиқотларда гибрид уруш симметрик ҳарбий ҳаракатларни ассиметрик ҳаракатлар билан уйғунлаштирувчи муҳораба тури сифатида талқин этилган. Хусусан, АҚШлик олим Жон Маккуин гибрид урушни “симметрик ва ассиметрик урушлар бирикмаси” деб таърифлайди. Шундан келиб чиқилса, ҳозирги даврда кузатилаётган қуролли тўқнашувларнинг аксарини гибрид уруш деб баҳоласа бўлади.

Рақибнинг асосий кучларини чалғитиш орқали уларни жанг майдонидан узоқлаштириш, охир-оқибатда душманнинг ўз қўшинини бошқаришида турли қийинчиликлар яратиш гибрид урушнинг самарали усулларидан саналади. Гибрид урушлар “рақибни тўғридан-тўғри ҳарбий тўқнашувларсиз заифлаштириш ва мағлуб этишга қаратилган комплекс ҳаракатлар мажмуи” деб ҳам таърифланади. Бундай урушларда ахборий-руҳий операциялар, киберхужумлар, иқтисодий санкциялар, ижтимоий тармоқлар орқали босим ўтказиш, муттасил сиёсий таъйиқ каби воситалар кенг истифода этилади.

Гибрид уруш чоғи хужум нуқтасини аниқлаш ўта қийин кечади. Шу боис унга қарши кураш ҳам мураккаб масалага айланади. Бунда барча соҳа ва йўналишларда тизимли фаолият олиб бориш талаб этилади.

Жаҳондаги умумий тамойиллар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, геосиёсий рақобат кучайиб бориши шароитида яқин йилларда анъанавий қуролли можаролар ўрнини гибрид ва ахборий-мафқуравий урушлар эгаллайди. Бундан ўз вақтида англаб етган мамлакатлар ахборий-техник ва ғоявий-мафқуравий имкониятларини мустаҳкамлашни стратегик вазифа сифатида белгиллаган.

Хуллас, гибрид урушлар жамият тараққиётига жиддий таҳдид солади. Мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун уларга қарши курашнинг илғор стратегияларини ишлаб чиқиш, мунтазам равишда ривожлантириш бориш зарур.

Ҳабибулло РАЖАБОВ,
сiёсий фанлар доктори

Yangilanayotgan shaharsozlik

Шаҳарсозликнинг вазифаси фақат иқтисодий муаммоларни ҳал этишдангина иборат эмас. Барпо этилаётган шаҳарларнинг бадиий-эстетик қиёфаси аҳоли ижтимоий-маданий эҳтиёжлари, соғлом ва интеллектуал бой авлодни шакллантириш мақсадларига ҳам мувофиқ келиши шарт (қаранг: Заборова Е. *Социологический анализ городского социального пространства. Екатеринбург, 1996*; Лола А. *Основы городоведения и теория города. Москва, 2001*; Глазичев В. *Урбанистика. Москва, 2008*; *Философские и социокультурные проблемы развития города. Москва, 2021*).

Табиатан шаҳар урбанистикаси тор, чегараланган ҳудудга мослашгани сабаб у ҳар доим ҳам инсоннинг табиий-жугрофий маконга бўлган қизиқишлари, маънавий-руҳий эҳтиёжларини ҳисобга олавермайди. Ҳолбуки, шаҳар барпо этаётганда инсон кайфияти, соғлиги ва руҳиятига ижобий таъсир этувчи омиллар, яъни маданият ва санъат, мазмунли мулоқот, мусиқа, жисмоний тарбия ва спорт, табиат қўйнида бўлиш кабилар ҳам жиддий назарда тутилиши керак. Чунки цивилизация инсон осонлик билан етишадиган бойликлар мажмуаси эмас. Унга оғир меҳнат, теран изланишлар, бозор иқтисодиёти шароитида эса кескин рақобат орқали эришилади. Шундай экан, бу машаққатли ҳаётни маданий тадбирлар орқали енгиллаштириш, бироз бўлса-да, завқли қилишга эҳтиёж туғилиши табиийдир.

Ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий, маданий ривожлантириш қишлоқ ҳаётини шаҳарлаштириш билан ҳам бевосита боғлиқ. Шаҳар урбанистикасини қишлоқ ҳудудларига яқинлаштириш аграр мамлакат бўлиб келган Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ аҳолиси турмуш маданиятини юксалтириш, “Обод қишлоқ” дастури орқали қишлоқларга урбанистикани олиб кириш республикамизнинг ўзига хос миллий модели янглиғ намён бўляпти.

Ўтган ўйилликларда миллий урбанистик тажриба тўпланди. Хорижий моделлардан ибрат олинди. Бироқ у миллий заминдан узилмади.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда тадбиркорларнинг алоҳида ўрни бор. Президент Шавкат Мирзиёев ҳар бир чиқишида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати эканини таъкидлайди. Шу билан бирга, у “Янги Ўзбекистон”

маассивларини барпо этишда тадбиркорларимиз ташаббуслари, фидойилиги ва ватанпарварлигига таянишини қайд этади.

Миллий урбанистик тараққиётда Ғарб моделларига эргашиш, шаҳарсозлик ва архитектурадаги модерн услубларни ўзлаштиришга мойиллик сезилади. Масалан, янги массивларда маданий кўнгилочар марказлар, бренд-дўконлар қуриш миллий шаҳарсозликимизда янги услубдир. Тошкент шаҳридаги “Экобозор” мажмуаси бир кунда кўпсонли мижозларга хизмат кўрсатади. Бу миллий шаҳарсозликимиздаги ғарбона, постиндустриал услубдир. Аммо мазкур услуб шаҳарда транспорт-коммуникациявий, маданий хизматлар кўрсатиш, экологияга салбий таъсир этаётганини ҳам унутиб бўлмайди. “Экобозор”да ҳар куни катта миқдорда чиқинди йиғилади. Бозор олди, чорраҳа ва йўлаклар ҳамини тирбанд. Демак, урбанистиканинг ўзига хос зиддиятли томонлари ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 8 августда қабул қилинган “Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни “йўл харитаси” тарзида ҳал этишни бошлаб берди.

Мамлакатимизни модернизациялаштиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегияси (2017 – 2022) ва Тараққиёт стратегияси (2022 – 2026) “Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” дастурларини янада такомиллаштириш, ижросини янада жадаллаштириш ва янги поғонага кўтаришга ундади. Президентнинг “2022 – 2026 йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида дастур бўйича бажарилган ишлар танқидий таҳлил қилинди. Хатлов жараёнида 1071 та қишлоқ ва маҳаллада жиддий ижтимоий муаммолар борлиги, 179 та маҳалла ва қишлоқ ҳудудларида пахса ёки хом ғиштдан қурилган умумтаълим мактаблари мавжудлиги, кўплаб олис қишлоқ ва овулларда маданият масканлари йўқлиги аниқланган. 5568 та маҳалла ва қишлоқ ҳудудидида 29 минг километр тупроқ йўлга асфальт ётқизилмаган, 1540 таси марказлашган ичимлик суви билан таъминланмаган, 49 тасида жамоат транспорти қатнови, 781 тасида чиқинди йиғиш хизмати йўлга қўйилмаган.

Қишлоқ ҳудудлари қиёфаси, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация соҳаларини тубдан янгилаш, қишлоқ ҳаётини замонавийлаштириш, аҳолининг транспорт ва коммуникация хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш – долзарб масала. Бусиз ижтимоий-маданий ривожланишни тасаввур қилиш қийин. Ислом тараққиёт банки ва ОПЕК Халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида “Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш учун 2021 – 2025 йилларга 338 миллион АҚШ доллари ажратилди. Бу маблағ ўзбек қишлоқларининг эстетик қиёфасини, маданий-маиший хизматлар

ўчоқларини ва қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги алоқаларни интенсивлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбек этномаданиятининг ўзаги бўлган маҳалла институти мавқеини ошириш ва имкониятларини кенгайтириш қишлоқ ҳудудларига ҳам тааллуқли, албатта. Юртимизнинг ҳар бир ҳудудида обод ва кўркем гўшалар, мафтункор масканлар, намунавий хонадон ва кўчалар сони ортди. Шу тариқа халқимизнинг ҳаётга ишончи юксалиб, яшашга, келажакка интилиши янада кучайди.

Хафиза АБДУЛЛАЕВА,
ЎЗДСМИ доценти в.б.

Sohibqiron bitgan maktublar

Соҳибқирон Амир Темур давлатининг барча ҳудудларида кучли интизомга бўйсундирилган тезкор йўл-алоқа хизмати жорий этилган эди. Бу давлатнинг илдам тараққиётига хизмат қилган.

Ташқи сиёсат, халқаро муносабатлар ва дипломатияда мактубларнинг аҳамияти беқиёс бўлган. Биргина Миср султонлари билан дипломатик ёзишмаларни олайлик. “Амир Темур билан Султон Барқуқ ўртасидаги расмий алоқалар 1385 йилдан бошланган эди. Нисбатан қисқа муддатда – 1386 йилдан то 1405 йилгача Амир Темур ҳамда Миср Султони Барқуқ ва Фараж, шунингдек, уларнинг Суриядаги ноиблари ўртасида тахминан 25 марта мактуб ва элчилар алмашинуви бўлган” (*Хасанов А. Из истории дипломатических отношений Средней Азии с Египтом в конце XIV – начале XV вв. 1981. Стр. 126*). Масалан, 1385 йил ноябрь ойида Амир Темур махсус элчи орқали Султон Барқуққа мактуб йўллагани маълум. Элчи Қоҳирада яхши кутиб олиниб, унга муносиб жавоб қайтарилган. Афсуски, бу мактубнинг мазмуни аниқланмай қолмоқда.

Амир Темур ва усмонлилар ҳукмдори Султон Боязид ўртасидаги ёзишмалар XIV асрнинг 80-йилларида бошланган. Амир Темур Сивасдан туриб усмонлилар ҳукмдорига йўллаган иккинчи мактубида, агар Боязид сулҳга розилик берса, узрхоҳлик юзасидан бир мактуб йўллаб маълум қилишини, бу тақдирда Сивасдан ортга қайтиб кетишини айтади. Шу билан бирга, ёш жиҳатидан улуғ эканига урғу бериб, Боязиддан итоатни талаб қилади. Боязид Амир Темурга ёзган мактубларида орадаги келишмовчиликларни ту-

шунтиришга уринади ва мактуб якунида гина-кудуратларга барҳам беришни таклиф этиб, сулҳ ёки мужодала ихтиёрини Амир Темурнинг ўзига ҳавола этади.

Соҳибқироннинг Европа мамлакатлари билан дипломатик муносабатларида ҳам мактуб алмашинувининг муҳим ролини кўриш мумкин. Анқара жангидан сўнг Франция ва Англия ёзишмалар орқали Темур билан дипломатик муносабат ўрнатди. Француз қироли Карл VI билан Темур ўртасидаги ёзишмаларнинг бир қисми Франция хужжатхонасида сақланади. Улардан англашилишича, Темур Франция қиролининг таклифларини рад этмаган ва Карл VI нинг Шарққа нисбатан сиёсатини қўллаган. Темурнинг форсча ёзилган ва 1402 йил 1 августда имзоланган мактуби, аслида, Анқара жангидан (1402 йил 20 июль) аввал битилган бўлиб, унга кейинроқ сана қўйилган. Мактубда Темур ўз давлати билан Франция ўртасида савдо алоқалари ўрнатиш истагини билдирган. Анқара жангидан сўнг элчилар Европага қайтиб кетаётганида Темур улар орқали Боязид ҳарамидан озод этилган, насл-насаби тоза уч нафар ёш қизни ўз номидан Кастилия қиролига совға қилган. Уларга ўз элчиси Муҳаммад Кешийни ҳам қўшиб юборган. Унинг қўлида 1402 йил август санасида имзоланган ва қиролга аталган дўстона хат бор эди. Мактубда Темур Боязид устидан ғалаба қозонганини айтиб, насронийларга меҳр-оқибатли бўлишини баён этган.

Амир Темурнинг бизгача сақланиб қолган лотинча таржимадаги иккинчи мактубига ҳам 1402 йил 1 август санаси қўйилган. Иккала мактубни

ҳам Султониянинг католик архиепископи Иоанн III Францияга олиб борган.

Карл VI нинг Амир Темур номига 1403 йил 15 июлда йўллаган биргина мактуби сақланган. Унда Франция билан Темур давлати ўртасида савдо алоқалари ўрнатиш масаласига катта ўрин берилади. Карл VI мактубидан унинг фуқаролари Темур мамлакатига бемалол бора олгани англашилади. “Амир Темур билан Карл VI ўртасидаги ёзишмадан маълум бўлишича, иккала подшоҳ ҳам савдо битими тузишдан манфаатдор бўлган” (*Умняков И. Из истории международных отношений Средней Азии с Западной Европой в начале XV в. // Известия АН УзССР. 1960. №1. Стр. 7*). Бироқ 1405 йил февралда Темурнинг вафот этиши бу ишни охирига етказиш имконини бермади.

Темур ва Мироншоҳ Англия билан дипломатик ёзишмалар олиб боргани маълум. Хусусан, Англия қироли Генрих IV (1399 – 1413) томонидан Мироншоҳ билан Темурга йўлланган икки лотинча мактуб сақланган. Генрих IV нинг мактубида Мироншоҳ Мирзо “Мирасса Амираасса” деб тилга олинган. Қирол Мироншоҳнинг “диний арбобларга ва франко-католикларга лутфи карам бахш этиб, насроний савдогарларнинг шахси ва фаолияти хавфсизлигини таъминлагани ва эвазига савдо ғаразига хайрихоҳлиги” учун миннатдорлик изҳор этган.

“Темур тузуклари”да Соҳибқироннинг пири бўлмиш Мир Саййид Шариф билан ёзишмалари ҳақида ҳам қайдлар мавжуд.

Низомиддин Шомий “Зафарнома” асарида мактубларнинг Соҳибқирон салтанатидаги ўрни, сиёсий муносабатларга таъсири ва ахборот алмашинуви жараёнларидаги тадрижи хусусида бундай ёзади: “Жаҳон салтанати бирмунча вақт номдор султонлар ва комкор маликлар соясидан холи қолиб, ҳар бир мулкда биттаси бош кўтарган бир пайтда жаҳон мамлакатларининг катталаридан бўлган Рум мамлакати Йилдирим Боязиднинг амру фармонида кирган эди. У бир қанча муддат ҳукмронлик ва улуғлик мақомида туриб, истиқлолдан дам урди ва у диёрларда ғалаба қозонди. Фирибгар дев унинг димоғига такабурлик тухмини қўйди, у эса қувват ва шавкатига мағрур бўлиб, ўз мақоми чегарасидан чиқди, ўз қадри палосидан сиртга оёқ босди ҳамда номдор султонлару улуғ мартабали маликлар “қулингман, хизматкорингман” деб ёзиб турган ва замона

сарварлари давлати остонасини қуллик лаби билан ўпиб турган шундай улуғ бир ҳазратга (Амир Соҳибқирон) сарварлик ва ҳукмдорлик лофини уриб бемаза мактублар ёзди, нотўғри хабарлар юборди. Шуларнинг барчасига қарамай, Соҳибқирон ҳазратнинг туғма мақтовли табиати бу бўяма сўзларга илтифот этмай, унга насиҳат қилди ва огоҳлантирди” (*Низомиддин Шомий. Зафарнома. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996. 322-бет*).

Тарихий солнома бўлмиш “Мин ши”да Соҳибқироннинг Хитой ва Ҳиндистон билан дипломатик муносабатлари хусусида маълумотлар мавжуд. “Хитой императори 1395 йили Самарқандга Амир Темур хузурига Фу Анъ бошчилигида яна элчилар ва мактублар юборган ва улар орқали император муҳри босилган махсус мактуб ҳам йўллаган. Фу Анъ бошчилигидаги элчилар 1395 йили Хитойдан йўлга чиққани ҳақида “Мин ши лу”да ҳам хабар бор” (*Watanabe Hiroshi. An Index of embassies and tribute missions from Islamic countries to Ming China as Recorded in the Ming Shih In Classified According to Geographic Asia // Memoirs of the Research department of the Toyo Bunko. Tokyo, 1975. P. 347*).

Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳам ўз битикларида Самарқанд шаҳридаги Дилкушо боғида Амир Темур билан учрашув ва дипломатик ёзишмаларга тўхталган: “Ўша ерда улардан Темурбек учун қиролнинг мактубини сўрашганда элчилар мактубни беришди. Мактубни набириларида бири олди... Шунда Темурбек кейинроқ унга одам юбориб чақиришини, мактубни ўқиб, Испания қироли нимани хоҳлашини тушунтиришини айтди” (*Руи Гонсалес де Клавихо. Амир Темур Испания элчиси нигоҳида. У. Жураев таржимаси. Тошкент, “Замин нашр”, 2019. 117-118-бетлар*).

Бу факт ва далиллар Амир Темур даври ички ва ташқи сиёсатида ахборот алмашинуви ҳамда халқаро ҳамкорлик борасида мактубларнинг ролини ўрганишга бағишланган махсус тадқиқот яратишни тақозо этади. Жумладан, Темур даври халқаро ҳамкорлик хатларининг рўйхатини шакллантириш зарур. Соҳибқирон давридан мерос қолган ёзишмалар сақланаётган музейлар фондидаги мактублардан нусха олиб, махсус альбом чоп этмоқ лозим.

Шаҳло РАҲМОН,
тадқиқотчи

Alibobomi yoki Ali bob?

Тасаввуф адабиётида “боб” сўзи кенг қўлланади. Луғавий маъноси эшик ёки дарвоза демак. Кўчма маънода пир ёки шайх, дунё ва охират яшилигига етаклайдиган эшик, саодат дарвозаси деган маъноларни англатади.

Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида 359-сон билан “Боб Фарғоний қуддиси сирруху” фасли келади: “Оти Умардур. Фарғонада бўлур эрди. Ул ерда улуғ машойихни “боб” дерлар. “Кашф ул-мажжуб” соҳиби дер эмишки: “Ул автод ул арздиндур”. Шайхулисом дебдурки: “Шайх Аму ани кўриб эрди. Ул дедики: “Бир кун анинг қошида ўлтуруб эрдим. Бирав кирди ва дедиким: “Дуойи қилки, Саркаб келди” ва Саркаб бирав эрдик, келиб ул мулка зарар еткурур эрди ва боб ўчоғ қироғида ўлтуруб эрди ва офтоба дағи ўчоғ қироғида эрди. Оёғин офтобаға уруб йиқитти ва дедиким: “Ани йиқиттим”. Саркаб ҳамул дам шаҳар эшигида отдин сарнигун йиқилди ва бўйни синди”. “Кашф ул-мажжуб” соҳиби дебдурки: “Бобнинг зиёратига қасд қилдим. Чун анга еттим. Дедики: “Не ишка келибсан?” Дедим: “То шайхни кўргаймен сурат била ва андин назари топқаймен шафқат била. Деди: “Эй ўғул, мен худ фалон кундин бери сени кўрадурмен ва то сени мендин ғойиб қилмағайлар, кўргумдур ва ул кунни ҳисоб қилдим, менинг тавбамнинг ибтидоси куни эрди. Андин сўнгра деди: “Эй ўғул, йироқ йўл қатъ қилмақ ўғлонлар ишидур. Мундин сўнгра зиёратни ҳиммат била қилки, шахс анга кари (таъсир, ярарли) қилмаски, ани зиёрат қилғайлар ва ашбоҳ зуҳуриға ҳеч нима боғлиқ эмас. Сўнгра ходимасиға дедики, улча бор, олиб келки, дарвеш есун. Бир табақ узум келтурди ва тоза чоғи эмас эрди ва анда неча рутаб (янги пишган) ва Фарғонада мумкин эрмаски, руб бўлғай” (*Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат мин шамойимил футууват. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Ҷамидхон Исломи. Тошкент, “Маворуннаҳр” нашриёти, 2017. 575-бет*).

Маълум бўладики, бобга, яъни пирга мункирлик қилган ва жамоатга хавф солган, кишилар мулкига зарар етказган инсон боб томонидан жазоланган. Яна бу парчада улуғлар назарига тушиб насибадор бўлай дея бобнинг эшигига келган зиёратчининг сусткашлиги ислоҳ қилиниб, ўзини тарбиялаш ва мавсуми бўлмаса-да, янги пишган

узум билан унга каромат кўрсатиб ихлос-эътиқодини парваришлаш жараёни ёритилган.

Бир замонлар сўфий ва дарвешлар, ҳақиқатан ҳам, катта нуфуз ва обрўга эга эдилар. Буни биргина “Насойим ул-муҳаббат”ни мутолаа қилиб билсак бўлади. Одамлар муқтадир шайхларнигина эмас, қаландарлар, эшонлар, мажзуб девоналар, дарвешларни ҳам ҳурмат қилганлар. Шунинг натижаси ўлароқ тасаввуф, тариқатлар ва унинг таркибида дарвешчилик ҳаракати кенг қулоч ёйган. Хонақо удумлари шаклланиб, дарвешлар алоҳида бир тоифа – табақа сифатида жамиятда муҳим ўрин эгаллаган. Бироқ бу бирданига юзга келган эмас; тасаввуф ва дарвешлик ҳаракати узоқ тадрижий тарихга эга. Олимлар тасаввуф тарихини дастлаб икки даврга ажратадилар: зоҳидлик даври, орифлик ва ошиқлик даври. Сўфийларнинг ўзини ҳам ориф сўфийлар, зоҳид сўфийлар, ринд сўфийлар, ошиқлар, фақир сўфийлар, файласуф сўфийларга ажратиш мумкин.

“Насойим ул-муҳаббат”да 69 ўринда “ориф” истилоҳи қўлланган. Хўш, ориф ким, орифлик нима? Маърифат билан ўзақдош бўлган бу сўзлар катта ва кўп маъно ташийди. Маълумки, тасаввуф аҳли билимни зоҳирий ва ботинийга ажратади. Шариат ва дунёвий билимлар – зоҳирий билим бўлиб, Оллоҳни билишнинг биринчи босқичидир. Оллоҳни билиш дунёни билишдан бошланади. Чунки моддий олам, борлиқ – Яратган Зотнинг тажаллийси бўлиб, улар ўртасида изчил уйғунлик бор. Сўфийлар моддий олам ва унинг Яратувчиси ҳақидаги ҳамда шариат билимларини яқиний илм деб билганлар. Орифлик, яъни маърифат босқичи ботиний илм билан боғлиқ, у Оллоҳга робита учун ташланган қадам ҳисобланади.

Аҳли тасаввуф солиқларни ибодати, каромат даражасига кўра тўрт гуруҳга ажратади: обид, зоҳид, ошиқ ва орифлар. Обидлар шариат қавмидан бўлиб, Оллоҳ таолонинг буюрганини бажариб, қайтарганидан қайтадилар. Ҳалол ва ҳаром, пок ва нопокни ажратиш, шариатга амал қиладилар. Обид ўз номи билан обид, яъни ибодат қилувчидир. Уларнинг ибодати: намоз ўқимоқ, рўза тутмоқ, закот бермоқ, ҳажга бормоқ, нафс орзуларини енгиб охират неъматларига интиломқидир.

Зоҳидлар тариқат аҳлига мансуб бўлиб, дунёдан юз ўгириб Оллоҳ розилигини топиш ва жаннатга киришни мақсад қиладилар. Уларнинг ибод

дати – кечаю кундуз зикр, қўрқув ва умид ичида нафас олмоқ; орзулари эса бу дунёда охират учун яроқли ишларни амалга оширмоқдир.

Ошиқлар – кўп ҳолати важд ва жазаба билан ўтадиган зотлардир. Улар фақат ишқ билан нафас олади; ишқи эса мажозий ёки башарий эмас, балки илоҳийдир.

Орифлар ҳолати ҳам ошиқларникига ўхшайди. Улар маърифат аҳлидан бўлиб, ақлу донишда етук, қалби ирфон нури ила лиммо-лим, пок ниятли, покиза ахлоқли закий одамлардир. Ориф – Оллоҳга таваккул қилиб, ишларни фақат Унга топширган, Унинг иродасига фоний бўлиш даражасига етган кишидир. Ибодати – тафаккур ила дунёни ва охиратни тарқ қилмоқ, ҳиммат назари ила валоятни (Оллоҳга қурбат ҳосил қилишни) кутмоқ, орзуси эса Ҳақ таоло васлига етишмоқдир.

Азизиддин Насафий “Зубдат ул-ҳақойиқ” китобида бундай ёзади: “Нарса ва ҳодисаларнинг ботиний моҳиятини англаса, назаридан ҳеч нарса яширин қолмаса ва тақлид чегарасидан ирфон чегарасига қадам қўйган бўлса, уни донишманд-ориф” дейдилар” (*Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақойиқ. Тошкент, “Маънавият”, 1997. 109-бет*). Абдулқодир Жийлоний эса орифга бундай баҳо беради: “Сўнги (зоҳидликдан кейинги) даражага кўтарилиб, имконияти қувватланади, Оллоҳ таолони танийди. У қалбига охиратни эмас, балки Мавлосига етишишни қарор қилиб олади. Шу вақт дунё амалларининг мингтаси кўрилса ҳам, қалбига зарар бермайди. Бунда у Оллоҳнинг буйруғига бўйсунди, ҳукмига, тақдирига мувофиқ келади. Оллоҳ учун инсонлар хизматида уларга енгиллик етказишда қойим туради. Зулмат ўрнига нурни етказди” (*Муҳиддин Абу Муҳаммад Абдулқодир Жийлоний (Ғавсул Аъзам). Раббонийликни англаш. Фатҳ ур-Раббоний. Тошкент, “Шарқ” нашриёт матбаа концерни, 2001. 68-бет*).

Алишер Навоий талқинича, ориф Оллоҳни таниган, билган ва илоҳий маърифатдан мукам-

мал хабардор бўлган сўфийдир. Ориф Оллоҳнинг ҳайи (тирик), илм, ирода, қудрат сингари сифатларини теран идрок этиш ёки ўзлаштириш билан чекланмайди; балки бутун коинот – борлиқ оламнинг сир-асроридан ҳам чуқур огоҳликка эришади. Оллоҳнинг иззати, азамати ва қудратини аъло даражада билади.

Мақолани тасаввуфда боб истилоҳи хусусидаги мулоҳазалардан бошлаган эдик. Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё”, Абдурахмон Жомийнинг “Нафоҳат ул-унс” асарларида ҳам “боб” сўзи эшик, яъни пир ва унинг дарвозаси маъносида келади. Дарвоқе, сўфиёна асарлар луғатида дарвеш калимаси ҳам дарвоза сўзи ўзгидан олинган дейилади.

“Минг бир кеча” туркумидаги “Али бобо ва қирқ қароқчи” эртагини герменевтик жиҳатдан таҳлил қилсак, аждодларимиз тасаввуф сирларини код шаклида эртақ қатига яширгани маълум бўлади. Бош қахрамон Али бобо аслида Алибоб бўлган чиқар. Бир қанча тилсимни бағрига олган ғорнинг сирини эртақда у туфайли очилади. Мажлисда ҳозир бўлганлар ёки эртақда яширинганлар Али боб билан ҳисоблаганда қирқ бир киши, ғор сирини эса илми ладуний – яъни танлаб олинган зотларгина баҳраманд бўладиган илоҳий илмдир. Қирқ киши – чилтанлар ҳақида маълумотлар авлиёлар ҳақидаги адабиётларда учрайди. Чилтанлар – дунёда яширин шафоатчи тоифа, Худо билдирган кишиларгина уларнинг сирларидан огоҳ бўлиши мумкин...

Юртимизда боб билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам мавжуд. Улуғ боблар комиллик, меҳр-муруват, адолат, тўғрилиқ, виждон, ор-номус, ирода, тақво, матонат каби асл инсоний фазилатларнинг мужассам тимсолидир.

Шукур ЖАББОРОВ,

Тошкент давлат Шарқшунослик университети тадқиқотчиси

Qismat, bashorat va abadiyat

1984 йил ёзида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг йўлланмаси билан тарихий обидалар ҳақида мақола ёзгани Туркманистон Республикаси ҳудудида жойлашган Кўхна Урганч шаҳрига бордим. Бу саёҳатда менга хоразмлик иқтидорли шоир, тарих билимдони Матназар Абдулҳаким ҳамроҳлик қилди. Шаҳар

вайроналари бағрида сақланиб қолган ёдгорликлар зиёратидан кейин XX аср бошларида барпо этилган Тош масжидга йўл олдик; у ерда шаҳар харобаларидан топилган ноёб археологик осори атиқалар сақланар экан. Ғаройиб бир ёдгорлик эътиборимизни тортди – у қора рангли қабр тоши бўлиб, узунлиги 2 метр, эни ва бўйи 50 сантиметр

метр; асоси тўртбурчак, устки қисми эса учбурчак шаклда ишланган. Бош ва оёқ қисмидаги томонларга эни ҳам, бўйи ҳам 30 сантиметрли оқ кошинлар қопланган, кошинлар юзасида нилий рангда учиб кетаётган қуш, қушнинг тумшугида донга ўхшаш қип-қизил думалоқ нарса чизилган. Бу тасвир ҳайратомуз гўзал ва ниҳоятда яхши сақланган эди.

– Ушбу тасвирнинг қабртошда акс эттирилиши бежиз эмас. Тарихий осори атиқалар, башоратнома ва тақдирномаларда битилишича, вафотидан кейин одамнинг руҳи ёки жонини Яратган ҳузурга қуш тимсолидаги фаришталар олиб борар эмиш. Кошинда шу ҳолат ифода топган. Қабртош улуғ инсонга қўйилган бўлса керак. Тасвирдаги қуш қалдирғочга ўхшайди, – дея фикр билдирди Матназар Абдулҳаким.

– Бу қабртошни Нажмиддин Кубро мақбарасининг жанубидаги девор яқинидан топдик, – дея сўзга қўшилди туркменистонлик археолог Ҳамро Юсупов. – Тош қабрлар оралиғида, 1,5 – 2 метр ер остида қолиб кетган экан. Демак, ўша қабрда улуғ шайхга яқин инсонлардан бири дафн этилган; у Нажмиддин Кубронинг фарзандлари, қариндош ёки шогирдларидан бири бўлиши мумкин. Тарихий маълумотларга кўра, улуғ шайх мўғулларга қарши курашиб ўз хонақоси яқинида шахид бўлган. Садоқатли инсонлар уни шу жойда дафн этган. Кейинчалик қабри устида алоҳида бино тикланган. Эски хонақо бузилиб, янгиси барпо этилган. Хонақо ва қабр устидаги хона қўшилиб, яхлитликда Нажмиддин Кубро мақбараси пайдо бўлган. Мақбара ёнидаги қабр ва қабртошнинг унинг шогирди Мажиддин Бағдодийга нисбат берса бўлади. Чунки шайхнинг Бағдодийдан бошқа бирор шогирди унга яқин жойга дафн қилинмаган.

Ушбу қабр ва қабртош Мажиддин Бағдодийга тегишли экани ҳақидаги маълумот бошқа манбаларда ҳам учрайди. Масалан, Хива хони Оллоқулихон ҳукмдорлик қилган (1825 – 1842) йилларда бу ерда Эрон давлати элчиси мақомида бўлган муаррих Ризоқулихон Кўҳна Урганчга сафари таассуротлари ҳақида бундай ёзади: “Шайх Нажмиддин Кубро мақбарасини зиёрат қилганимиздан кейин шу ерда хизматни адо этадиган инсон бизга шайх Мажиддин Бағдодий қабрини ҳам кўрсатди. У Нажмиддин Кубро мақбарасига ниҳоятда яқин эди. Мажиддин Бағдодий қабридаги тош Нажмиддин Кубро мақбарасидаги

“Еттита хоразмшоҳ” қабртошларига ўхшарди, лекин бу қабртош уларга нисбатан мукаммал ишланган эди”.

Кўҳна Урганчда археологик ва меъморий тадқиқотлар олиб борган рус шарқшунос олимларидан Александр Якубовскийнинг “Урганч харобаларида” (1930), Владимир Пилявскийнинг “Урганч ва Миздахкон” (1948) асарларида ҳам Бағдодийга нисбат берилган қабр ҳақида маълумот бор. Қабр Нажмиддин Кубро ва машҳур курашчи, шоир Паҳлавон Маҳмуднинг отаси Пирёр Вали мақбаралари оралиғида жойлашган. Қабр устига бино тикланган. Вақт ўтиши билан гўр ҳам, устидаги бино ҳам бузилиб, йўқ бўлиб кетган. В. Пилявский бино пойдевори қолдиқларини очиб ўрганган, ўлчамларини аниқлаган: қабр устидаги бино баланд, икки хонали; кириш йўлаги жануб томонда, пештоқли бўлган.

Ўша қабртошни зиёрат қилаётиб, ҳаётнинг абадий қонунияти бўлмиш бир ҳақиқатни – инсон бу дунёда омонат, умр ўлчовли, тириклик одамга берилган қарз эканини, лекин яхшилик учун хизмат қилганлар, ўлмас ғоялар яратган ва умрбоқий сўз айтганлар, башарият учун улуғ амалларни бажарганлар тарих бағрида йўқ бўлиб кетмаслигини яна бир қарра чуқурроқ англаб етдим.

Мажиддин Бағдодий ҳаёти-фаолиятига оид маълумотлар кам етиб келган. Улуғ аллома ва валийлар, машҳур аждодлар ҳаёти ҳақида маълумотлар оз бўлса, одатда, турли афсонаю ривоятлар пайдо бўлади. Бағдодий ҳақида ҳам турфа афсоналар яратилган.

Ривоятлардан бирида Бағдодий ўн-ўн икки ёшли Жамилжон деган бола тимсолида берилди. У Хоразмнинг Бағдод деган кентидан бўлиб, онасининг илтимосига кўра Нажмиддин Кубро хизматига қиради. Яна бир ривоятда хушсурат, ақлли яхудий йигит исломни қабул қилиб, улуғ шайхга мурид тушгани айтилади. Бошқа бирида эса Мажиддиннинг халифалик маркази Бағдоддан келган табиб оиласига мансублиги, акаси хоразмшоҳлар саройида, ўзи эса Кубро хизматида бўлгани айтилади.

Тарихий манбаларда Мажиддин Бағдодийнинг 1150 йилда таваллуд топгани, Кубро хизматида келганида ёши улуғ инсон бўлгани баён қилинган. Ҳазрат Навоий “Насоим ул-муҳаббат”да бундай ёзади: “Куняти Абу Саиддур, оти Мажиддин Шараф ибн Муйяяд ибн Абдулфатҳ ал-Бағдодий. Асли Бағдоддандур. Хоразмшоҳ Бағдод халифа-

сидан табибе тилади. Анинг отасин юборди. Ва баъзилар дебдурларки, Бағдоддандурки, Хоразм кентларидандур. Ва ул султоннинг муқаррибларидан эрди”.

“Насойим...”да яна ёзилишича, шайх шогирдини дастлаб таҳоратхонага ишлагани юборади. Маждиддиннинг онаси табиб эди, буни эшитиб шайхга “Фарзандимга иш буюрибсиз, унинг табиа-ти нозик, зарурат бўлса, мен ишлашга ўн қул юбораман”, дейди. Ҳазрат шайх “Ўзинг тиб илмини биласан. Агар ўглинг иситма қилса ва мен дорини ўша қулларга берсам, сенинг боланг шифо топадимми?” деб жавоб қайтаради. Шу тариқа “Ва бу навъ тарбиятким, Ҳазрат шайх қуддиса сирруху шайх Маждуддинга бунёд қилдилар. Бир неча вақтдин сўнграким, риёзатлар тортиб сулуқлар қилди, олий маротиб ҳосил қилиб, буюк мақомларга қадам қўйди”.

Навоий “Насойим...”нинг “Розиюддин Али ал-Лола” қисмида Бағдодий тарихига яна бир аниқлик киритади: “Шайх Али Лола мусофир бўлиб шайх Нажмиддин Кубро хидматлариға келди ва сулуқка машғул бўлди. Андин кейин кўп муддатдин сўнгра шайх Маждуддин Бағдодий Ҳазрати шайх хидматлариға мушарраф бўлди. Шайх ўтуз беш ёшларида тахминан сулуқка машғул бўлбтурлар ва шайх Маждуддин тўртбеш ёш шайх Али Лоладин ортуқ эмиш”. Бундан Бағдодийнинг шайх Кубро хизматиға 1185 йилдан сўнғ киргани маълум бўлади.

Нажмиддин Кубро “Кўнглим кўзи билан кўрганларим” рисоласида инсоннинг охират сафари ҳақида мулоҳаза юритад экан, одам ҳаёти давомида қаерда бўлмасин, қандай иш билан шуғулланмасин, нималар ҳақида сўз юритмасин, буларнинг барчасидан келиб чиқадиган яхшилик ва ёмонликлар учун Яратган олдида жавоб беради, деган хулосага келади. Бағдодий Кубро хизматида сулуқ қилиб, буюклик мақомига эришганидан кейин охират сафари вақтида ўзи учун қийин бўладиган ушбу йўлни тутиб, таҳассуслик қилади. Навоий таъбири билан айтганда, “суқри ғолиб бўлади”. “Насойим...”да ўқиймиз: “Дерларки, шайх Маждуддин бир кун дарвишлар била ўлтуруб эди. Анга суқри ғолиб бўлди. Дейди: “Биз ўрдак тухуми эрдуқ дарё кийроғида ва улуг шайх қуше эрдик, қаноти остида бизни парвариш бериб тарбият қилди, то ул тухумдин чиқтуқ. Чун ўрдак боласи эрдуқ, дарёга кирдуқ ва улуг шайх кийроқта қолди”. Ва Ҳазрат шайх

каромат нури билан ул сўзга воқиф бўлдилар ва муборак тиллариға келдики: “Дарёда ўлгай”. Албатта, Бағдодий ўзининг паришонлик билан айтган бу сўзидан ва улуг шайхнинг башоратидан кўрқувга тушади. Шайх Саъдуддин Ҳуммуйи (Ҳамавий) олдиға келади ва “Устознинг вақти хуш бўлган маҳалда менга хабар етказ, бориб узр сўрай”, дея арз этади. Вақтеки, хабар етиб, устоз олдиға боради. “Ул оёғ яланг келди ва бир таштда ўт тўлдириб, бошиға кўтариб, кашфгоҳда турди. Чун шайх Ҳазратларининг муборак назари анга тушти. Дедиларки: “Чун дарвишлар тариқи билан паришон сўзунг узрини қиласен, бу билан имон ва дин саломат эттинг, аммо бошинг борғай ва дарёда ўлгайсен ва биз ҳам сенинг бошингга борғайбиз...” Шайх Маждуддин шайх Ҳазратларининг муборак оёғлариға тушти...”

Демак, шайхнинг башорати амалга ошириши аниқ. Кубро суюкли шогирдининг бошиға олов тутиб турган ҳолда қилган узрини қабул қилмаган. Афсонаға кўра эса, “Жамилжон шайх хизматиға хозир бўлди. Шайх унга дарёдан таҳорат суви келтиришни буюрди. У дарё томон кетди. Аммо икки кун Жамилжондан дарак бўлмади. Учинчи кун у бир қўлида таҳорат учун олинган кўзадаги сув ва иккинчи қўлида кесилган боши билан шайх ҳузурда пайдо бўлди. Бу ҳолни кўрган Нажмиддин Кубро “Демак, душман хуруж бошлабди, мамлакат ва халқ бошиға оғир ташвиш тушади, юрт вайронаға айланади” деди”.

“Насойим...”да бошқача тарих келтирилган: “Шайх Маждуддин Хоразмда ваъз айтур эрди ва Хоразмшоҳнинг онаси анинг ваъзига борур эрди. Ва жамила заифа эрди. Душманлар фурсат асрадилар ва Хоразмшоҳ маст эканда онга айттиларки: “Онани Имом Абу Ҳанифа мазҳаби била шайх Маждуддиннинг никоҳига кирибдур”. Султон бағоят мутағаййир бўлди ва буюрдиким, шайх Маждуддинни Жайхун суйиға солдилар. Чун шайх Маждуддинни олти юз еттида ё олтида шаҳид қилдилар”.

Яна бир манбада “Тангри наздида энг маъқул жиҳод золим подшоҳга айтилган ҳақ сўздир” деган ҳадисға амал қилиб, Муҳаммад Хоразмшоҳни тўғри йўлга солишга урингани учун шайх Маждиддинни Амударёга чўктирганлар” дейилади.

Афсона ва тарих шундай. Лекин бир ҳақиқат аниқ: Нажмиддин Кубро башорат қилганидек, Бағдодий Амударёга чўктириб ўлдирилади. Бироқ қатл санаси ва сабаби ҳақидаги маълумотлар

хар хил. Навоий ҳижрий 606-607 (мил. 1210-11) йилни келтиради. Баъзи манбаларда 1217 йил дейилган.

XIII аср тасаввуф тараққиётига катта ҳисса қўшган, Фаридиддин Аттор, Нажмиддин Розий, Розиддин Али Лола каби улуғ шайхларга устозлик қилган, “Сафар рисоласи”, “Яхшилар совғаси” каби рисоалар яратган, сўфиёна рубоийлар битган ва ўзидан катта маънавий мерос қолдирган Маждиддин Бағдодийнинг афсона ва тарихий

ҳақиқатлар билан уйғунлашган ҳаёти қиссаси ана шундай. У ўз тақдирини билгандек ўлими олдидан рубоийларидан бирида бундай ёзади:

*Ул баҳри муҳитга кирмак истар кўнелим,
Ё чўксаму ё инжуға тўлса қўйним.
Этсайдим адо – бу иш хатарли гарчи,
Ишқ рангига эврилса юзим ё бўйним...*

Камол МУҲАММАД ЁҚУБ,
тадқиқотчи

Ildizlarga qaytib

Ўзбек халқ поэтик ижодида маросим фольклорининг ўрни бекиёсдир. Мамлакатимиз ҳудудида минг йиллар давомида шаклланган қадимий халқ оғзаки ижоди намуналарининг ўзига хослиги, аввало, ҳудудий фольклор ижрочилигини ифодалаши билан белгиланади. Халқ оғзаки ижоди намуналарининг жанрлар таркиби, дostonлар, эртақлар, топишмоқлар, қўшиқлар, лапарлар, тўй маросимлари айтимларининг ранг-баранглигини таъкидлаш жоиз.

Ўзига хос турмуш тарзи ва миллий анъаналарга эга бўлган халқимиз қадим замонлардан хилма-хил жанрларда оғзаки бадиий ижод намуналарини яратган. Аждодларимизнинг бадиий иқтидори ва ижодий салоҳияти кенг қамровли бўлгани тўғрисида ғоят улкан фольклор мероси юзага келганки, бу бебаҳо қадриятлар силсиласи маънавийатимизнинг юксак тараққийсини таъминлаган. Зеро, “фольклор халқ оммасининг маиший ҳаёти, ижтимоий-сиёсий турмуши, кундалиқ фаолияти билан маҳкам боғланган, ўзига хос ғоявий-эстетик тизимга эга бўлган ижод сифатида юзага келган ва ривожланишда давом этган. Ўзбек фольклори халқимиз бадиий фаолиятининг таркибий қисми, сўз санъатининг оғзаки тури ҳисобланади. У узок тарихга, мураккаб тараққиёт босқичларига эга” (Мирзеев Т. *Ўзбек фольклори очерклари. Уч томлик, 1-том. Тошкент, “Фан”, 1988. 3-бет*).

Дарҳақиқат, халқнинг кундалиқ меҳнат фаолияти ва турмуши билан боғлиқ ҳолда шаклланган фольклор ижрочилиги анъаналари муттасил такомиллашиб келган. Шу тариқа халқ ижодиёти намуналарини айтишга ихтисослашган профессионал ижрочилар пайдо бўлган. Халқ ижодиётида воқеликни бадиий идрок этиш ва талқин қилиш усуллари такомиллашар экан, ҳаётий-маиший функцияси ва камровининг ўзига хослиги, муайян

поэтик тизимга эғалиги ҳамда бадиий ифода усулининг оригиналлиги билан бир-бирдан фарқланувчи фольклор жанрлари ҳам ривожланиб борди. Айниқса, миллий ўзлигимизни ифодаловчи урф-одат ва маросимлар билан боғлиқ фольклор жанрларининг шаклланиши халқ ижодиётининг тарихий тараққиётида муҳим босқич бўлди. Зеро, маросим фольклори беназир номоддий маданий мерос намунаси бўлиши билан бирга ёш авлоднинг бадиий-эстетик дидини ўстириш ҳамда миллатнинг маънавий бирлигини таъминлашга хизмат қилади (Муродова М. *Фольклор ва этнография. Тошкент, “Алоқачи”, 2008*).

Шаклланиш тарихи ва генетик асосларига кўра маросим фольклори жанрлари бадиий тафаккурнинг қадимий намуналари сирасига мансуб бўлиб, унда аждодларимизнинг мифологик қарашларидан тортиб, турли расм-русумлари ва ибтидоий ритуалларигача бўлган этномаданий қатлам излари учрайди. Шунинг учун ҳам маросим фольклорини тадқиқ этиш, айниқса, маросим қўшиқларини турли ҳудудлар материаллари асосида қиёсий ўрганиш ўзбек халқи бадиий тафаккури тадрижи ва тараққиёти қонуниятларини аниқлашда катта аҳамият касб этади.

Маросим фольклори аксар ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрларини ўз ичига олган, саҳналаштирилган, ҳаётий воқеаларни акс эттирувчи жараёндир. Масалан, бешик тўйида алла, лапар, ўлан, турли айтимлар, эркаламалар ижро этилади. Бешикни уйга олиб келишдан бошлаб, уни безатиш, чақалоқни белаш жараёнида айтилаётган айтимлар, ният ва тилақлар, олқиш ва дуолар авлодан-авлодга ўтиб келмоқда.

Шу ўринда маросим сўзига изоҳ бериб ўтсак. Маросим – диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабати билан ўтказиладиган маърака, йиғин:

диний маросимлар, тўй, дафн ва бошқалар; тантанали тарзда ўтказиладиган расмий йиғин: юбилейлар, мукофот бериш, ҳайкал очилиши маросимлари ва бошқалар (Бекмуродов М., Умаров А., Қорабоев У., Ҳайдаров З. *Ижтимоий-маданий фаолият тарихи, назарияси ва услубияти. Тошкент, “Маънавият”, 2016*).

Маросимлар халқ маиший ҳаёт тарзидан келиб чиққан ҳолда, турли воқеа-ҳодисалар негизда юзага келади. Масалан, бола туғилгач, исм кўйиш, ақиқа маросимлари ташкил этилади. Бешик тўйдан бошлаб, яъни инсон таваллудидан ўлимига қадар ўнлаб маросимлар ўтказилади. Маросимлар жамоавий, маҳаллий ва оилавий тарзда ўтказилиши билан ажралиб туради.

Кўпчилик иштирокида ўтказиладиган никоҳ тўй, суннат тўй, қиз узатиш кабилар жамоавий маросимлар ҳисобланса, йилнинг тўрт фаслида нишонланадиган маросимлар маҳаллий турга мансубдир.

Маросимларда ижро этиладиган лапар, ўлан, алла, ялла, айтишув, айтимлар, қиқиллама, эркалама каби фольклор асарлари негизда катта фалсафа ётади. Улардаги ҳар бир мисра, сўз воқеаликка айрича муносабатни ифодалайди.

Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиёти жанрлар таркибининг тарихий-тадрижий ривожини фундаментал асосда тадқиқ этилмаган бўлса-да, муайян жанрга оид матнлар – қадимий ёзма манбалар намуналарини аниқлаш, ёзиб олиш, оммалаштириш ва ёшлар онгига сингдиришга доир бир қатор ишлар амалга оширилган (Муродова М. *Халқ ижодиёти. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2015*).

Бугун ҳам мамлакатимиздаги фольклор-этнографик ансамбллар аждодлар меросини авлодларга етказиш йўлида баракали ижод қилиб келмоқда. Жумладан, Қашқадарё вилояти Касби туманидаги “Кулол шодаси” фольклор-этнографик ҳаваскорлик жамоаси ҳам халқ ижодиётини кенг оммалаштириш, маънавий сарчашмаларни тарғиб этиш, яъни аждодлар бадиий мулкни халққа қайтариш ва келажак авлодларга етказишга ҳисса қўшмоқда. Фольклор-этнографик ансамбллар изланишлари ва соҳа мутахассисларининг саъй-ҳаракати билан унутилган маросим кўшиқлари тикланаётгани эътиборга моликдир.

Нилуфар КАРИМОВА,

Маданиятшунослик ва номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институти ходими

Evrilish mo'jizalari

Эврилиш, яъни метаморфоза ҳодисаси сўз санъатида ёзма адабиётга қадар мавжуд бўлган. “Қисаси Рабғузий”нинг дастлабки “Осмонлар ва ерлар ҳақида сўз” фаслида бундай дейилади: “Хабарда келтирибдиларки, Оллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳамма нарсадан илгари бир гавҳарни яратди. Бу гавҳарга ҳайбат назари билан қараган эди, у эриб кетди. Эриб сув бўлган гавҳардан ерни яратди. Сув устига тушгач, у кўпикланди. У кўпикдан тутун кўтарилди, у тутундан кўкни яратди. Ул сув Оллоҳ таолонинг ҳайбатидан қайнаб кўпикланди. Ул кўпикдан Каъбаниннг ўрнича ерни яратди” (*Носируддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. www.ziyouz.com*). Бу ўринда бир қанча эврилиш жараёнлари ҳақида сўз боради ва уларнинг бари илоҳий қудрат соҳибининг иродаси билан амалга ошгани айтилади.

Оламнинг муайян эврилишдан пайдо бўлиши бошқа халқлар мифологиясида ҳам учрайди. “Бир қатор ҳинд-европа мифологик аънаналарида коинот ва ернинг қисмлари ўлдирилган

илк одам танасининг парчаларидан, масалан, Скандинавия асотирларида баҳайбат Имирдан (унинг қони – сувга, тишлари – қояларга, суяги – тоғларга, сочи – ўрмонларга, мияси – булутга, бош чаноғи – осмон гумбазига, эти – қуруқликка эврилади), ведалар мифологиясида Пурушадан (унинг танасидан коинот пайдо бўлган), ўрта форс ва шарқий славян битикларида илк одамдан метаморфоза воситасида пайдо бўлади” (*Тереценко А. Стилистический приём “метаморфоза” и особенности его репрезентации в селькупских сказках и мифах народов мира. Филологические науки. Вопросы теории и практики. Тамбов, “Граммота”, 2014. Стр. 182*).

Рабғузий асарида фаришталар ўтнинг ёруғидан, парилар ўтнинг алангасидан; Одам алай-ҳиссалом тупроқдан, Ҳавво Одамнинг чап қовурғасидан яратилгани ривоят қилинади. Яна бир қиссада баён этилишича, иблис васвасаси билан Ҳобилни ўлдиришга аҳд қилган Қобил бу ишни қандай амалга оширишни билмай тургани-

да, иблис одам қиёфасига кириб, бир қушни тош билан уриб ўлдирлади. Қобил буни кўриб, ўрганиб олади. Шу тарзда одам боласи илк бора гуноҳга қўл уради. Иблис ёвуз ниятини амалга оширмак учун ғайбий қуввати ва илмидан фойдаланиб одамга эврилади.

Халқ оғзаки ижодининг энг қадимги намуналари ҳисобланмиш миф, афсона ва ривоятларда учрайдиган метаморфозалар қарғиш ёки жазо сифатида илоҳий қудрат воситасида амалга ошади. “Бойўғли” афсонасига кўра, бир бойнинг яккаю ягона ўғли отасининг айтганини ҳеч қилмас экан. Шунда бой “Боламини жазолаган бўлиб, дўқ-пўписа қилиб кўй” деб Худога нола қилибди. Бола бойўғлига айланиб қолибди. Бойўғли ўшандан бери уялганидан, элга қўшила олмай, ёлғиз яшаркан (*Асотирлар ва ривоятлар. Тошкент, “Ёш гвардия”, 1990. 30-31-бетлар*).

“Чоштепа” афсонасида ҳикоя қилинишича, қадимда уч ака-ука жуда аҳил-иноқ яшаган экан. Кунларнинг бирида катта ака савдо учун узоқ юртга кетибди. Ҳосил кўтарар вақтда икки ука аканинг буғдой ўрими ва йиғимида қатнашмаганини рўқач қилиб, ҳосилни иккига бўлиб олмоқчи эканини айтибди. Лекин келиша олмай жанжаллашиб кетишибди. Шу маҳал ака келиб қолибди ва у ҳам жиққамушт бўлиб кетибди. Асо тутган бир нуроний чол пайдо бўлиб, уларга насиҳат қилибди. Лекин тинчителишнинг уддасидан чиқа олмабди. Шунда қария, яъни Хизр (а.с.) акани сомонга айлантириб ғарамга қўшибди, икки укани эса тупроққа айлантириб икки тепалик ҳосил қилибди (*Ўша манба, 42-бет*).

Фольклор асарларида сеҳр-жоду йўли билан амалга оширилган метаморфозалар ҳам учрайди. Бунда худо ёки илоҳий қудрат соҳиби, руҳлар аралашмайди. Эврилиш сеҳр-жоду йўли билан одамлар томонидан амалга оширилади. Эртақ ва ривоятларнинг асосий қахрамонлари сифатида энди ғайб олами эмас, моддий оламдаги қахрамонлик кўрсатган шахслар, фавқуллода куч-қуд-

рат, истеъдод эгалари майдонга чиқади. “Зумрад пошшо”, “Маликанинг уч шарт”, “Сеҳрли пичоқ” каби эртақларда шу хил метаморфозалар асосий муддаони очишга хизмат қилган.

Халқ эртақларида ойна кўпинча дарёга, тароқ – чангалзорга, қайроқтош – тоққа эврилиб, қахрамонни бало-офатлардан ёки қувиб келаётган душмандан халос этади.

“Анқо қуш” эртагида эса воқеалар ривожини асосан эврилиш мотивлари асосига қурилган. Подшоҳнинг Анқо қушини излаб йўлга чиққан йигит саёҳат маҳали чинор дарахтида катта илонни кўриб қолиб, уни ўлдирмоқчи бўлади. Илон йигитга ёлворади; тирик қолдирса, унга ёрдам бериши, ўзининг аслида шахзода экани, қирқ қиз ва бир эркак париларга йўлиқиб, улар узатган сувдан ичганидан сўнг илонга айланиб қолганини айтади. Ҳажман анча катта (30 саҳифали) эртақда сеҳргарлик йўли билан кўплаб эврилишлар содир бўлади. Бунда тупроқ, кўзгу, илоннинг мўйлови, сув, хилма-хил таомлар каби воситалар ишга солинади. Шу каби бошқа сеҳрли-фантастик эртақларда ҳам эврилиш мотиви етакчилик қилади. Қахрамон сеҳр ёрдамида турли шаклларга киради, ўз қиёфасини ўзгартириш имконига эга бўлади. Бу эртақларда халқнинг ёвуз кучлардан, золимлардан қутулиш, ўзини кучли-қудратли ҳис этиш орзуси, ҳаёт машаққатлари қаршисидаги армонлари, душмандан қасос олиш мақсади ўз ифодасини топган. Уларда бир моддий кўринишдан иккинчисига эврилиш жазо, ўч олиш каби ёвуз; мукофот ёки ёрдам, кўмак бериш каби эзгу мақсадларни амалга оширишга ёрдам беради; сюжетни ривожлантирувчи асосий бадиий воситага айланади. Айни вақтда метаморфозатурланишлар эртақнинг қизиқарлилигини таъминлашда; сюжет тугунининг ечилишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Гўзал РАМАЗОНОВА,
мустақил тадқиқотчи



SUMMARY

Untouchable Truths: A Conversation with Dilnavoz Yusupova, Doctor of Philology and Professor. pp. 4-13.

For the past hundred years, the study of Alisher Navoiy has been developing within the framework of modern science. Scholars have made great efforts to bring the spiritual and artistic world of this great thinker closer to today's readers. However, only experts – those who deeply understand Navoiy's works and appreciate them as literary masterpieces – truly engage with his legacy. With ongoing language barriers, is there a risk that classical literature, and especially Navoiy's works, will eventually be seen only as academic material, rather than something for general readers? These and other important questions were explored in a conversation with literary scholar Dilnavoz Yusupova.

Temur Juraev. World Order: Signs of a Changing Season. pp. 14-21.

The first quarter of the 21st century has been marked by major global events. Professor Temur Juraev describes the chain of developments shaping global history and politics as “external signs of a shift from the old-world

order to a new one”. The Eurocentric order, which dominated for nearly 400 years, is giving way to a multipolar global system. This transformation leads to an important conclusion: billions of people, disillusioned by the old system, are now demanding new rules. “That’s why,” the author concludes, “nations must unite to lead the world into a more humane era – without conflict or loss.”

Avazbek Shermatov. Artificial Intelligence: When Moral Boundaries Are Crossed. pp. 22-27.

There is a growing amount of writing about artificial intelligence (AI). While this technological marvel has many benefits, it also threatens long-standing human values and ethics. This article focuses on that concern – the dilemma between moral boundaries and technological progress. “In developing AI, the focus should not be on global competition,” researcher Avazbek Shermatov argues, “but on improving the technology within the limits of common sense. Chasing financial gain from AI could lead to unpredictable disasters in the near future.”

Anvar Yusupov. Afrasiab Was Not Just a Legend. pp. 62-69.

Historical sources contain many legends about Afrasiab, known by different names. However, researcher Anvar Yusupov uses scientific evidence to argue that Afrasiab was not a mythical figure, but a real historical person. According to the author, Afrasiab – an important figure in early Turkic statehood – lived in the 8th century BCE or even earlier. He believes that many later Turkic dynasties ruling in the region of Turan justified their legitimacy by linking themselves to Afrasiab.